

ШОЙИМ БҮТАЕВ

ЭНДИ БАРИ БОШҚАЧА





**ШОЙИМ
БЎТАЕВ**

ЭНДИ
БАРИ
БОШҚАЧА



ҲИКОЯЛАР

ТОШКЕНТ
«ЮЛДУЗЧА»

1990

Ўз2
Б99

Муҳаррир ҲАМЗА ИМОНБЕРДИЕВ

Бўтаев, Шойим.

Энди бари бошқача: Ҳикоялар: (Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун).— Т.: Юлдузча, 1990— 176 б.

Мазкур тўпламдаги ҳикояларда қишлоқ болаларининг самимий ва беғубор туйғулари, йигитлик оstonасидаги ёшларнинг маънавияти қаламга олинади. Тоғу тошлар, дашту далаларнинг ажиб манзаралари меҳр билан чизилади.

Бутаев Ш. Теперь все по другому: Рассказы: Для детей ср. шк. возраста.

Ўз2

Б 4803620201—13
360 (04)—90 52—90

© «Юлдузча» нашриёти,
1990

ISBN 5—8250—0186—7



ЭНАМНИНГ ОВОЗИ

I

Уйимиз тепаликда. Тўрт томони пахса девор билан кўтарилиб томига чим бостирилган.

Ҳовлимизга сув келмайди. Экин-тикин уёқда турсин, ёз бўйи чағи чиқиб ётади. Ҳовли ўртасида алмисоқдан қолган отқозиқ қаққайиб турибди. Отимиз бўлганини эслолмайман. Қозиққа кези келганда эчки-улоқ, кези келганда сигир-бузоқ боғлаб қўямиз. Номини ўша-ўша, ўзгармаган — отқозиқ.

Ўйроқ-ўйроқлардаги адирлар, паст текисликлардаги бир-бири билан кесишиб, айқашиб-уйқашиб кетган йўллар, ариқлар кафтдагидек аниқ кўринади.

Саратоннинг кундузлари жазирама, кечалари салқин. Ана шундай салқин тушларда отам иккаламиз том ётоқда ётамиз. Отам ишдан ҳориб-чарчаб қайтади. Биров билан гаплашгисиям келмайди. Тўшакка кирган заҳоти донг қотиб ухлаб қолади. Мен анча олисдаги, икки тепаликнинг оралиғида жойлашган шаҳардан нигоҳ узмайман. У ерда сон-саноқсиз чироқлар жимирлайди, йилтирайди, кўзни қамаштиради.

Тепаликда яшашимизга мен тенгқур болалар ҳавас қилишади. Улар бу ерга фақат ўйлагани келишади. Ушандаям қош қораймай оналари чақириб олади.

— Сенга маза,— дейишади болалар.— Тунда шаҳар чироқлариниям томоша қиласан.

Бу гап тўғриликка тўғрику-я, бироқ кўклам келиши биланоқ ҳаммаёқнинг кўриниб туриши дилимни хуфтон қилиб юборади.

Энам ҳоли жонимга қўймайди.

Гап қайтарай десам, у — қари. Қўлларининг териси буришиб, юзини қатма-қат ажин қоплаган. Еноқлари туртиб чиқиб, бурнигина сўппайиб қолган. Сирасини айтганда, доимо чақнаб турувчи кўзларигина унинг ҳали бардам-бақувватлигидан, айтганини қилдирмаса қўймаслигидан нишон бериб туради. Тишим билмайди. Қимирлагани қимирлаган. Ғивирсигани ғивирсиган. Ўзи-ку майли, менгайм кун бермайди.

— Маккамбой, ёш бола эмассан, ўн иккига кирдинг, иш ўрган...

— Ҳо-ой, энди сен таёқдай бўлиб шу туринида ўса-верасанми?

Уни қил-бунни қил деявериб, безорижон қилиб юборадди-да.

Эрта кўкламдаёқ қишлоғимиз болалари эшак миниб, ўт ташишга киришиб кетишади. Уларнинг хуржун-хуржун, қоп-қоп ўт олиб келишаётганини энам узоқданоқ кўради, дарров дийдөөсини бошлайди:

— Маккамбой! Ҳу-ўв Маккамбой! Қайларда юрибсан-а, санқи! Қара-а, кў-ўр! Сен тенгилар эшак-эшак ўт олиб келишяпти... Сигир очдан ўлди-я! Олдига солай десам бир қабза ўт йўқ. Қанақа боласан ўзинг?! Хирсдай бўлиб ҳам шаталоқ отиб юравер-чи...

Мен бу гапларга чидаш беролмайман.

Энанинг олдига дарров етиб келаману у билан бақамти бўлгач, кўзларимда ёш гилгиллайди. Энди бас, шунча чидаганим етар. Ўзимни тутиб ололмайман. Энанинг кексаллигига ҳамма уни ҳурмат қилиши ҳам ёнимдан кўтарилиб кетади. Унинг юзига шартта-шартта:

— Онкеса онкесини! Онкеса онкесини! Менга нима?— дейман.

Аввалига энам ҳайрону дол бўлганича қотиб қолади. Во-ой бу нима деяпти ўзи-и, муштдай боланинг дугайишини, қанақа замонларга қолдиг-а, деб ўйласа керак-да. Сўнгра кўзлари шоҳқосасидан чиққудек бўлади, газаб сочади, таҳдид оҳангида:

— Сенга нима қилган?— дейди.

— Менда эшак йўқ!— икки оёғимни бир этикка тикиб туриб оламан.

Энани ая иншайкейин кўринг. Мен бир четда қолиб, ишдаги отамни сўка кетади:

— Буларни бошидан худо урган. Каттасигайм минг марта айтдим, минг марта айтдим: ҳо-ой бола, битта

эшак олиб қўй, сен минмасанг, мана ўғлинг катта бўлиб қолди, минали деб. Йўқ-да! Парвойига келмайди. Тукийм қимирламайди.

Шунча гап-сўзлардан сўнг, албатта ўт олиб келаётганлар, кўзга баралла кўриниб турган тепалик болоқазодай туюларкан. Қани энди, энамнинг кўзига ҳеч ким — сомон ташиётганлар ҳам, ўт олиб келаётганлар ҳам кўринмайдиган пасқамгина, овлоққина жойда яшасагу у ҳам мени бошқаларга таассуб қилишга ундайвермаса.

Бу — хомхаёл.

Бу йил кўклам келиши биланоқ отам бозордан устига яп-янги тўқим урилган эшак олиб келди. Хуржун ҳам. Мен ўтга чиқадиган бўлдим.

Энам жавраб-сапнашни бас қилди.

Бир хуржун-ярим хуржун ўт олиб келсам танига сиғмай қувониб кетарди: во-ой меҳнаткашгинамдан айланай, во-ой ўзимнинг дастёримга жоним тасаддуқ.

Шундай пайтларда унинг ажинлари ёйилиб, кўзлари музойимлашиб, анча ёшаргандек ҳам кўринарди.

Бироқ бунгача ҳали анча вақт бор эди.

II

— Ая, Маҳкамбойнинг бир ўзини ўтга юборманг тагин, — тайинлади отам эшак олиб келганининг иккинчи куни ишга отланаётиб.

Энамнинг айтишича, отам шаҳарда ўқиб юрганида бир қизни яхши кўриб қолиб уйланган экан. Мен туғилгач, турмушлари бўлмабди. Онамга қишлоқ шаронти ёқмабди. Ўз юртига кетибди. Отам менга ота ўрнида ота, она ўрнида она эмиш. Шунини унутмаслигим керак экан. Мени еру кўкка ишонмаслиги, бирга олиб ётиши ҳам шундан экан. Отамнинг ҳозирги тайиноти энамнинг ана шу сўзларини ёдимга туширди. Мен бу гапларни энамни ҳали жонига қўймай, онам ким, у қаерда, дея сўрайвериш биллиб олганман. Айтгач, бошқа бу ҳақда сўз очмаганман.

Энам одатдагидек пез этиб олов олди.

— Сен боравер, боравер! Ишингдан қолма, бо-ор, бо-ор! Қараб турсам жа-а эсипаетга чиқаряпсан-а, одамни. Маҳкамбойни кимга қўшиб юборишни сен эмас, мен билламан. Сен ҳали ҳеч нарсаин билмайсан, билмайсан...

— Хў-ўл, хў-ўл! — отам синиқ жилмайганча, тавбатаварру қила-қила ишга жўнати.

Отам кетгач, энам супа қирғоғида ўтириб, менга шерик излаб ўйга толди.

— Топди-им, топди-им!— Бошини илкис кўтариб, қувонч билан хитоб қилди у.

— Нимани топдингиз?!— ҳовлиққанча энамнинг олдига югуриб бордим.

— Сени Маннонга қўшиб ўтга юбораман,— деди у. Мен иккилангандек энсамни қашидим.

Маннон мендан бир синф юқорида ўқийди. Шундай бўлсаям қилмаган иши, кирмаган тешиги қолмаган. Синфдошлари у ҳақда зўр-базўр, «уч» олиб юради, дейишади.

Шуларни эслаб, энамнинг «топгани»ни қатъиян рад қилдим:

— Йўқ!— дедим.— У билан бормайман!

— Ие-е!— энам менга ажабланиб тикилди.— Нега?

— У ёмон бола!

Энам ғалати кулди.

— Э, болам-а,— деди насихатомуз тарзда.— Одамнинг яхши-ёмони бўлмайди. Сен ҳайиқма, ўзингни унга яқин тут. Битта-яримта айбларидан кўз юм — беайб парвардигор деганлар. Кейин кўр, ўшандаям сенга ройиш бермаса, қўлингни ювиб, қўлтигингга арт.

Барибир иккиланиб, бошимни эгиб, энсамни қашинишда давом этавердим.

— Мунча қашинасан?— энамнинг жаҳли чиқиб кетгани юзларидан аён бўлди.— Бу яқин ўртада тенг-тушларингдан ҳеч ким йўқ. Дод дейсанми, вой дейсанми, Маннон билан борасан. Қўрқма, еб қўймайди. Мен ҳозир уларникига чиқиб келаман. Ўзини топиб қаттиқ тайинлайман, неварамни хафа қилсанг, орқангга бигиз санчама, дейман...

Энам супа қирғоғидан тушди. Қалишини шипиллатганча ташқарига йўналди. Ҳардамхаёл бўлганимча туравердим.

III

Кун найза бўйига етганда мактабдан келдим. Пўстак устига чўнқайиб ўтирганча косадаги совуқ сувга нон бўктираётгандим, кўча эшик тарафдан Манноннинг ўқдек овози келди:

— Маҳкам!..

Юрагим орқага тортиб кетди. Ҳамиша бирор жанжал чиқариб юргани учун унинг қорасига узоқдан кўзим тушиши биланоқ паналаб ўтиб кетардим. Энди ўзи кеп-

ти. Олдига чиқишим, наинки олдига чиқишим, утгаям бирга боришим керак.

Шоша-пиша ташқарига йўналдим. Маннон тўқим устига худди супадаги кўрпачада ўтиргандек оёғини ча-лиштириб чордона қуриб ўтириб олганди.

— Ўтга бораркансан...— деди у бамайлихотир қўли-даги узун хасин тиши билан чирт-чирт узиб олиб четга тупураркан. Шу асно менга ғалати қараш қилди.

Унинг нигоҳидан юрагим алағда бўлди. Начора, энам-нинг айтганини қилмасам, яна бошим балога қолади.

— Борама-ан!— дедим сир бой бермай.

— Тез чиқ бўлмаса,— Манноннинг буйруқ оҳангида сўзлагани менга ёқмади.

— Ке, нон еб оламиз,— дедим совуққина қилиб.

— Мен нон олганман, — у қаппайиб турган чўнта-гининг устига уриб-уриб қўйди. — Сен ҳам қўлингга олиб ол, йўлда еб кетаверасан-да!

Эсимни танибманки, эшак устида нон еб кетаётган болаларни кўрсам негадир ҳавасим келарди. Айниқса, кўча-қўйда тупроққа беланиб, иштонсиз ўйнаб юрган чурвақалар умрида нон кўрмагандек: менгаям беринг, менгаям беринг, дея чувиллашганча атрофингда гирди-капалак бўлишса, сен уларни қувиб солсанг, борларинг, кўчада ўйнаманглар, уйларингга киришглар, эналаринг нон чайнаб берсин, деб катта одамлардай танбеҳ бер-санг, қандай яхши, ҳузурланганингдан ёйилиб кетасан.

Хаёлимдан кечгани шулар бўлди. Суюниб кетдим.

Отам келтирган эшак ювзошгига эди. Устига тўқим урилганича отқозиққа боғлоқлик ҳолда, бегона жой бўл-гани учунми, калласини осилтириб лоҳасланиб турарди.

Бошвоқни отқозиқдан бўшатдим. Эшакнинг бўйинига осилиб, тиришиб-тирмашиб, бир илож қилиб миндим.

Эшакларимизни пастга энган ёлғизоёқ йўлга солдик.

Яқин-атрофдаги ёнбағирликларга пода ёйилавериб, ўт-ўланларни бош кўтаргани қўймай топтаб ташлаган.

Яна бир тепаликдан ўтдик.

Майсалар шабадада тўлқиндек чайқалиб ётибди.

Экин экилмаган бўзликда эшакларга тушов урдик.

Капалаклар жуда кўп экан. Сарик, оқ, кўк, пушти... Ҳар хил тусдагиси бор. Бетиним учиб-қўниб юришибди. Оғзим очилиб қопти.

— Ағрайма,— деди Маннон жиддий қиёфада.— Умрингда капалак кўрганмисан?

— Кўрганману барибир яна кўргим келяпти,— очи-гини айтиб қўя қолдим.

— Бўпти, бўпти!— зарда қилди Маннон катта одамлардек. — Уроқ олиб келганмисан?

— Йўғ-а!

— Чатоқ, Мениям эсимдан чиқибди.

— Энди нима қиламиз?— ҳафсалам пир бўлиб, унга хавотирланиб тикилдим.

— Бугдойзор ичидан бўтакўз юламиз. Қоровул келиб қолса кунимизни кўрсатади аммо-лекин.

Қўрққанымдан оёқ-қўлларим бушашиб, қалт-қалт титрай бошлади.

— Сен қўрқма,— далда берди Маннон.— Тепаликда отлиқ кўриниши билан майсазор ичига ётиб ол, билмайди.

Бейхтиёр бош ирғадим.

— Юлган бўтакўзларимизни мана шу ерда тўдалаймиз,— деди Маннон.— Қани кетдик.

Майсазорга шўғидик. Бўтакўзнинг барглари бахмалдек юмшоқ, поясиям қўлни тирнамайди. Бугдойзорда тиззадан уриб, тигиз ўсиб ётган экан. Ҳаш-паш дегунча анча юлиб қўйдик. Бир соатлар чамаси вақт ўтгач, бўзликда катта-катта гарамлар ҳосил бўлди.

— Энди бас,— деди Маннон олтинчим-еттинчими марта бугдойзорга киришимизда, нешопаидаги терни кафти билан сидириб ташлаб.— Шунисиям етади.

Манноннинг гарамни меникидан бир ярим барабар катта эди. Хуржунни эса... Илма-тешик, далва-далва бўлиб кетган, баъзи жойларига қора матодан ямоқ солиingan, баъзи жойлари ип билан, баъзи жойлари снм билан чапталган эди.

Мен хуржунимнинг яп-янгилigidан, катталигидан негадир ўнғайсизландим.

— Маннон,— дедим бейхтиёр.— Отанг янги хуржун олиб берса бўлмайdimи?

— Янги хуржунни нима қилзман?— деди Маннон бепасаллик билан.

— Қара, йиртилавериб-йиртилавериб хуржунлиги ҳам қолмабди-ку..

Маннон курак тишлари орасидан бир четга «чирт» этказиб тупураркан:

— Шунисен яхши,— деди.

— Ие! — ҳайратдан анг-танг бўлиб қолдим.— Инмасен яхши бу ilma-тешик...

— Бўлди, бўлди!— Маннон гапимнинг давомини айтишга қўймади.— Сен ўтга чиқиб юрмагансан, билмайсан. Янги хуржуннинг ҳеч қаеридан шамол кирмайди.

Уйга етгунча ўт сасиб-бижғиб, ачиб кетади. Сигир уёқда турсин, эшак ҳам қарамайди кегин бундай ўтга.

— Маннон, энди мен нима қиламан?— дедим алам билан. Яп-янги хуржун кўзимга хунук кўриниб, олиб отиб юборгим келарди.

Шунча овораю сарсонликдан сўнг уйга ўт олиб борсаму сигиримиз қайрилиб қарамаса, оғзига олмаса. Ачиб кетса. Энам ҳам роса жавраса керак кегин.

— Уроқ бўлганда хуржунингни уёқ-буёқнинг тешиб, шамол кирадиган қилардик.

— Гулмих бор-ку!— дедим суюниб.

— Э!— Маннон қўл силтади.— Гулмих билан тешдинг нимаю тешмадинг нима, барибир-да!

Ҳафсалам пир бўлганча оёқ-қўлларим мажолсиз-ланиб, бўтакўз ғарамн устига беҳол чуқдим.

Менга яп-янги хуржун келтирган отамни ичимда яшидим. Туриб-туриб уни яна оқладим: «Отам шаҳарда ниласа, умрида ўт ўришу сомон йигишга чиқмаса, бунақа юмушларнинг барики энам бажарса, қаёқдан ҳам билсин? Ҳамма айб энамда!»

Тўлиқиб кетдим.

Йиғлаб юборишимга оз қолди.

— Хафа бўлаверма,— Манноннинг менга ичи ачиб, олдимга келди.— Майли, бу сафар меннинг хуржунини олақол. Янаги сафар эскисини топиб келасан. Жа-а бўлмаса, бизникида биттаси ётибди, ўшани бераман.

Маннонга миннатдорона боқдим. У ҳақдаги пилларини фикр-ўйларимнинг бари тўзиб кетди. Кўзимга у энг олижаноб, яхши дўст бўлиб кўринди.

Сал шошган эканман...

— Бу хуржунида сениям ўтларнинг сасиб қолади-ку!— дедим унга ачиниб, шу билан бирга фикридан қайтмасайди деган таҳликаси ўйда.

— Майли, ачирса,— деди Маннон кўзларини бошқа ёққа олиб қочаркап.— Биз барибир бу ўтларни ёйиб қуритамиз. Қишга — пичапанкка йиғамиз. Қишда мол ачиган ўт нари турсин ёғочниям ейди.

— Бўпти, ма сен буни ол,— суюганимдан иргинлаб, унинг олдига дардисар хуржунини иргитдим.— Бу сафар албатта эски хуржун олиб келаман.

Манноннинг далва-далва «шамол кирадиган» хуржунни уч-тўрт қабза ўт билан тўлди. Ғарамининг ярмидан кўпи ерда қолди. Маннон «ўтчи чиритадиган хуржун»га унпям жойлаб юборди.

Юкларимизни эшакка ортиб, устига миниб олмагуни-

мизча индамадим. Маннон айниб қолиши, менга раҳм-диллик қилмай қўйиши мумкин эди-да!

Эшакларга миниб олгач, Маннонга ачинганнамо қарадим:

— Жўра, уйга етиб боргунимизча ўтларинг жудаям чириб кетмасин-да!— дея унга ҳамдардлик кўрсатган бўлдим.

Маннон ўзини жўрттага хафаҳол кўрсатган экан. Були мен кейинчалик, ўша кунги воқеаларни том ётоқда ётганча бир-бир кўз ўнимга келтиргач, пайқадим. Бироқ бу маҳал энди кеч, бўлар иш бўлган, қанча ғзаб қилмайн фойдасиз эди.

— Сен биринчи ўтга чиқишингдаёқ хафа бўлиб кетма дедим-да!— Маннон менга ғамхўр-куюнчак эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлгандек қаради.— Кегини... билсанг... бизнинг моллар чириганми, баломи-баттарми, шипираверади,— деди одатдагидек нариги томонга қараб «чирт» этказиб тупураккан.

Мен ундан қанчалик миннатдор бўлганимни, кейинчалик том ётоқда алам билан ўйлаб ётганимда эса қанчалик нафратланганимни сўз билан ифодалаб бўлмас эди.

— Маҳкам!— деди Маннон туйқусдан эшагини сўл томондаги тепалик томон буриб.— Юр, тепаликнинг ёнбағридаги йўлдан кетамиз.

— Нега?— ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Тепалик пастида, этакда катта ўтов тикилганини кўрувдим. Оппоқ де. Шаҳарлик каттакоп одам болачақаси билан ўша ерда дам оларкан.

— Бу ерда қандай дам олади?— Манноннинг сўзлари мени тобора ажаблантирмоқдайди, умуман, дам олиш нима эканлигини билмасдим.

Буни Маннон ҳам билмас экан. Елка қисди.

— Юравер-чи, кўрасан-да!— деди кейин.— Булоқ бўйида майкачан бўлволиб юмалаб ётишади. Дам олиши шу бўлса керак.

Уларни кўришга қизиқдим.

Манноннинг таклифига қўшилдим.

Қияликдаги йўлдан кетдик. Тепаликнинг қоқ белнида тўхтадик. Бу ердан ўтов ҳам, булоқ ҳам кафтдагидек кўринарди. Янги тикилган ўтовдан атиги икки юз-уч юз қадам юқориюқда турардик, холос. Эшакларимизга қия ўтириб олганча ўтов ёнидаги ашқол-дашқолларни то-

моша қила бошладик. Умримизда кўрмаган йиғма каравотлар, коптоклар, кийим-кечаклар уюлиб ётарди.

— Шунча нарсанинг ҳаммасини шаҳардан олиб чиқишганми?— ақлим бовар қилмай сўрадим Маннондан.

— Албатта!— билағонлик билан жавоб қайтарди у.

— Улар кўчиб келишганми?

— Йўқ, кўчиб келишмаган,— Маннон чамаси илгариям бундайларни кўрган, гап-сўзларни қатъий эди.— Каттакоп одамларга бу нарсалар ҳеч гапмас. Пуллари кўп уларнинг. Қайтиб кетишадиганда кўп нарсалари шу ерда қолади. Утган йили иккита копток топиб олганман,— Маннон сўнгги жумлани айтаётиб дувва қизарди.

— Сенинг ўринигда бўлганимда улардан қолган хасаям тегмасдим,— дедим унинг бировлар қолдириб кетган коптокни қандай олганини кўз олдимга келтириб, сесканарканман.

— Кўрарди-ик,— деди Маннон чўзиб.— Бошқа болалар бор эди. Сенга ўхшаганлар. Талашиб-тортишиб кетишди. Нуъмон ёмғирпўшу бўшаган шишалариниям йиштириб олди.

— Нуъмон олади,— Манноннинг гапига қўшилдим мен ҳам.— У бировнинг иштонбоғи тушиб қолган бўлсаям олади.

Маннон ҳиринглаб кулди:

— Э, биларкансан-а!

Қуёш уфққа томон энкайиб борарди. Ўтовнинг ён-атрофида негадир ҳеч ким кўринмасди. Биз эндигина Нуъмоннинг ғийбатини давом эттиришга чоғланиб турувдик, йўл-йўл усти бош кийган, оёғига чиройли шиппак илган оппоқ, дум-думалоқ бола ердан чиққандек ўтов ортида пайдо бўлди. У бизни кўрмай, кўндаланг турганича уфқ томонга қараб чоптира бошлади.

— Ие, не!— Маннон эшак устида туриб ҳам, безовта-ланганча ўзини уён-буёнга ташлай бошлади.— Қиблага қараб олган-ку энағар!

— Ишинг нима?— дедим Маннонга.— Касофати ўзига уради...

— Энди мен бу ерга ҳеч ўтга келмайман.

— Ҳа-а, эсиз ўтлар... расво қилди!

Дўмбоқвой ҳожатини чиқариб бўлгач, турган еридан бир қадам ҳам силжимай атрофга лоқайд, эринчоқ нигоҳ билан қарай бошлади.

— Биз тенгқур кўринади оқбилак,— деди Маннон унга ҳасади келаётганини яшириб ўтирмай.— Би-ир чиллак ўйнаб кўрмаймизми, ким ютаркин?!

— У зўр бўлса керак,— мен иккиландим.— Ҳеч нин қилмаса, ўйнавериб-ўйнавериб уста бўлиб кетгандир.

— Кўрамиз қўямиз-да!— Маннон гапни калта қилди, бармоқларини жуфтлаб оғзига солди, хуштак чалди.

Аввалига Дўмбоқвой эс-ҳушини йўқотиб қўйиб, урра ўтовга томон қочмоқчи бўлдию оёгидан шиппагининг бир пойи тушиб қолиб, кетарини ҳам, кетмаслигини ҳам билмай қолди. Сал нарида ётган шиппагини бориб олишга юраги бетламаётгандек кўринарди. Биз томонга қараб-қараб қўйганча иккиланаётганга ўхшарди. Маннон эса зўр бериб ҳавода кўлини чайқар, уни чақирар, ке, биргалашиб чиллак ўйнаймиз, дерди. Бе. У бизни назар-писанд қилармиди? Қўйлақларимизнинг ранги ўнгиб кетган, шимларимиз ямоқ-ясқоқ, оёғимиздаги этикка-ку сира қараб бўлмасди — қишда тепаликдан сирпаниб тушавериб далва-далва қилиб юборганмиз. Мен-ку доимо бет-қўлимни ювиб, озода тутиб юрман, йўқса, энамдан балога қоламан. Ўйларида ҳеч ким тергамайди шекилли, Манноннинг афт-башарасига қараб бўлмайди — кир-чир, ҳатто дўпписининг жияги жувозкашларникидай ялтираб, титиги чиқиб кетган.

У бола бўлса...

Э-ҳа... Юзлари оппоқ. Келиб-келиб, одам қуригандек биз билан ўйнармиди? Устига-устак чочиям бор. Ялтирайди, чиройли. Бизнинг тақир бошимиздан нинда хўп кулаётган бўлса керак. Усти бошининг жа-а қимматлигини ҳар қандай одам бир қарагандаёқ билиб олади. Э, Маннон-а, минг хуштак чал, минг муқом қил, у сен билан ўйнамайди, ўйнасаям доғда қолдиради, хуштак чалиб чақирганингга пушаймон қилдиради.

Дўмбоқвой ҳозир бизни олдига солиб қувса керак, дея ўйлаб, қочинга шайланиб турувдим, хайрият, эшакка ўнгарилиб ўтирганимни иш берди. Айтганим бўлди, сал бошқачароқ тарзда фақат...

Боланинг аввал лаблари сўлжайиб осилиб тушди, сўнгра бирдан тугилган мушти билан кўзларини уқаллади-да, ҳўнграб йиғлаб юборди, ўтовга қараб нола қилди:

— Да-да-а-а!— дея шувчалик чўзиқ, аялч, чаққирикча ўхшаш овоз чиқардики, бундай бўлишини сира кутмаганимиздан ўтакамиз ёрилаёзди. Эшак жониворнинг дуч келган жойига — бўйинга, сағрисига халачўп нуқиб, вақти-соатида жуфтакни ростлаб қолдик.

Сал нарироққа бориб эшакларимизни тўхтатдик. Ортимизга ўгирилиб қарадик.

Ҳалиги боланинг олдида ялтирбони, қорни жайдарн тарвузчалик келадиган бир киши турарди. У кишининг бўйи ўғлиникидан роппа-роса бир ярим қарич баланд келарди, эҳтимолки, биздек қўли кичкиналарники билан ўлчанса икки қарич ҳам деса бўлар. Қора шим, оқ қўйлак кийиб олганди ота. Бўйинбоғининг аси ранги қандайлигини узоқдан аниқ-тапиқ ажрим қилолмадик. У дам-бадам боласи томонга энгашар, чамаси, унинг қўзёшларини кафти билан артиб эркалар, нималардир дер, қоматини тиклаганда эса муштини тугиб, бизга дўлайтирарди.

Бу ҳолат таъбимни анча хира қилди, Маннонни қис-тадим:

— Юр, кетдик.

Маннон эшагига халла босаркан:

— Катталарнинг ўзигаям, боласигаям маза-да!— деди тамшангудек бўлиб.

Мен нимаси мазалигига тушунадим...

Энам сунада урчуқ йигириб ўтирарди. Мени кўриб ўрнидан турди. Олдимга келди. Юзида ҳайронлик ифодаси барқ урди.

— Ие, ўзингни хуржунинг қани?— деб сўради.

-- Маннонда.— дедим.

— Во-ой бола бўлмай қолсин, ер ютсин, галвир бўлиб кетган матоқини сенга бериб қўйиб, ўзи янги хуржунни оловдимми? Мен уни бир кўрай ҳали...

— Ундай деманг, эна,— мен энамнинг ўйламай-сетмай айтаётган сўзларига, боҳудадан-боҳуда қаргилларига хафаландим.— Бу хуржунда ўт чиримайди!

— Нима делнинг?!— энамнинг оғзи ани-таит очилиб қолди.

— Бу хуржунда ўт чиримайди!

— Ҳо-ой, Маккам, эсинг жойидами?— энди энам кўрқиб кетди.— Ўтга қатнарга бордиларнинг ўзи? Жиннини чалиб кетмадимми?

Ўшандагина алданганимни тушундим. Илоҳасизми, беихтиёр қараёт бўлиб қолдим. Бўгзимга алланима тикилди. Гапиртиргани қўймади. Гапиролмадим. Кўзларимда ёш ҳалқаланди...

Энам бирданнга иккала кафтини тиззалари кўзига тираб энгашди, менга сичков нигоҳ ташлаганча сўради:

— Ёки у ер юткур сени шундай деб алдадимми? А-а? Қўлидан ҳар бало келади жувонмаргининг...

Мен зўр-базўр ўзимни тутиб олдим. Сир бой бергим келмади.

— Йўқ, эна,— дедим.— Ўзим алмаштириб олдим.

Энам супада урчуғию титилган жунларни қолдириб увада хуржундаги ўтни бўшатишга тушди. Бўшатаётиб, хуржуннинг яна бир-икки жойини узиб-йиртиб юборди. У тинмай қарғанарди:

— Ҳе-е болағни шу хуржун билан ўтга чиқармай ўл. Муни жандачига текинга берсаям олмайди-ю, шу чоққача кутариб юрадим одам?..

У ўтни бўшатиб бўлиб, хуржунни судраганча қарғана-қарғана Маннонларникига кетди. Апчадан сўнг, хуржунни олиб хушҳол қайтди. Мақтанди:

— Зап қўшним бор-да, зап қўшним бор-да! Хуржунларнинг алмашганига боласи эмас, ўзи айбдордай атрофимда гирдикапалак бўлди, айланиб-ўргилди. Таппатайёр кочата¹ қилиб ўтирган экан, қўярда-қўймай бир коса ичирди. Сизга дармон бўлади, деб айтди. Ақли путун қўшнилар шундоқ бўлади.

Эртаси куни мактабда Манноннинг ёпидан ўзимни кўрмасликка солиб ўтиб кетдим. Энди у билан бирор жойга чиқиш уёқда турсин, ҳатто гаплашмайман деб, ўзимча аҳд қилгандим. Бироқ катта танаффусда унинг ўзи ёнимга келди, қўлини узатиб турди.

— Сенга қойил бўлдим, жўра,— деди гуноҳкор қиёфада.— Энангга айтмабсан, ўзим алмаштирдим дебсан. Кеча бизникига чиққанларида ҳаммасини аямга айтиб бердилар. Мен зимдан эшитиб олдим. Сени синагандим билсанг, ана энди ҳақиқий жўра бўлдик...

Шу гапдан сўнггина қўл ташлашдик.

IV

Қишлоғимиздан анча пастда, сойлик бўйидаги текисликда колхознинг олмазор боғи бор. Қарим бобонинг боғи дейишади. Қарим бобонинг ўзи ўлиб кетгану номи шу боққа қолган. Ҳозир ғовлаб-тарвақайлаб кетган пахтасебларнинг, пўстлоғи қалин оқ, қизил олмаларнинг ниҳолини ўша чол қадаган, ўстирган.

Кейин-кейин боғнинг қоровулларию бошлиқлари кўпайган. Шундаям улар ҳеч қандай юмушни ёлчителишмайди. Дарахтларнинг остини ўқувчилар юмшатиб беради.

¹ Кочата — сутли овқат, атала.

Олмаларниям улар териб беришади. Қоровулу брига-
дирнинг ўзини ўзи қўриқлашдан бошқа иши қолмайди.

Бугун мактабимизда олма теришга қизларни олиб
чиқишармиш деган юримсак миш-мишлар ўрмалаб қол-
ди. Қўп ўтмай ҳаллослаганча Маннон олдимга келди,
менга шипшиди:

— Маҳкам жўра, бугун олма ўғирликка борамиз.

— Э, бормаيمان, қоровул билиб қолади,— деб тов-
силладим.

— Билмайди,— деди Маннон.— Боғнинг чеккасида-
ги икки-уч туп шигилини кўзининг остига босиб қўйиб-
ман. Қолаверса, бугун бригаду қоровуллар олма терга-
ни борган қизлар билан овора бўлиб қолишади.

Шу маҳал, ердан чиқдим, осмондан тушдим — по-
маълум, ўртабизда Нуъмон пайдо бўлиб қолди. У мен-
га қўлини бигиз қилганича:

— Ҳа де. Манноннинг гапини икки қилмасанг кам
бўлмайсан,— дея ақл ўргата кетди.

— Ҳа ёки йўқ дейишни ўзим биламан,— дедим тўн-
гиллаб.

— Сен қаёқдан пайдо бўлиб қолдинг?— Маннон
унинг туйқус кўринганидан порозилигини яшириб ўтир-
мади.

— Мен ҳам сизлар билан ўшақа бормоқчиман,—
тиржайди Нуъмон.

— Сен билан бормаимиз,— деди Маннон хотиржам-
лик билан.

— Нега мен билан бормасканлар?!— Нуъмон бу гап-
ни истехзо билан, оҳиста айтган бўлса-да, кўзлари ола-
кула бўлиб кетди.

— Нафсинг ёмон!— Маннон оҳанжама қилиб ўтир-
май унинг айбини шартта айтди-қўйди.

— Йўқ, бекор айтибсан, энди нафсим тийилиб қол-
ган,— муроса йўлига ўтди Нуъмон.— Жо-он оғайнилар,
бирга борайлик.


— Ўзинг боравер!— Маннон қўл силтади.

— Ўзим қўрқаман,— маҳзун тавушда очиқ-ойдин тан
олди Нуъмон.

Маннон иккаламиз бирданига кулиб юбордик. Нуъ-
мон эса худди шунки кутиб тургандек, бетиним бир сўз-
ни такрорларди:

— Рост, ўзим қўрқаман, рост!— деб атрофимизда
ялпизланиб, қийшанглайверди.

— Ҳа-а, бўпти-бўпти!— деди Маннон.— Нафсибад-
лик қилсанг, ўзингдан кўр!



— Албатта ўзимдан кўраман-да, албатта ўзимдан кўраман-да!— Нуъмон паспай сўзлаганча, иргншлай-иргншлай нари кетди.

V

Тўқимнинг устига хуржунни ташлаб, эшак миниб чиқаётганимни кўрган энам:

— Қаёққа?— деб сўради.

— Қарим бобонинг боғига,— деб жавоб қайтардим унга.

— Нима бор экан раҳматликининг боғида.

— Олма ўғриликка кетаётувдик.

— Хо-ой тилингга тирсак чиққур, ўғирлик дема...

— Нима дей бўлмаса?

— Нима десаиң дегину ўғирлик дема. Қарим ота раҳматли бобонининг ошнаси эди. Унинг боғига олмага борасизлару ўғирлик бўладими, тентак. Иккаласиям бир боғ қилсак, бола-чақамиз, невара-чевараларимиз яйраб, мева-чевага тўйиб юришса деб орзу қилишарди...

— Унда хоҳлаганимча олма олиб келсам бўлаверар экан-да, эна,— дедим суюниб.

— Нега бўлмас экан? Бўлади! Лекигин сал инсоф қилинглар, ўз мулкингга ўзиниң инсоф қил деганлар. Бошқаларгайм қолсин.

— Бошқалар ҳеч нарса беришмайди-ку?

— Бориб-бориб, ўзларини ўзлари эплаб-сеплаб кетишса, ўз ери, ўлаи тўшагида тинчишса беришади. Нега беришмас экан?..

Энам яна нималардир деди. Эшитмадим. Эшакка халла босиб тепаликка шошндим. Маннон билан Нуъмон кутиб туришган экан.

Нўга тушдик. Нўл-йўлекай уларга энамнинг гапларини айтиб бердим.

Маннон тиззасига шапатилаб, букилиб-букилиб, қотиб-қотиб кузди. Энамнинг сўзига кирадиган бўлсак биргад билан қоровул ушлаб теримизга сомон тикади, деди. Қарим бобою сенин бобонг ўлиб кетишган, тирилиб келишмайди, мободо тирилиб келиб боққа боргудай бўлишса, уларни ҳам қувиб солишади, танишмайди, тинч қўйишмайди, деди.

Мен бу гаплардан анча хафа бўлдим.

Ярим соат ўтар-ўтмас олмазорга етдик.

— Эшакларни жарликда тушовлаб қолдирамиз, ҳеч ким пайқамайди,— деди Маннон.

— Даргаб юборса-чи,— келгунимизча шовқин-сурори билан безорижон қилиб юборган эшагидан хавотирланган Нуъмон сўз қўшди.

Маннон бир четга «чирт» этказиб тунураркан, жир-жиргандай:

— Сен бу ҳаром ўлгурнинг бошига хуржунни кийги-
либ қўй, жар солиб хабар бермасин,— деди.

— Ҳаром ўлгур дема,— аччигланди Нуъмон.

— Ҳа-а, нима дей?— Маннон хезланди.— Ҳалол ўл-
гурми?

— Улгур дема!

Қўйиб берилса, улар жиққамушт бўлиб кетишарди.
Орага тушиб ажратиб қўйдим. Барибир Нуъмон Маннон-
нинг айтганини қилди — оқиллона маслаҳат эди-да!

Шундан сўнг кўйлақларимизни ечиб «тўрва» қилдик.

— Кўйлақларни тўлғазиб келамизу жуфтакни рост-
лаймиз,— деди Маннон.

Маъқул ишорасида бош иргадик.

Бог четидаги уч тун нахтасебни тахлаб, дарахт шо-
хига тирмашдик.

Нуъмон чиқаётган дарахтдан ерга тап этиб олма
тушди.

— Секин-ей!— шивирлаб ўшқирди ўтакаси ёрилаёз-
ган Маннон.

Манноннинг таҳлиқали овози юрагимга қўрқув сол-
ди. Оёғим даг-даг титраганча қўлимдан мадор кетди.
Мен чиқаётган дарахтдан ҳам олма тушди.

— Уф-ф!..— Маннон хўрсинди.

Шохларда мева ичигил эди. «Тўрва»ни дарров тўлғаз-
дим. Энди хавф-хатар бутуилай ўтиб кетгандек, дарахт-
дан анча хониржам тундим.

Мендан кейин Маннон ҳам тушди. Ерга қалнинганча
Нуъмонни кутдик. Ундан дом-дарақ йўқ эди.

— Ту-ҳи, ҳожикуду-ҳи!..— шивирлади Маннон ваҳ-
шат билан.

Нуъмон эса дарахт шоҳида ухлаб қолгандек жавоб
бермади.

— Ҳо-ой, ўлдингми?— Маннон даргазаб товушда
сўқинди. Энкайиб Нуъмон чиққан дарахт томон бораёт-
гани, унинг яланғоч билагидан тундим.

— Юр, биз кетасерайлик. Ўзи етиб олар!..

Маннон кескин ўтирилиб, мени эди, биринчи марта
қўраётгандек ғалати тикилди. Норози қиёфада:

— Бирга келганди, қандай тахлаб кетамиз?—
деди.

— Унинг ўзи-ку...— нима деяримни билмай чайналдим.

Нуъмон дор устида ўтиргандек ингичка шох устида ярим ялангоч ўтирар, шу шохга олма тўла «кўйлак тўрва»сини ҳам илиб қўйганди. Энди майкасини халта қилиб, униям олмага тўлғазаётганди.

— Э, туш-э!— жаҳлдан кўкариб кетган Манноннинг бақириб юборишига оз қолди.

— Ҳози-ир!— Нуъмон «майка халта»сини тўлдиришда давом этди.

— Биз кетдик,— деди Маннон.— Қоровул келса ўзингдан кўр, нафсинг бошингни егур!

— Тўхтангла-ар, тўхтангла-ар!— ёлғиз қолишидан хавотирланиб Нуъмон беихтиёр биз томонга қўл чўзиб ўгирилган эди, ўтирган шохи бутоғидан қарсиллаб синди-да, шитоб билан пастга туша бошлади.

Сару калавамизни йўқотган кўйи қочишни ҳам, қочмасликни ҳам билмай бир муддат серрайиб қолдик. Нуъмон тўрва-халталари билан ўзини зўр-базўр кўтариб турган шохга оғирлик қилганди. Энди у инқиллаб, оҳ-воҳлаб шохлар орасидан чиқишга уринарди.

Қарасам Маннон тўрвасини елкасига ортмоқлаганча жарлик томон қочиб боряпти. Унинг ортидан жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлиб энди бир-икки қадам ташлагандим ҳамки, елкамга тушган оғир калтак зарбидан юзтубан йиқилдим. Чинқириб юбордим.

— Ҳа-а, қароқчилар, энди қутулиб бўпсанлар!— момогулдиракдек ваҳшатли овоз эшитилди. Қўлтиғим остидан қия қараб шопмўйловли қоровул Зуннунни танидим. Юрагим ортга тортиб кетди.

Тамом!

Бу одам аяб ўтирмайди!

Сиёқидан маълум!

Айтганим бўлди. Сочимдан тортиб турғазди-да, кўз очиб юмгунча дарахтга кулуклаб ташлади. Во-ой биқиним, во-ой белимлаб, айёрлик қилиб, аста-секин, бебилиска қочишни мўлжаллаётган Нуъмонни ҳам мушук боласидек ёқасидан чангаллаб ушлади-да, судраб келиб, менга қўшиб боғлаб қўйди. Ўзи Маннонни ушлаб келиш учун лўкиллаганча унинг ортидан, эшакларимиз турган жарлик томон чопиб кетди.

— Во-ой, елкам,— инқиллади энди чинакамига Нуъмон.

«Ўл бу кунингдан!»— дедим ичимда ва шу заҳотиёқ

Ўзимнинг аҳволим уникидан минг баттарлиги едимга тушиб, маъюсландим.

— Бу гурсўхта қайдан пайдо бўлди?— деди энди алами келиб Нуъмон.

Гарчанд юрагим така-пука бўлганча, қўрқувдан этим увишаётган эса-да, унга заҳримни сочишга имкон топдим:

— Дарахт шохини синганини эшитиб етиб келди. Ўзингдан кўр!

— Одамни жа-а шошилтирдиларинг-да. Энди менга айб тақайсанлар-а!

— Ҳакалак отган нафсингни тийганингда эсон-омон кетиб олардик.

— Кимнинг нафси ҳакалак отган?— чиранди биқинию белини ҳам упутиб Нуъмон.

— Сеники!— мен унинг ўзимдан бир синф юқорида ўқиётганлигини ҳам писанд қилмай қўйдим.

— Яна қайтар-чи?! Яна қайтар-чи?!— Нуъмон Зунун қоровул мусти мустаҳкам чирмаб ташлаган қўллари-ни суғуриб олиб, менга ташланмоққа, дўппосламоққа хезланди-ю, яхшиямки, бунинг уддасидан чиқолмади.

Нуъмон иккаламиз дарахтга суянганча елкама-елка турардик. У жиллақурса елкаси билан мени туртиб аламини олмоқчийди, барибир қимирлай олмади. Бўлганича бўлиб, ожизлигидан куйиб, ёноқлари учиб, лаблари пирпираб, ҳиқиллаб йиғлаб юборишига оз қолди. Энди барча гина-кудуратлари унутиб уни овутмоққа ошиқдим:

— Қўй, йиғлама, Нуъмон!

Нуъмон ютинди:

— Ким йиғлаяпти?— деди дарғазаб.

— Се-ен....

— Қани-и йиғлаганим?..

— Ҳиқилладинг-ку?

— Ҳиқиллаганим ҳам йўқ! Йўқ!

— Майли, ошна. Эшитиб турибман-ку!

— Ҳе-ей, бола-а!— товушини чўзиб гапирди Нуъмон.— Кекирдагинга эрк бераверма, суғуриб оламан буёққа!

— Сен-а?!

— Ҳа-а, ме-ен!

— Қўрамиз, ким кимнинг кекирдагини суғураркан,— унга ачинганимга пушаймон бўлдим.

Э, менга нима?

Қўз ёши булоқ бўлиб тошмайдими?

Дарё сқмайдими кўзидан?

Дам уришиб, дам ярашиб тургандик, Зуннун қоровул уччаламизнинг ҳам эшакларимизни етаклаб келди. Маннон йўқ эди.

Қаерга кетдийкин деб эндигина ўйлаб турувдим, қоровулнинг ўзи айтиб қолди:

— Шайтонвачча қочди-да! Ҳа-а, майли-и! Силар жойларингдами, ишқилиб? Арқон-парқонни узиб кетмадиларингми? Турибсилами шу ерда?

Э, мижговланмай ўл, турмай қайга борардик?!

Қоровул ўзига-ўзи тасалли бераётгандек:

— Қочиб қаерга борарди?— деди.— Эшагига, хуржунига келади-ку? Ўзи келмаса отаси келар. Айтиб таъзириин бердиртираман. Олма олгани майли, шох синдиргани нимаси, дейман.

Зуннун қоровул туйқус сергак тортди.

— Ўзи шохни ким синдирди?— биз томонга ўгирилиб, дабдурустан сўради.

Лом-мим демай туравердим.

— Ки-ам?— Зуннун қоровул кўзларини нигоҳимга ўқдек қадаб, шундоққина рўпарамга келиб турди.

Мен чақимчилик қилишдан, ёлғон гапиришдан индамасликни афзал билдим.

— Сенми?— терговда давом этди қоровул.

Безрайиб туравердим.

— Буми?— У Нуъмонни кўрсатди.

Дамимни чиқармасликка қаттиқ аҳд қилдим.

— Уми?— Зуннун қоровул кўрсаткич бармоғи билан Маннон кетган томонга ишора қилди.

Ўша-ўша безликни бўйинга олдим.

— Менми?— деди шаҳодат бармоғини кўкрагига пуқиб қоровул. Шундаям садо чиқмагач, у юзим-бу юзимга шан-шун тарсаки тортди. Эсим оғиб қолаёзди.

Зуннун қоровул Нуъмоннинг рўпарасига борди.

— Сенми?— сўради мўйловининг учи титраганча.

— Йў-ўқ, йў-ўқ!— Нуъмон жонҳолатда бақириб юборди.— Худо урсин мен эмас!

— Буми?— қоровул менинг кўкрагимга бармоғини пуқиди.

— Йў-ўқ...

— Уми?!— бақириб берди қоровул кафтини қашлаб.

— Ҳа-а, ўша!..— Нуъмоннинг сўзи мени анг-танг қилиб қўйди.

— Бунинг ўзи! Бунинг ўзи-и!— дея бақириб юборганимни ҳам сезмай қолдим.

— Вижирламай тур!— Қоровул менга еб юборгудек ўқрайди-да, Нуъмонга ўгирилиб мулойим товушда сўради.

— У шохдан йиқилдию сени биқининг лат едими? Нуъмон индолмай қолди.

Шап-шуп, шап-шуп тушаётган тарсакилардан аянчли чинқирди холос. Зуннун қоровул қадоқ босган тошметин кафти билан уни яхшигина сийлаган эди.

Шундан сўнг қўлларимиз бўшалди.

— Қани, олмаларни битта қўймай териб хуржуларингга солинглар. Тез-тез!— буюрди қоровул.

Ҳаш-паш дегунча айтганини бажо этдик.

Хуржунлар эшакларга юкланди. Зуннун қоровул ҳалиям жаҳлдан тушмаган кўйи:

— Эшакка миниб олдимга тушинглар!— деди.— Қочиб қолишни хаёлларингга келтирманглар. Охири вой бўлади.

Унинг ўзи эса Манноннинг эшагига миниб олди.

Мен адои тамом бўлгандим. Бошим гувуллар, кўз олдим қоронғилашиб кетганди. Ахир, қоровул бизни синфимиз қизлари олма тераётган жойга олиб бораётибди. Зулхумор ҳам бор у ерда. У менни кўйлаксиз, бадам тирналган... ўғирлик устида қўлга тушган аҳволда кўриб нима дейди?

Кўзимдан тирқираб ёш отилаёзди.

Зуннун қоровулнинг огоҳлантиргани ҳам ҳеч нарса бўлмай қолди. Бу қаҳри қаттиқ одамга минг ялин, элан — кўйиб юбормайди. Биргина йўл қочиб қолиш!

Жарлик ёнидаги катта йўлдан кетаётганимизда ўзимни шайла эшак устидан ерга отдим. Кучимнинг борича югуриб кетдим. Зуннун қоровул ортимдан халачўни отди. У бошим устидан эртаклаги ур тўқмоқдек гувиллаб ўтиб кетди. Хайрият, шунча маҳал жарликка энган ёлғизоёқ йўл келиб қолгани. Ҳаш-паш дегунча пастга тушиб олдим.

Қоровул Нуъмониям қўядан чиқариб қушча-қуруқ қолмай деган бўлса керак, ортимдан қувиб келмади.

Жарликининг нариёғида дашт бошланади. Маннон дўнгликнинг устида ўтирган экан. Уни кўриб негадир суюниб кетдим, олдига чиқиб бордим.

— Жўра, Нуъмон помард экан,— дедим.

Бўлган воқеани бирма-бир айтиб бердим.

Маннон аввалига газабланганидан ўрнидан туриб кетаёзди. Сўнгра ниманидир хаёл қилиб бирдангина бепарво-лоқайд бўлди-қолди.

— Майли, қўявер,— деди.— Уни ҳали бир боплай-ликки, қайтиб ўзига келмасин...

Олмазорга қайтиб боришга юрагимиз дов бермади. Сўппайганча, зўр-базўр оёқ босиб уйга қайтдик.

Мени кўриши биланоқ энамнинг ранги қути ўчиб кетди. Воқеани англагач, қоровулнинг авра-астарини ағдариб қарғади, сўқди.

— Бошқа кўйлагингни кийиб чиқ, мен сени у ер юг-курнинг олдига олиб борай, пушаймонлар қилдирай,— деди.

— Қўйинг, эна,— шу гапидан сўнг унга ялина бошладим.

— Нега қўярканман? Юр дейман сенга-а...

— Бормайман,— оёқ тираб туриб олдим.

— Бормасанг асти борма, ўзим бораман,— аниқ бир қарорга келди энам.

— Сиз ҳам борманг, сиз ҳам борманг!— унинг этагига ёпишдим.— Кўрганлар нима дейди?

Мен айниқса Зулхумор энамни таниб қолишини,— кап-катта кампир уялмай-нетмай келибди-я, дейишини ўйлаб уни йўлдан қайтаришга жон-жаҳдим билан тиришардим.

Энам бир зум хаёлга чўмди-да:

— Майли, қоровул бўлмай ўлгурнинг кечқурун уйига борамиз,— деди.

Қувониб кетдим.

VI

Қоровулнинг уйи билан бизнинг уйимиз орасида битта тепалик бор. Ҳали қуёш ботмай уйдан чиқдигу энам иккаламиз Зуннун қоровулникига қараб йўналдик. Бахтимизга, у ҳам олмазордан эшакларимизни олдига солиб келаётган экан.

— Эна, ана ўзи келаётибди,— дедим.

— Кўрдим,— калта жавоб қайтарди энам ва қоровулнинг етиб келишини кута бошлади.

Мен Зуннун қоровул ҳозир келадию энамнинг шу ердалигига қарамай мени ушлаб олади, қочиб қолганим учун боплаб таъзимни беради, деб ўйлаб, қўл-оёғим бўшашгандан бўшашиб борарди.

Ниҳоят, қоровул олдимизга етиб келди. Қўйлагининг

кенг-ковул этаги билан тиззаларини беркитиб, чўнқайиб ўтирган энамга жа-а қуюқ салом берди.

Энам алиқ олиш уёқда турсин, одаммисан-одаммас-мисан, деб қарамадиям, тумсайганча ўтираверди.

— Хафа кўринасиз...— чайналди Зуннун қоровул энамга сўзлаётган бўлса-да, ер остидан менга ўқрайиб қараганча.

— Ҳа-а, сенлардан хафа бўлмай хурсанд бўлайми?— деди энам чимрилиб.— Мени неварам озиб-ёзиб бир марта олмага бордию шуниям кўролмай қолдиларингми?

Зуннун қоровул ўзини йўқотган кўйи:

— Ие, ие!— дея олди холос.

— «Ия»лаб қолдинг!— энам худди уни гуноҳ устида қўлга туширгандек таҳдид қилди.— Гапир гапинг бўлса!

— Бизнинг ишимиз ҳам осон эмас,— Зуннун қоровул аста энамнинг ёнига чўкди.— Эрта-ю, кеч югурамиз. Уёғини бўш қўйсанг, буёғини уриб, буёғини бўш қўйсанг, уёғини уриб кетишади, шошганимдан танимай қолибман-да.

— Биламан, биламан!— деди энам сал паст тушиб.

— Қоровуллик оғир касб экан...

— Тўғри-тўғри!— Энди энам унга раҳмдиллик қила бошлади.— Сиз бечораларга қийин. Тиним билмайсизлар. Итдек уёқдан-буёққа чопасизлар...

— Тўппа-тўғри!— Зуннун қоровул ўзига дардкаш топилаганидан беҳад суюниб кетди.

— Аслида қоровул бўлгандан дарвозанинг оғзида бўйнингга занжир бойлаб қўриқчилик қилиб ётганинг яхши эди.

— Ҳа-да!— хитоб қилди қоровул.— Ўзингиз жа-а яхши тушунасизу яна одамга гапирасиз-а...

— Гапиртирадиган иш қилганингдан кейин гапирман-да!— деди энам ва муддаога кўча қолди.— Муни эшагини бер,— дея мени кўрсатди.

— Манноникиниям берсин!— энамнинг биқинидан туртдим.

— Жўрасиникиниям!..

Зуннун қоровул иложсиз Маннон иккаламизнинг эшагимизни берди.

Ўзи Нуъмоннинг эшагини миниб кетди.

Нафсининг касрига учраган Нуъмон бу маҳал синфимиз қизларига масхара бўлганича олма тераётган экан. Буни менга кейинчалик Зулхумор айтиб берди...

Шундай бўлсаям Нуъмон билан анча пайтгача гаплашмай юрдик. Ҳамма жойга ўзини суқаверишни, кўнчилик ёқтирмагани учун дуч келган одамга элашиб кетаверишни одат қилиб олган Нуъмон бизга қўшилишга ҳаракат қилар, бунинг учун жонидан кечиб бўлса ҳам турли-туман йўллар ахтарарди.

Бир куни танаффусда ёнимизда Нуъмон ўралашиб юрган пайтда Маннон атай унга эшиттириб, менга сўз қотди:

— Маҳкам жўра, бугун богимизга ўрик тергани борамиз, кеча кўриб келдим, роса пишибди.

Нуъмон чамаси бу сафар ўзини тутиб туролмади. Бизга яқинлашиб кўзларини пирпиратганча:

— Мен ҳам борай?— дея ялинчоқ товушда сўради.

— Э, йўқ!— кескин рад қилди Маннон,— бизга бир гал панд берганинг етар.

— Энди панд бермайман, худо урсин, панд бермайман!— қасам ичди Нуъмон.

Маннон бир четга «чирт» эткизиб тупурди:

— Э, барибир сенга ишониб бўлмайди!

— Ишонинглар, ишонинглар!— Нуъмоннинг овози йиғламсирагандай чиқди:

Маннон муғамбирона кўз қисди:

— Айтганимизни қиласанми?

— Албатта!

— Чурқ этмайсан-а!

— Албатта!

— Бўлмаса даредан сўнг уйлариңгдан халта олиб чиқ. Биз ҳам ўзимизга олволамиз. Теналикда йиғнаамиз. Боққа яёв борамиз, эшакка жой йўқ, тоқларни пайҳон қилиб ташлайди...

— Бўпти! Бўпти!— Нуъмон шу заҳотиёқ кўздан йўқолди...

... Маннонларининг боғида икки туп ўрик бор. Кечкиси ҳали пишмаган. Оппоқ қандак ўрик эса тағига туша бошлаган.

— Халтаңни менга бер,— деди Маннон Нуъмонга.— Сен ўрик шохига чиқиб силжитасан.

— Ўзинг чиқсанг-чи...— Нуъмон товсиллади.

— Қасам ичгансан-а...

— Майли. Фақат ўзларингни халталарингни тўлғазиб қочиб қолманглар-да!

— Қочиб қаерга борардик? Ўзимизнинг бог-ку?!

Нуъмон ёввойи мушук сингари ғадир-будир ўрик тепасига тирмашди. Ҳаш-паш дегунча баланд бир шохга чиқиб олди. У шохни кучининг борича силкитган эди, дувва-дувва оппоқ-оппоқ ўрик тўкилиб, ер билан битта бўлди.

— Пича шошмай тур,— қичқирди Маннон Нуъмонга.— Териб олайлик, кейин силкитасан.

Мен ўз халтамни тўлғазмиш билан андармонлигимда Маннон зум ўтмай Нуъмоннинг халтасини тўлғазиб қўйибди.

— Дарров тўлғаздингми?— у халтанинг оғзини бўғиб боғлаётганда ҳайрон бўлиб сўрадим, чулки ўзининг халтам ярим ҳам бўлмаган эди.

— Қараб ўтиратими?— гердаиб қўйди Маннон. Кейин ўзининг халтасига ўрик теришга тутинди. Уям тўлагач, Нуъмонга:

— Туш энди, кетдик!— деди.

Нуъмон тушди. Халтасининг оғзини очиб кўрди. Суюнди. Уйга қайтдик. Маннон иккаламиз юкларимизни бемалол бир қўлда кўтариб кетяпмизу Нуъмон инқиллаб-синқиллаб халтасини дам у қўлига, дам бу қўлига олади. Қора терга тушиб кетган, шундайам қитмирлигини қўймади, қўлорни остига шийвинди:

— Сенларни бир бопладим-а! Ўрик қоқин теришдан манг марта осонроқ, шохига чиқиб олсанг бас. Шуниям биламизларнинг-а, каллаварамлар. Ундайсан-бундайсан деб устимдан ғалирганларнингга ўлайми яна...

Унинг бу гапи жудаам жижжамини кўзитди. Э, бор-ей, деб илдам-илдам юриб кетдим. Анча олдинда бамайлихотир бораётган Маннонга етай-етай деб қолдим.

Тепалик этагида Нуъмон уйларига қараб кетди. Маннон иккаламиз юқори ўрлай бошладик.

— Бу бола чуқурликда яшайди,— салмоқлаб гап бошлади Маннон худди катта кишилардек,— одам бўлмайди!

— Одам бўладими-бўлмайими, сенларни бопладим, деб кетди.

— Нега?— Маннон менга кўзини қисиб қаради.

— Сенларни ишлатиб халтамни тўлғазиб олдим, ўрик қоқин ҳам иш бўптими, деди.

Маннон туйқусдан бошини орқага ташлаганча кула бошлади. У дам қоринини ушлаб, дам ўзини орқага ташлаб куларкан:

— Унинг шундай дейишини билувдим, билувдим!— дерди.

— Билсанг нима, барибир, у энди ҳаммага мақта-
ниб юради.

— Мақтанолмайди,— деди Маннон сирли қиёфада,
сўнг мен томон энгашиб, сўради:

— Унинг халтада нима олиб кетганини билмадинг-
ми?

— Йўқ...

— Тупроқ, кесак эди. Устида бир ҳовучгина ўрик бор
холос.

Мен кулишни ҳам, кулмаслигини ҳам билмай унга бир
муддат қараб турдим-да, сўнгра:

— Бекор қипсан,— дедим.

— Нега? Нега?— қизишиб кетди Маннон.— Уни ана
шундай бошлаб тўғри йўлга солиш мумкин холос...

Иккаламиз узоқ жим қолдик. Қўнглимизни аллақан-
дай гашлик қоплаганди. Бу нимадан эканлигини икки-
миз ҳам билмасдик.

Қуёш уфқни алвон тусга бўяб, бир сирли-бир сеҳр-
ли манзаралар ҳосил қилиб ўзи аста-секин настга шўн-
ғиб борарди. Маннон билан чуқур хаёлга толган қўйи
қанча вақт турганимизни билмаймиз, тепаликнинг нар-
ғидан ташвиш-тахликага тўла овоз эшитилди:

— Маккамбою, ҳў-ўв Маккамбо-ой!..

Бу энамнинг овози...

ЯЛАНГТЕПА ОСМОНИ

Ҳар сафар кўрпани копток сингари тепкилайвериб-тепкилайвериб бир четга улоқтирганимда аям устимни авайлабгина ёпиб қўярдилар.

Бу гал...

Кимдир оёғим остидан уни жаҳл билан тортиб олди. Ким бўлдийкин?! Во-ой ўргилдим-э! Ким бўлсаям, эркаликларимдан беҳабар чамаси. Қўз очиб, чиққириб сўкинишгача бориб етадиган ҳузурбахш инжиқликка ҳам ҳафсалам келмай ағдарилган кўйи ётавердим.

— Э, тур-э!

Дўқ-пўписа аралаш бу таҳдидли овоз менга узоқ-узоқлардан, қуюқ туман оралаб етиб келгандек туюлди.

— Ҳаракатингни қилиб турсанг турдинг, бача, йўқ-са...

Бир зум сукунат чўкди.

Хайрият-э!

— Ҳо-ой, Потма, сув опке!..— деган амру фармойиш берилиши биланоқ дик этиб ўрнимдан турдим.

Қаллаи саҳардан қулоғим остида шанғиллаб ҳоли жонимга қўймаган кампир — тишлари тўкилиб кетган Нисо эна экан.

— Уят деган нарсa қолмабди сенда!— у ҳамон ҳовридан тушолмай жаврарди.— Мактабга борадиган бача шу маҳалгача ётадимиз?

Э, мактаб!

Туни бўйи шу ҳақда ўйлай-ўйлай азонга яқин ухлаб қолганим ёдимга тушди.

Нариоқда, кампирнинг мен теиғқур невараси Мурод қора шолвору оқ ятакда — хўрозқанддай ясанган, сўрига суяниб турарди. Қўллари оп-поқ. Энаси совунлаб ўбдон ювган кўринади. Ҳаммадан ҳам ўқувчи болалар каби елкасига осиб олган чит халтасидан гердаяётганлиги унинг юз-кўзларидаги ифодалардан аён эди. Халтанинг ташқи чўнтакларидан рангли қаламларнинг учлари чиқиб турарди. Оппоқ чинни сиёҳдонни айтмай-сизми? Мен Муроднинг кўпроқ мақтаниб юборишига имкон бермай, устимдаги эски-туски увада кийимларимни шоша-пиша яктагу шолворимга алмаштирдим.

Янги усти бошини аям илгари олиб келган бўлсалар-да, уни атай шу кунга асраб келаётгандим. Ҳар кунни сандиқдан олиб томоғна қилардиму киймай жойига солиб қўярдим. Сумкам ҳам бор. Аям кўрпа аврасидан қолган матодан тикиб берганлар.

Мурод иккаламизни Нисо энаю аям сўрига ўтқазиниб, чой ичказишди.

— Ол, тез-тез!..

— Ушоқ тўкма!..

— Қара, шолворин расво қилдинг!..

— Оғзингни юмиб чайна!..

— Оғзинг куйса, пуфлаб ич!..

Бу азоблардан зўрға қутулдик.

— Абдуваққос кетмаган бўлса буларни ўшанга қўшиб юборайлик,— деди аям Нисо энага бизни кўрсатиб.— Уч-тўрт кун билла олиб борсин, кейин-кейин ўзлари ўрганиб кетишади.

Аямнинг сўзида жон бор эди. Биз яшаб турган тепаликни на қишлоқ, на маҳалла деб атаб буларни — уч-тўрт хўжаликнинг томи шифрланмаган уйи сўппайиб турибди холос. Нониям ғалати — Ялангтепа!

Қишлоқ биздан уч-тўрт чақиримча пастликда. Бир-бирига тутаниб кетган уйлари, сердарахт боғлари кўриниб туради. Улар орасида учта уй — мактаб, дўкон, идора бинолари яққол кўзга ташланади. Ялангтепадан қишлоққача сўқмоқ йўл билан борилади, ўртада жарлик ҳам бор.

Ҳозирча қишлоқдаги мактабга ёлғиз Абдуваққос қатнаб ўқийди. Айтишларича, унинг ёзиш-чиқишию ўқинилари ҳамниқадар аммиш. Ҳарҳолда, Абдуваққоснинг сумка кўтариб мактабдан келаётганини кўрсак ичимиз куйиб, ҳавас қилганимизни айтиб ўтирмасак ҳам бўлади.

Олдинда Нисо эна, аям — уларнинг ортидан Мурод

какадамиз йўлга тушдик. Тепалар ортидан кўтарилган кўёшнинг ёрқин нурларида дарахт барглари, ўт-ўланнинг қиёқ тиллари ял-ял ёнарди. Ёнбағирлардаги нода ёйилиб юрган ангорлар олтиндай товланарди. Қувончимни ичимга сиғдириб Мурудга ўтириламан, унинг юзи нашъали ёришганини кўриб қушдай учиб кетгим келади.

Пастаккина пахса девор билан ўралган ҳовлига етдик. Абдуваққосларники шу.

— Юраверинглар,— деди Нисо эна.

Дарвозахонадан ўтгач, сомонхона, ўтинхона. Пича юргач, Нисо эна ўнг томонга бурилади.

Абдуваққос нешайвонда, шолча устида оёғини чапиштириб, чордона қурганча қаттиқ ялаб ўтирган экан.

— Ассалому алайкум, Нисо эна! Э, келинг, Руқия келинибиби!

Бармоқларини бир-бир ялаб ўрнидан тураркан, Муруду менга кўзи тушди.

— Э-ҳа, елкага сумка осиб олибсизлар, мактабгами дейман.

У нуқул илжаяр, ўзини босиб олиш учун бўлса керак, бошини сарак-сарак қилганча:

— Қойил! Қойил! Ялангтепадан энди уччамамиз борамиз экан-да!— дерди.

— Илоё ўқишда сендай худо урган, кўнд зеҳи бўлишмасин!— аям астойдил муножот қиляди.

Абдуваққос бошини қуйи эгди.

— Ҳо-ой, Руқия, ундай дема, Абдуваққос яхши бача,— Нисо эна унинг маънос тортиб қолганидан кўнгли бузилиб, аямга тапбеҳ берди.

— Яхши бўлмади қолсин-да!— Аям узиб-узиб олади-ган пичингини қўймади.— Бу кетимизда йнгирма йилда-ям мактабни битиролмайди.

— Нима қилай, келинибибижон?!— Абдуваққос йнгламсираганча аямга мўлатийиб қаради.— Сиқилиб кета-вераман! Беш минутлик танаффуслар орасидаги вақтлар Секорчи ўтаётгандек туюлаверади менга...

— Одамлар бир умр мадраса тупроғини ялашган,— ҳамон ҳеч нимани англаб етмаган кампир бутунлай Абдуваққос томонга ўтиб олди.— Мактабда қанча кўп ўқиса, илмийам шунча мустаҳкам бўлади-да!

— Укаларингни сенга топширамиз,— аям тортишув бефойдалигини сизди, шекилли, суҳбатга яқин ясади.— Ўзларини эплаб кетгунарларча бош бўл!

Абдуваққоснинг кўзлари чақнади.

Юзи дам қизариб, дам оқариб, нима қиларини, қўлларини қаерга қўйишни билмагандек талмовсирашиб қолди.

— Хўп,— овози қовжираб чиқди.— Бирортаси «ғинг» деса....

Қўнглида бош кўтарган акалик туйғуларини акс этириб юзида ҳомий ифода шуъласи барқ уриб ўтди.

— Э, Абдуваққос бўлмай қол, муштигини дўлайтирма!— унинг бизга бунчалик қайишишини хоби хотирига келтирмаган аям қувончини яширишга уриниб, койнди.— Яхши муомала қил, болалар билан ўртоқ тутинишсин!

...Нисо эпа билан аям сўқмоқ йўлининг бошида қолишди. Нисо эпа тиззаларини этаги билан ёпиб ўтирганича бетиним кафт ёзар, аям эса қўлларини силжитиб, «яхши бориб келинглар», деяётгандек бўларди...

Абдуваққос олдинда индамай борарди. Биз унинг бир оз эгилган кенг елкаларидан, қуёшда қон-қорайиб кетган бўйнидан кўз узмай эргашиб кетавердик.

У тўртинчими-бешинчими синфда ўқирди. «Нечанчи синфдасан?», «Ўқишнинг қачон битади?» каби саволлардан бора-бора ўзини олиб қочадиган бўлган эди. Жуда қисталанг қилиб қўйишмагач:

— Бу йил саккизинчига ўтишим керак эди,—дерди-ю, қип-қизариб кетарди. Дарвоқе, дўрдоқ лаблари устидagi ирпларининг қоп-қора бўлиб бақувватлашаётгани, овозининг ихтиёрсиз дўриллашлари, гавдасининг биздан нақ тўрт баравар келишига қарамай баттар ўсиб бораётганлиги уни уялтирар, хижолатга солар эди.

Бизга гапираётганида елкамизга қоқиб қўяр, юз-кўзларида ўша ҳомий ифода зоҳир бўларди.

Юрсак ҳам, ўтирсак ҳам у қалайсизлар, дурустми, қийинчилик йўқми, дея ҳол-аҳвол сўрашни канда қилмасди.

Биз уни катта тапаффусда буфет ёнида учратардик.

— Тартибни бузмай қато-ор бўлиб туринглар, кўп вижирлайвериб бошни қотирманглар,— дерди-ю, ўзи бориб бизга навбатсиз кулчатой келтириб берарди:

— Қоринни тўқлаб, ўқишни мустаҳкам қилинглар!

Дарс тугаши олдида Абдуваққос синфимиз эшиги оғзида ённки мактаб ҳовлисида бизни кутиб турарди.

— Ялаңтепага кетдикми?

— Кетдик.

Ялаңтепага бир-икки соатда етиб бориш ҳеч насиб



қилмасди. Бизни у қишлоқ болалари чиллак ўйнаётган наридаги тепаликка бошларди:

— Юринглар, бир-икки кўл чиллак ўйнаб кетайлик. Чиллакжойга етишимиз билан:

— Ялангтепаликлар!

— Ялангтепаликлар! — деган басма-бас қийқириқлар эшитиларди.

Болаларнинг овоз оҳангларидан Абдуваққосга ҳурмат-эҳтиромлари сезилиб турар — сабаби, у ғирромлиқни ёмон кўрар, қилвирлик қилганларни куч ишла-тиб бўлса ҳам ўзиндан чиқариб юборарди.

Абдуваққос саккизинчи синфдан уёғига ўқимади.

— Қизиқмадим-қизиқмадим-да! — деди бир кун кунботар маҳали тепаликда ўтирганимизда хомуш кайфиятда. — Лекин сизлар яхши ўқишларингиз керак. Ўзининг ялангтепаликлар ҳам кўнайишиб қолдларингиз...

Қоронгу туша бошлади. Теракларнинг шовуллашию чирildoқлар товушигича тун сукунатини бузиб туради. Осмонда бирин-кетин ёрқин-ёрқин юлдузлар намоён бўлди. Ўйрик-ўйрик.

— Ялангтепамиз юлдузларга яқин, — деди Абдуваққос. — Осмонгаям...

Биз осмоннинг чек-чегарасиз бушлиқдан иборатлигини, юлдузларнинг шаклу шамойилини, улар ер шаридан нақадар узоқлигини ўқитувчимиздан алақачон биллиб олгандик. Ичимизда ҳам кулиб, ҳам ҳайрон бўлиб ўтирдик: «Об-бо Абдуваққос-ей, шунча йил ўқиб олдингича нарсаяям билиб олмабди-я...»

Тепаликда узоқ ўтирдик.

Кечагина мактабга бизнинг қўлимиздан етаклаб борган Абдуваққос бу тун қаршимизда гўдакдай содда, гўл эди...

Унинг табиатшунослиқни ўқимагани-ю, бизнинг бу фандан аъло баҳолар олишимиз орамызда қандайдир кўз нағмас чегара-масофа ҳосил қилганди...

Ниманки бўлса, Абдуваққос билан ўша охирги ўтиришимиз, ўша тун бир умр ёдимизда қолди...

БАЛАНД ТОҒЛАР

I

Холам қишлоқда яшайдилар. Мен тенгқур ўғиллари бор. Иси Холмурод. Қобил, мўмин бола. Қўй кўзлари беозор боқади кишига. Пешонаси дўнг. Еноғида нўхотдек хол. Минжжалари устидаги сийраккина тук — қоши дабдурустдан кўзга чалинмайди. Дўппи кийиб юради, сочи сал ўсдими, чолларга ўхшаб устарада қирдиради — гаши келарминш. Хаёл сургани-сурган. Кўзларини помаълум бир нуқтага тикдими, тамом, тикилган кўйи икки-уч соат миқ этмай ўтираверади. Бобом унга ярим ҳазил, ярим чин билан, «ошиққа ўхшайсан», дейдилар.

Мен ҳам синфдошимиз Зулхуморни ўйлаганимда шундай бўлиб кетаману... дарров, ўйинга берилиб, овунаман. Тўғрироғи, ўзимни-ўзим тезда овутгим келади. Кейин, шаҳар кўчаларида кўп хаёл суриб бўлмайди. Машина уриб кетиши, одамларга туртиниб-суриниб сўкиш эшитишинг мумкин.

«Шаҳар одамлари безовта бўлишни кўпда ёқтиришмайди». Бобом шундай десалар, дадам билан аям тутоқиб кетгудек бўлишади...

Хаёл суриш яхши-ю, бироқ...

Бунинг учун хаёл каби далалар, кенг осмон, кўз илгамас уфқлар тузук экан. Шаҳарда... ўзингиздан қолар гап йўқ.

Уфқ... Холмурод қуёш ботаётганида уфқнинг чўгдек қизаришини, ана шу пайтда булутларнинг ичида нима-лар борлигини тепада ўтириб кўрганлигини айтиб бера-верса баланд бинолар ортидан бунақа манзарани кўролмаслигим бирдан алам қилиб:

«Бас!»— деб уни тўхтатаман.

Одамлари бир-бирини танимайдиган, билмайдиган сершовқин шахримизга келиб қолганда Холмуроднинг хаёлпарастлиги баттар ошади.

«Бизнинг қишлоқда ҳамма бир-бирини танийди»,— дейди бош бармоғи билан холини пайпаслаб қўяркан, хўрсинади. Туриб-туриб: «Сойимизнинг нариги тарафидаги одамлар ҳам шундай», чеҳраси очилади. Бизинкига келса дарров зерикади. Саҳархез чолларга ўхшаб ўрнидан туриб олиб, мени тўрткилайди.

— Ғайби, хў-ўв Ғайби!..

— Нима?..— уйқусираб бошқа томонимга ағдариламан.

— Тушимга қишлоғимиз кирибди. Тоғ устидаги булутларни кўрдим.

— Қўй, ўша булутларингни...

— Ғайби, хў-ўв Ғайби!..

Мен — баъзи қўшнни мактабларда кураш бўйича доғи кетган «Ғайби полвои», унинг гапини эшитиб улгурмай ухлаб қоламан. Бобом: «Полвоилигини кўп овқат еб, кўп ухлашнингдан. Зўр бўлсанг — яхши ўқи», дейдилар. Бу зўрлик ҳозирча қўлимдан келмайди.

— Ғайби... Мен кетаман, ошна. Зерикдим, ҳамма нарса бир хил.

— Сенга нотаниш, шунинг учун бир хил бўлиб кўринадн,— уйқусираб гўлдирайман.

— Нўқ, Ғайби, зерикдим барибир...

Шундагина мезбоилик бурчи юзасидан тура бошлайман...

II

— Ғайби, юр бизнинг қишлоққа...

— Нима қиламан?

— Айланиб келасан... Таътил-ку.

Ўйлаб қоламан. Машгулотлар бошланishiга анча вақт бор: Борсам борай.

— Ая, хо-ов, ая!

Енглари тирсагигача шимарилаган, олдига пешбанд тутган, сочларини йигиб, дуррасини чандиб боғлаган аям ошхонадан чиқадилар:

— Нима дейсан, болам?

— Холмуродларникига кетаман.

Аям хурсанд бўладилар. Хар сафар: «Қариндош деган меҳр-оқибатли бўлишни керак. Холмурод келади-ю,

сен бормайсан. Бу ишнинг яхши эмас. Холангдан хабар олиб ке», дердилар. Мана, ўзим келяпман...

— Бора қол, болам, бора қол!

Аям севинчдан гайратга кириб кетадилар. Уёқ-буёққа чошиб кўз олдида турган нарсаларни кўрмай, излаб, холамга бериб юбориш учун тўрхалтага қанд-қурс, майда-чуйда сола бошлайдилар...

III

Автобус ойнасидап ташқарини томонга қилиб кетяпмиз. Манзара тез-тез ўзгаради. Йўл бўйидаги анҳорда қувлашмачоқ ўйнаётган қип-яланғоч болакайлар, кўр бобосини етаклаб келаётган қизалоқча... ҳамма-ҳаммаси эътиборимдан четда қолмайди. Болаларга ҳавасим келади. Қизалоққа меҳрим ортади. Лип-лип ўтаётган симёғочларни санашга улгуролмайман. Қуёш нуридан ажиб бир тусда товланаётган далаларга боқиб севинчга ҳам, қайгуга ҳам ўхшамайдиган бир кайфиятга тушаман...

Камгап, камсуқум Холмуроднинг оғзи қулоғида, жағи тинмайди:

— ...Қишлоғимизда Қўргондан ўтадиган полвон йўқ!— деб қолди бир маҳал у.

Нега айтди экан-а? Мени қизиқтириб ўз машварати-га тортмоқчи бўлдим ёники ҳамқишлоғининг «зўр полвон»лигидан фахрландими, билмадим, биллолмадим...

— Қўргоннинг ким?

— Тўғон амакининг ўғли-да?!

— Мен Тўғон амакини қайдан билай?

— Қишлоғимиз ёнидан ўтадиган сойни биласан-ку, унанинг бўйидаги олмазорнинг қоровули-да... Жуда сержаҳл одам. Бир марта қамалиб ҳам чиққан экан, колхоз рансимни, бригадиримни, ишқилиб, қай бири биландир жайжаллашиб...

Мен унинг сўзларига эътибор бермай:

— Қўргон катта полвонми?— деб сўрадим.

— Э-э... биз тенги-ку!

Негадир Қўргонни кўргим келди. Балки тенгқурларим орасида елкам ер некамагачилиги учунми, у билан ҳозироқ кураш тушишга тайёр эдим...

Юрагимнинг аллақайси чеккасида Қўргонга нисбатан гайрилик «йиат» этгандек бўлди. Мен уни танимасам, кўрмаган-билмаган бўлсам, бу туйғу қаердан кела қолди?!

Қишлоққа келган кунимизнинг эртасига сой бўйига чиқдик. Қўйлар ёйилиб ўтлаб юрар, ялангликда, чим устида ун-ун, беш бола давра қуришган. Ўртада икки бола кураш тушишяпти. Қалин чопон кийган, юзини тиканакдек дағал соқол қоплаган киши эса кузатяпти.

Болалар депсинишар, қийқиришар:

— Қўрғон, ёнбошга ол, ёнбошга!

— Кўн айланаверма, ҳадисингни олиб қўяди!

— Ётиб от, ётиб от! Нега хода ютгандек турибсан, ҳозир қайириб ташлайди!— дея бир-бирларига гап беринмасди.

Чопонлик киши — Тўғон амаки уларга:

— Жи-им!.. Полвонларга халақит берманглар!— дея ўқрайиб қўйди.

Шу пайт «ҳайт» деган чўзиқ ҳайқирик чиқди-ю, Қўрғон билан олишаётган бола унинг остига «гуп» этиб тушди. Қўрғон уни турғизди. У Қўрғоннинг белидан олиб ердан бир кўтариб қўйди. Одат шу: «Таи бердим» дегани. Қўрғон сал энгашган кўйи бир четга чиқиб ўтирди. Тўғон амаки чопоннинг узун енглари ичидан бармоқларининг учини чиқариб, уни имлаб ёнига чақирди. Қўрғон борди, дадаси унинг елкасига қоқиб нималардир деди: «Балли, ўғлим! Елканг сира ерга тегмасин», дегандир-да...

Этим жимиралишиб, кўз ўнгим тиниб кетаёзди. Юрагимнинг «гурс-гурс» тегиши ўзимга ҳам аниқ эшитилимоқда эди. Қўрғонга сини солиб қарадим: бўйи мендан сал баланд, унча семиз ҳам, ориқ ҳам эмас. Бир оз па-чок бўрин, қийиқ кўзлари, жиддий чимирилган қошлари худди дадасиникига ўхшайди.

Мен кураш тушсам арзигулик, йиқитсам — ҳай, ҳай, йиқилсам уятга қоладиган жойим йўқ...

Ўртага йўл-йўл беқасам тўн кийган бола тушди.

— Қўрғон полвонга талабгор бўлса, тушаверсин!— қичқирди у ўнг қўлини баланд кўтарган ҳолда. Ҳаяжоним баттар ошди. Ўртага қандай тушганимни ҳам сезмай қалибман. Ҳалиги бола мағлуб бўлганининг чопонини келтириб менга кийгизаётганди. Холмўрод унинг йўлини тўсди.

— Қараб тур, бошқа тўн олиб келаман...

Болаларнинг биридан келтирган тўннинг ситини менга тутаркан, қудогимга шивиради:

— Йиқилган боланинг тўни беҳосият...

Сўзлари далда бўлди, кучимга куч қўшилди...

Қўргон билан қўл сиқилиб кўришдик. Ҳалиги болага эргашиб, давра айланиб чиқдик. У туман-туман томошабинлар қаршисида хитоб қилаётгандек овозини баралла қўйди:

— Қўргон полвон!

У унг томондаги рақибимнинг чап қўлини кўтарди:

— Кўктепадан.

«Уув! У-ув!»

Овозлар чиқди.

Мен томон бурилди.

— Исминг нима?

— Ғайби.

— Ғайби полвон шаҳри азим Тошкентдан!..

Қўргон билан бел олишдик. Гавдаси мендек кўрикса ҳам, бели кўндадек экан. Дарров энкайиб олдим. Чалғитиш керак-да!

Бирдан у ҳаракатга тушди. Қўргон белимни сиқиб, гавдамини сал тиклади-да, бурилиб ёнбошга олаётганида фурсатдан фойдаланиб белини кучимнинг борича сиқдим.

— Ҳа-а, ҳа-а!— дейишарди болалар.

Қўргонини шу ҳолда туртиб-туртиб турдим-да, бирдан кўтариб олд томонга ташладим. Одатда орқага ташлашни кутган Қўргон ёни билан остимга тушганида қий-қирқ бўлиб кетди...

Мен уни ердан турғазаётганимда кўзлари қизарган, вазжохати қўрққулик эди. Тўғон амаки келиб қўлини силтади.

— Бор, бор! Нарн тур!— деди менга қарамай.— Турғизма! Ерда ётсин! Шарманда ерда ётсин! Буни полвон бўлади десам... ҳе!..— қўл силтаб нари кетди. Кейин билсам, Тўғон амаки бир вақтлар полвон бўлган, кимдир фирромлик қилиб уни йиқитган, шу-шу кураш тушмаган, ўғлига ўргата бошлаган экан.

V

Кечқурун Холмурод: «Яхшилаб дамингни ол. Тўйиб ухла. Эрта тоққа—овга чиқамиз»,— деди. Пешайвон остидаги суячада осмонга қараб ётдик. Осмон тўла ғуж-ғуж юлдуз. Одамнинг хаёлини қайларгадир етаклайди. Кўз ўнгимда... Зулхумор намоён бўлди. Уни кўргим келди. Жуда-жуда кўргим келди... Ухлаб қолдим. Тушимга

Зулхумор кирди. Тоғларга қараб кетаётган эканмиз. Шамол унинг тимқора сочларини тўзитган, пешонасига, юзларига ёйиб туширган...

— Анави чўққиларнинг номи нима?— сўради Зулхумор осмонга тиғ санчган қояларга ишора қилиб.

— Билмайман...

— У ерларга ҳеч ким бормаган, улар номсиз чўққилар,— дермиш Зулхумор.

Мен номсиз чўққиларга термулиб уларга етишни шундай-шундай истардимки... туйқусдан уйғониб кетганимда бир зум атрофга ҳайрон боқиб турдим...

Холмурод юзини юйиб келди...

— Тур, чой ичайлик энди,— деди менга жилмайиб қараб.

Кўрпага ўранганча кўзларимни юмдим: «Қани энди, Зулхуморни яна кўрсайдим! Ҳеч-ҳеч кўз очмасдим!..»

Мен бир неча марта тушдаги нарсалар ўнгимдагидан яхшироқ, ажойиброқ эканлигини билганман. Сирли-сехрли тушдан сўнг одамнинг кўнгли ғаш бўлиб уйғонишига сабаб балки шундандир?!

Товоқдаги қаймоққа нон бўктириб едик. Кийиндик. Ёулга тушдик. Жардан ўтдик. Турли-туман дарахтлар: жийда, туғдона, наъматакларнинг қоп-қора томирлари жар тепасидан чивикдай осилиб турибди. Аллақандай хуш бўй анқийди дарахтлару гиёҳлардан. Яқин-йироқларда қушлар сайрайди. Осмон этаклари қип-қизариб, кейин оқарди, тепалик ортидан қуёш мўралади. Бу пайтда қоя остига етиб келган эдик. Холмурод менга чўққи томон кетган ёлғизоёқ йўлни кўрсатди:

— Сен боравер, Ғайби! Мен орқа тарафдан ўтаман.

— Юраверсанг-чи?!

— Орқа тарафда чуқури¹ ўсадиган ўнгир бор. Ўша ердан бирваракай чуқури териб ола қоламан. Тошлар орасидан қидириб юрмаймиз... Боравер, барибир бир жойдан чиқамиз. Эҳтиёт бўл фақат. Олқорларга қопқон қўйилган бўлиши ҳам мумкин...

Осмон тиниқ. Қўтир қоялар ҳайбат солиб туришар... Ўзларига чорлашар...

Негадир ўзимни қушдек енгил ҳис этдим. Учиб-учиб кетгим келди...

Учи-иб, учи-и-иб...

Юрагим ҳаприқа-ҳаприқа юқорилайвердим...

Юқорилайвердим...

Қанча йўл юрганимни чамалаб кўриш учун ортга ўгириладим. У-ҳў! Қишлоқ уйлари қутичалардек кўри-

¹ Равоч.

нарди. Пастда кимдир битта-битта қадам ташлаб келарди.

Елкасида милтиқ.

Қадами оғир.

«Ие, Қўргон-ку?!» — уни таниб севиниб кетдим. Қий-қириб юбораёздим...

....Тезроқ юрсанг-чи, оғайни! Юрагим сиқилиб кетди-ку? Бир лаҳза одам овозини эшитмай, ким биландир икки оғизгина сўзлашинини шунчалик соғиндимки... Тезроқ юрсанг-чи, Қўргон!..

Унинг қадамлари... оғир-оғир... Худди ўй-хаёлларидан дарак бераётгандек...

Қадди бир оз эгилган... Алақандай ёвуз куч эзаётгандек... Елкасида милтиқ... Қўндоғи қийшайган.

Шу лаҳзада бирданнга хаёлимдан қуёш нурлари қўшилсиниб оқайтган сой томон кетаётган Қўргоннинг қиёфаси ўтди... Қадамлари оғир-оғир...

Қадди бир оз эгилган...

Тўғон амакининг азобли чизиклар билан қопланган дарғазаб юзи ўтди хаёлимдан. «Ерда ётсин! Ерда ётсин!» — деган сўзлари қулоқларим остида жарағлади.

Тиззаларимдан мадор кетди. «Об-бо, жудаям вақтида дуч келдинг-ку, Ғайби!» — алам билан ўйладим.

Тоғлар ҳайбатли эдилар.

Ёлғиз эдилар.

Ёлғизликни, яккаликни янада чуқурроқ ҳис этдим. Қўргон ҳамон оғир-оғир қадам ташлаб келарди. Бош кўтармасди.

«Мени кўрган, албатта кўрган, — ўйлардим мен. — Шонинб қаерга борардим, барибир қўлга тушди, деб ўйлаган... Милтиқни шундоқ елкасидан олади-ю...»

«Беркинсамми?!» — Ғира-шира бу хаёл юрагимнинг алақайси омонат четида «йилт» этди. Хў-ўш, қаерга беркинаман?! Кейин... кейин. Қўрқоқ экан, деб ўйлаш бор Қўргоннинг, устимдан кула-кула... Йўқ, йўқ! Бу фикрни ўйлашнинг ўзиёқ... Терга ботдим... Мен ғирромлик қилмагандим, чалиш қўймай йиқитгандиму. Тўғон амаки ёмон сўзлар билан бекордан-бекор уни сўккандида! Алам ўтказиб юборганди. Энг ёмон нарса алам. Алам устида одам ҳар бало қилиб қўйиши мумкин...

Юриб-юриб оёғим остидаги тошлардан бири билан уриб йиқитсамми деган хиёнаткорона фикрни ўйладим. Йўқ! Мабодо тегмаса отади барибир! Отади-ю, жуфтакни ростлайди. Бироз келиб кўрмаса, билмаса...

Хелмурод чуққига чиқиб қарайди. Йўқман. Хотир-

жамгина тушиб келади ва... Уқ икки курагим орасини тешиб ўтган, оғир-оғир нафас олиб ётибман...

— Ким отди?— рангу қути ўчади, қалтирайди, довдирайди, ўкраб юборади. Айтмайман. Бўлари бўлди.

«Чўнтагимдаги дафтарчини Зулхумор деган синфдошимга элтиб бер»,— дейману кўз юмаман...

Зулхумор юм-юм йиғлайди. «Нега айтмагандим-а, нега?»— кўзёшлари юзларини хўл қилиб юборади. Кейин... ҳаминша мени ўйлайди. Эслаб хўрсинади. Бейхтиёр жилмаяди, маъюсланади... Ҳеч кимга қўйилмайдди.

Кўзларимдан бейхтиёр ёш тирқираб, ёлғизоёқ йўлдан чиқиб кетганимни сезмай қолибман. Ортимдан Қўрғоннинг бақираётганини эшитдим. Бақир, бақиравер-э!..

Ўтлар устидан чопиб кетдим... Шу пайтда шарақ этган товуш эшитилди. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзиб, зўр-базўр бир-икки қадам ташладим. Оёғимнинг туپиғича зирқирарди. Оғир тош осилгандек эди. Мени пастга тортди, қулатди...

...Қўрғон отди-я!— оний лаҳзада шундай мулоҳаза қилдим.

Полвон эмас экасан-да, Қўрғон?! Йиқилганини ер кўтарарди, ҳеч ким сенга ўхшаб номардлик қилмаган бўлса керак... Номард!

Бир ўқсиниблар кетдим! Кўз ўнгимда мовий тусдаги ҳалқачалар пайдо бўлди.

Ҳалқачаларга чўкдим...

Оқиб-оқиб кетдим...

...Кўзимни очганимда бош томонимда Қўрғон турарди. Оёғимдаги тошлар ечиб ташлангандек, енгиллашган...

— Шунча чақирсам ҳам эшитмадинг,— деди Қўрғон.— Ўтлар устида юра бошлаганингдан кейин ортингдан чопдим. Олқорларга овчилар қопқон қўйишганини Холмурод сенга айтмабмиди...

Қўрғоннинг қоп-қора қотма юзига, кенг елкаларига, осмондек тиниқ кўзларига қарадиму...

Бейхтиёр тескари ўгирилдим...

Ҳеч нарса билмай-кўрмай, ҳиссиз-идроксиз ер тишлаб ётмаганимга қилаётган пушаймонимнинг чеки йўқ эди....

Тинмай меҳрибончилик қилаётган Қўрғонга бақириб юборгим, уни силтаб ташлагим келарди...

Энди мен...

Зулхуморга қандай қарайман?!

Холмуродга нима дейман?!

Қўриққа-чи?!..

Келиб-келиб олқорларга қўйилган қопқонга тушиб
ўтирибман-а?! Тирноқларимни ерга ботириб, алам би-
лаи майин тупроқни чангалладим. Чангалладиму...

Эзғилайвердим, эзғилайвердим...

ШАҲАРЛИК АМАКИМНИНГ ҲИКОЯСИ

I

Мурод иккаламизнинг орамиздан қил ўтмасди. Зўр йигит-да у! Кўзлари чақноқ ва кескин: баъзан эса сокин ва осойишта боқиб юрагидагини айтиб туради. Баъзилар уни унчалик ёқтиришмайди, негаки, дағаллигням бор — нима бўлти, иши тушадиган одамларга ойнимсупурги бўлиб, қўлини кўксига қовуштирганча илжаяверишдан, қийшаглайверишдан шу яхши эмасми?

Институтни битирдик. Мурод Рангон тоғдаги қишлоғига кетмоқчи. Менинг эса шаҳардан жилгим йўқ. Муроддан ҳам ажралгим келмайди. Униям ўзим билан қолишга кўндирмоқчи бўлдим. Қайда! Уринишларим зое кетди.

— Энам...— ялиниб-ёлворишларимга жавобан шу сўзни айтди-ю, давомига нима деярини билмагандек тош қотди.

— Нима энам?— Пинакка кетаётган одамни сергак торттирмоқчи бўлгандек биқинига туртдим.

— Мени соғинадилар...

— Э-ҳа!..— Бенихтиёр кулиб юбориб хитоб қилдим.— Шунга шунчаликми? Соғинсалар бориб турасан...

— Йўғ-э!— Мурод туйқус чўчиб тушгандек сўзимни бўлди.

— Ҳа-а...

— Ҳар бир киши ўз ота-онаси олдида қарздордир,— деди худди китоб ўқиб бераётгандек, лекин бу сўзлар нақ юрагининг тубидан чиқаётганига шубҳа қилмадим.— Тски ота-онасидан кўнгли хотиржаму виждони олдида покиза-беғубор бўлмас экан, қилган ишням икки

пулга қиммат. Мен шундай ўйлайман. Сен шаҳарда туғилиб ўсгансан. Ота-онанг шу ерда. Қолиб яхши қилдинг. Ерданинг тегади. Мен кетишим керак. Энам... Соғинсалар йиғлайдилар. Йиғлайверадилар — яшириқча, ошкора... Баъзан кўзёшларини ичга ютиб миқ этмай юрадилар. Бу — ёмон, жуда ёмон...

Шунақа гап-сўзлардан сўнг уни қўллаб-қувватлашу фикрларига қўшилишдан ўзга чораю илож қолмайди. — Ўзинг биласан,— дея олдим холос.

Вокзалгача жомадонларини кўтаришиб бордим. Поездга чиқариб қўйдим. Томоғим қичимсираб, нимадир тиқилгандек бўлди — ўзимни зўр-базўр тутиб турдим.

Мурод вагон деразасидан бошини чиқариб, бир қўлини ҳавода силкитганча хайрлашар, иккинчи қўли билан дам-бадам кўзёшларини артиб олаётганга ўхшаб кўринарди. Ёки ҳақиқатан ҳам йиғлаяптимикиан? Шунча йил бирга юриб унинг кўзи ёшланганини кўрмагандим... У кетди.

Шаҳар кўчаларида, хиёбонларида узоқ вақт ёлғиз ўзим айланиб юрдим. Дарахтлар ҳам, бинолар ҳам шумшук, сўппайиб қолгандек кўринарди. Қош қорайганда уйга қайтдим. Ҳеч кимга билдирмай хонамга кирдиму чек-чегарасиз ўй-хаёллар оғушига шўнғидим.

«Одам нега энг яқин дўстидан ҳам узоқларда яшашга маҳкум этилган? Нега бир-бирини тушунадиганлар, қадрлайдиганлар ҳамиша, ҳаммавақт бирга бўлолмайди? Нега?..»

Бундай муаммоларга сал-пал тушуниб, етгунимча орадан йиллар ўтиб, пешонамдаги бир тутам соч оппоқ оқарди...

II

Баҳор эди. Қуёш. Кўк гумбазини артаётгандек кезинишган оппоқ булутчалар. Гиёҳлардан сочилган ажиб ҳид...

Хуллас, таъриф йўқ!

Шуниси аниқки, бундай фурсатда бир қувончга ўн қувонч қўшилади, қайғуга ҳам шундай. Кўнгил одатланиб қолган шаҳар кўчалари-ю, ҳар ғишти таниш бинолардан безийди. Ҳамиша покизаликка, гўзалликка, кенгликларга ташна одам боласининг нигоҳи, юраги дашту далаларни, тоғу тошларни қўмсаб қолади...

...Аброр ака билан тоққа чиқмоқчи бўлганлигимизнинг сабабини сал-пал бўлса-да, ҳар қалай тушунгандирсиз...

Аброр ака ўттиз бешларни қоралаган. Икки бети қип-қизил. Қон томирлари тўрлаган. Товуши йўғон. Бир гапириб ўн куладиган хуш-хандон киши. Унинг семизлигига соғломлиги устига ана шу хушчақчақлик одатини қўшсак, анча фазилатлар эгаси эканлигига гувох бўламиз. Қачонки, бир гапириб ўн кулиш одати ажойиб хислатларнинг ажойиб сапалиб, семизлик ва соғломлик гузаллигининг тимсолига айлангудек замонлар келса, сўзимизнинг ҳаққи ҳалоллигига шубҳа-гумонлар қолмайди.

Биз бирга ишлаймиз. Бўш вақтларимизда шахмат суришамиз. Шахмат деган жойда Аброр ака ўзини тойдан ташлашга тайёр. Жонини жабборга бериб ўйнайди — талашади, тортишади, ютмаса қўймайди.

Шахмат тахтаси устида Аброр акага талабалик йилларим, Мурод ҳақида кўп гапириб берганман. Унинг таҳсинга лойиқ томонларини сўзлаштириб беихтиёр хаёлга берилиб кетаман. Ўтган кунлар ёдимга тушади. Аллақандай бошқача сезаман ўзимни.

Шу бонсми, ўзининг ҳам бош оққан томонга чиққиси келиб турган эканми, Аброр акага дам олиш кунини Муродлариникига борайлик деганимда у бажону дил рози бўлди.

— Шахматни олволамизми?— деди ёш боладек қувониб, кўзлари чарақлаганча.

— Ўзингиз биласиз...— нима деяримни билмай чайналдим.

Ха, олволамиз, деб айтсам йўлда ҳоли жонимга қўймайди. Кўтариб олинган бу сабилни, ўзингиз айтувдингиз, менга қолса кераги йўқ эди, дейди.

Аброр ака иккиланаётган қиёфада бир зум сукут сақлади.

Мен ҳам миқ этмадим. Ахийри унинг сабр косаси тўлиб-тошди шекилли, қўлини кескин силтаб, ноилоҳ хўрсинди:

— Бўпти, олволаман.

Мен енгил тортдим.

III

Муродларининг қишлоғига етиб борганимизда, қон қорайганди. Бу ерга талабалик йилларимда келгандим.

Едимдан кутарилиб кетгандир деб ўйлагандим. Йўқ, таниш манзараларга кўзим тушгач эсладим, ўзим йўл бошладим.

Шағал тўкилган йўлда таксидан тушдик. Пастдаги сойнинг шовуллаган товуши сукунатда ваҳимали туюларди. Қоп-қорайиб турган ҳайбатли қоялар нафасини ичга ютганча сойга энгашган динозаврлардек кўринарди.

— Пича пиеда юрамиз,— дедим Аброр акага.

— Майли, майли!— У хандон-хушонлик билан таклифимга кўнди, зеро, ўзга илож ҳам йўқ эди.

Ортимдан эргашди.

Ҳузурбахш тоғ шамоли юзларимизга келиб урилди.

— Оҳ-ҳ! Оҳ-ҳ!— Хитоб қилди ҳамроҳим тўлқинланиб.— Ажойиб! Чиннидай тоза ҳаво!

Мен, кўрдингизми қанақа жойларга олиб келдим сизни, дегандай ғурурланиб ортимга ўгирилдим. Қоронғуда қоқила-суқила, ўзи билан ўзи андармон бўлиб келаётган Аброр ака буни пайқамади.

Пахса деворли ҳовлига етдик.

Муродларники шу.

Ерранг тахта эшик. Ўша-ўша. Ўзгармаган. Итариб кўрдим. Очилмади. Илмоғи тушириб қўйилган кўринадди.

— Қўнғироқ тугмачасини босинг,— деди Аброр ака эшикнинг кесакисини пайпаслаб.

Мен кулдим:

— Бу ерда қўнғироқ нима қилади?

— Тақиллатинг бўлмаса....

— Ҳўп...

Ўт ақиллади. Илкис орқага салчиб тушдим. Аброр аканинг ўтақаси ёрилаётган маҳкам енгимга тармашди.

— Омон бўлинг-э!— беихтиёр айтиб юборган сўзимдан сўнг унга малол келмасин деб жилмайганимни сездирмадим.

— Кўрққаним йўқ,— деди Аброр ака қалтирашини ҳамон босолмай.

Ўйдагилар эшик тақиллаганини эшитишмаган бўлишса-да, итининг бемаҳал ҳуританидан хавотирланиб ташқарига кимнидир чиқаришди, шекалли.

— Ет!..— деган кескин товуш эшитилди.

Овозидан Муродга менгаздим. Ўзимакан, бошқамикан — билолмай, иккиланиб турдим.

Итининг уни ўчди.

Шаҳарда биров эшигимизни тақиллатса, даставвал:

«Қим у?» деб сұраймиз. Бундай сұров қишлоқда уят, айб ҳисобланади. Шу боис, улар дарвозага етиб келмаслариданоқ «ҳози-и-ир» дея овоз беришади. Чопонининг енгини киймай, елкага ташлаб меҳмон олдиға чиқиш ҳам одобға кирмайди бу ерда.

Эшик очилди.

— Келинглар, келинглар!— мезбон бизни ҳали танимай-билмай, бунга улгурмай, ичкариға таклиф қила бошлади.

Унинг хатти-ҳаракатларию товуши менга шунчалик қадрдон эдики, ҳозир ҳаяжондан ўпкам оғзимға тикилгудек бўлди. Зўр-базўр:

— Мурод!— дедим.

У ортиға ўгирилиб бир лаҳза серрайиб қолди. Сўнг-ра беҳад-беҳудуд қувончға тўла хитоби янгради:

— Э, сенмисан, дўстим!..

— Мен...

— Остонадан ўт. Ўт.

Ичкари киришим биланоқ қучоқлаша кетдим. Иккаламиз ҳам жуда-жуда ҳаяжоиланаётган эдик.

Мурод анча озибди. Бироқ чайир, бақувват.

У бетиним илжаярди. Шоду хуррамлигини қандай ифода этинин билолмаётгандек бошини сарак-сарак қиларди. Дам мендан, дам Аббор акадан қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрарди.

Мурод ҳовлиққанича бизни уйға бошлади. Шифти пастроқ вассажуфт уй тўзиб кетибди. Оила аъзолари жамулжам бўлиб овқатланишаётган экан. Бизни кўриб ўринларидан қўзғалинганди. Эски-туски кўриначаларни йиғиштиришиб, дарров янгиларини сола бошлашганди. Анча хижолат чекдик. Буни пайқаган Муроднинг эпаси Ҳилол биби:

— Во-ой болаларим-эй, биз суююганимиздан ўзимизни қаерға қўйишни билолмай қолдик, асти тортишманглар,— дея елкамизға қоқиб қўйди. Қўлимиздан етаклаб ичкари хонаға олиб кирди.

Бу алоҳида, кенг-ковул меҳмонхона эди. Кўрпачалар ёзилган. Уртада хонтахта.

Оғзидо бурнини рўмонининг бари билан тўсиб олишган уятчан-уятчан қизалоқлар — Муроднинг сингиллари хонтахта устини бир зумда позу неъматларға тўлғазиб танилашди.

Даста-даста чапати поилар, чинини косаларда лим-мо-лим қатиқ келтиришди.

— Қатикдан ичинглар,— тинмай меҳрибончилиги

кўрсатарди пойгаҳда чўккалаган Ҳилол биби.— Бу ернинг об-ҳавосига бирпасда ўрганиб қоласизлар.

— Ана жою мана жой!— ит акиллаганидаги жиндаккина похушлик Аброр аканинг ёдидан кўтарилиб, илҳом булоғи қайнаб-тошаверди.— Бундай жаннатмакон ерларда яшаган одамнинг армони бормикан?

— Итлари ёмон-да!— дедим билдирмайгина ҳалиги кўнгилсиз ҳодисага шама қилиб. Шама қилмас ҳам эдим-ку, қарасам, жуда ошиб-тошиб кетяпти-да!

Кўзлари бир оз қисик, юзи чўзинчоқ қотма киши — Муроднинг отаси жилмайиб, бош тебратакан:

— Унчалик ҳам эмас,— деди.

Сўнгра:

— Жониворларнинг ҳам тилини тушуниш керак,— дея қўшимча қилди.

Ҳаяжонга тушишлару тўлқинланишлар Аброр аканинг карнай бўлиб кетган иштаҳасига заррача монелик кўрсатмас, у қаймоққа чапатини буклаб-буклаб ботирганича оғзига тиқиб, пешма-пеш аталган жойига жўнатарди.

— Эрта тоққа чиқамиз,— деди ётар чоғимизда Мурод.

— Тоғнинг қаерига?— чалиштириб ўтирган оёғини уч-тўрт соат мобайнида қимирлатиб ҳам қўймаган унинг отаси бошини туйқус кўтариб сўради.

— Назар чўпоннинг олдига...

— Ҳа-а, чўпонларнинг олдига бориш керак,— завқини тиёлмай қўшилди Аброр ака.— Маза қилиб ўйнаб келамиз.

— Назар чўпон анча олислаб кетган. Қайси ўнгирдалигини билолмай, тонолмай ҳалак бўлмасмикансизлар...— деди Муроднинг отаси Аброр аканинг хитобларини наришонҳол тинглаб.

— Топиб борамиз!— ҳовлиқди Аброр ака.

— Шунчалик қийин эканми? — қўшилдим мен ҳам.

— Отарга олиб борадиган йўлни иккидан-иъгасига-ча билиш керак-да, бўлмаса анча қийналиб қоламиз,— деди Мурод.

Сўнгра ўйланиб туриб:

— Ота, -бизни бошлаб борсангиз-чи?— деб қолди.

— Жоним билан борардиму иш кўп, ўғлим. Қўйларнинг жуини олмасак эрта-индин чўпонлар тоғ ортига ҳайдаб кетиб қолишади. Яхшиси, Урозни олиб бора қолиётлар. У яхши билади тоғ йўлларини.

Мурод суюнганидан беихтиёр: «Эҳ!»— деб юберди. Шу фикр хаёлига нега илгарироқ келмаганига жуда ажабланаётганини, ҳайронлигини билдирди.

Ухлаш олдидан, тўшалган ўрин устида лўмбоздай бўлиб майкачан ҳолда ўтирган Аброр ака мени имлаб чақирди. Олдида доналари тап-тайёр териб қўйилган шахмат тахтаси.

— Ке, бир суришайлик,— деди у кўз қисиб.

Кўзларим ўз-ўзидан юмилиб кетаётганди. Таппа ташласаму донг қотиб ухласам, дердим. Буни сезган Мурод ҳам озгина гурунглашганимиздан сўнг «яхши дам олинглар, қолганини эртага гаплашамиз», деб, бизни танҳо қолдириб чиқиб кетганди.

Йўқ, десам, хафа бўлади. «Сазамни ўлдирдингиз-а!»— деб домангир бўлиб юради. Ке, дедим ўзимга-ўзим, биринчи ўйиндаёқ ютқазиб қутуламан қўяман. Бордию ютгудек бўлсам икки оёғини бир этикка тиқиб олиб яна ўйнаймиз, дейди. Қўймайди, ялинади, ёлборади. Шахматга маҳорати ҳаминқадар бўлсаям, ихлоси-иштиёқи катта. Ҳали айтганимдек, дарров ютқазиб қўй қолдим.

Ўримга чўзилиб, уйқуга кетарканман, Аброр аканинг сўзлари қулогимга шанғиллаб кириб турди.

— Шахматда мен ютмасам қўймайман. Бироқ сиз-даям ҳозир имконият катта эди. Фарзинни бериб қўйганингиз чатоқ бўлди. Албатта, билмай бериб қўйдингиз! Лекин шахмат ўйнаётганда ҳамма нарсани билиб-кўриб, сергак-хушёр туриш керак... Сизнинг тўра билан тўсишингиз... аслида-а...

Мен қулогим остида замбаракдан ўқ узилганда ҳам заррача бедору баҳаловат бўлишни хаёлимга келтирмайдиган алпозда қаттиқ уйқуга кетдим. Лекин, ҳарҳолда, Аброр аканинг ухлаганимдан сўнг ҳам, менга гапираётгандек бўлиб билдирган кўп қимматли фикр-мулоҳазаларию фойдали панд-насиҳатлари, оҳори кетмаган ҳикоялари беҳуда кетмади, деб ўйлайман...

Тушимда баланд чўққининг энг устида, қуёшга яқин жойда, шуindoққина елкамизга оипоқ булутларнинг қуйруқлари тегаётганини кўриб-билган ҳолда, иккаламиз майкачан бўлиб олиб шахмат суришаётган эмишимиз....

IV

Тоғлар ортидан қуёш чиққинини кузатганимиз? Баланд бинолар, чапгу тўсонлар, бурқсаган тўғунлар —

ҳеч нарса йўлига раҳна солмагани учун толлим-толлим нурлар борлиқни буткул чулғаб олади. Дилингизни мусаффолайди. Субҳи кофурдан киши руҳининг бардам, тетик бўлиши ўша куннинг мазмунига қанчалик таъсир этади-я.

Биз офтоб тиги тушиб турган пешайвонда, дастурхон бошида ўтириб Муроднинг энаси тайёрлаган сутли атала, тоғлиқлар тили билан айтганда, кочаталанинчардик.

— Оҳ-ҳ!.. Оҳ-ҳ!..— Аброр ака тамшаниб, борлигини шу таомга бахш этгудек кўзларини юмиб олганди.— Умрим бино бўлиб мундай лаззатли таом емаганман...

У гўё ана шундай лаззатдан шу маҳалгача беҳабарлигидан таассуфлангандай, бош чайқаб қўярди.

Супа қирғоғида ўзича тимирскиланиб, нималар биландир машғул бўлиб турган Муроднинг уч-тўрт яшар жияни шу пайт:

— Уйоз акам, Уйоз акам!— деб қолди.

— Уроз ҳам келяпти экан,— деди Мурод чеҳраси очилиб, зарур нарсаларни олиш учун уйга кираркан.— Ўўлга чиқаверсак ҳам бўлар...

Мурод уйда тайёргарлик кўряптию Уроздан ҳали-вери дарак йўқ.

Қўни-қўшниларнинг болаларидан бўлса керак, узоқдан, супа остидан туриб бизга салом берган, олдимизга келишга эса ийманиб турган ўн бир-ўн икки ёшлардаги болага:

— Қара-чи, Уроз аканг келяптими?— дедик.

У қий-қизариб, жойидан жилмай, айтган сўзимиз у қўлидан кириб бунисидан чиққандай бўлиб тураверди.

— Анча дидахира бола кўринади,— Аброр ака мен томон энгашиб қўлоғимга шивирлади. Сўнгра гавдасини тиклаб, овозини хийла баландлатди:

— Ҳе-ей, бола, танийсанми-йўқми у одамни?

Бола безу безбетдай, саломдан бошқасини билмай дигандек бўлиб туравериши ҳатто меням фигонимни фалакка чиқариб юборишига оз қолди. «Овсарроқми?»— деб ўйладим... Хайрият, овоз чиқариб айтиб юбормаган эканман...

Оёғида резина этик, эгинда ранги униққан йўл-йўл беқасам чопон, иккала қўлида биз учун ҳам худди ўзиники каби усти бошлар, Мурод уйдан чиқди.

У болани кўриб юз-кўзларида шоён ифодалар барқ урганини на айтиб, на ёзиб таърифлаб бериб бўлади.

— Э, Уроз, келдингми?— деди овозида ҳам шодмонлик оҳангини йўқотмаган бир йўсинда.— Ке, келавер! Бу ерга чиқиб чой ичиб ол...

Аброр ака иккаламиз ҳангу манг бўлиб қолдик.

— Ие, йўлбошловчимиз шуми ҳали?— зўрға сас чиқарди Аброр ака кўзларига ҳали-ҳануз ишонмаган ҳолда.

— Ҳа-а,— Муроднинг ғурур билан тасдиқлагани худди бизни масхаралаётгандек бўлиб туюлди.

У Урознинг олдимизга етаклаб чиқди. Чувак юзли, жимитдеккина боланинг оёғида ўзига мослаб тикилган чорик, эғнида Мурод кийиб чиққани каби эскигина тўн. Белида белбоғ, унга нимадир ўралганлиги очиқ-ойдин кўриниб турарди.

— Белбоғингдagi нима?— Сабри чидмай сўради Аброр ака.

— Чапати...— Уроз қисқагина жавоб қилди.— Йўлда асқотади, деб аям эрталаб ёпиб бердилар.

Болакайнинг ўнг юзидаги билинар-билинемас чандиқ эътиборимни тортди. Сўрашга истиҳола қилдим. Имкони туғилса йўлда сўраб оламан, деган ниятни кўнглимга тугдим.

— Тоғда ётиб қоламиз,— деди Мурод.— Эғниларингиздагини ечиб манавиларни кийиб олинглар.

Резина этик енгилгина экан. Менга маъқул тушди. Беқасам тўнни кийганимда ҳам ўзимни қандайдир бошқача ҳис этдим...

Аброр аканинг семиз оёқларига этик тор келиб қисди шекилли, у Мурод билан алмаштириб олди.

Йўлга тушдик.

Муроднинг энаси:

— Яхши бориб келинглар,— дея бизга фотиҳа берди. Бошида лайлак уясидек қўққайиб турган рўмолининг устидан Урозга уч-тўртта конфет олиб берди. Пешонасидан ўпиб:

— Дадангга салом айт,— деди.

Уроз Назар чўпоннинг ўғли экан.

Тоғлик аёллар игна, ип, ангишвона — ҳамма майда-чўйдаларини ана шу «лайлак уя» дурраларининг устида сақлашларидан хабарим бор эди. Энди билсам, у ерда суюмли неваралари учун шириликлар ҳам сақланар экан.

— Бу болани дардисар қилиб кўтариб олишга тўғри келмасайди,— шивирлади ҳалитдан таҳликаю хавотирга тушган Аброр ака қўлтиғига шахмат тахтасини

яхшироқ қистираркан. Қадам ташлашига қаранг, оёғини зўрга кўтаряпти...— Сўнгра овозини кўтариб, болага далда бўлсин дегандай эркалатувчи оҳангда:

— Ҳе-ей Урозбой, жа-а полвон йигит экансан, сени ўзимга куёв қиламан,— деди.

Уроздан садо чиқмади.

— Қизимни кўрганинг йўқ-да индамайсан,— дея хахолади Абзор ака.— Сочлари жамалак-жамалак, қош-кўзлари попукдай.

Уроз бу сафар ҳам индамади.

Бу пайт биз ярим соатча йўл юргандик. Ўт-ўланларнинг кўм-кўкклигию қушлар нағмаси, ҳавонинг сўлимлигию мусаффолиги кучимизга куч қўшаётганди.

Олдинда кетаётган Уроз кўзимга ҳақиқатан ҳам зўр-базўр қадам ташлаётганга ўхшаб кўринади. Мурод анча орқароқда эди.

«Болакай биздан уялганидан ярим соатдан бери тиним билмай юряпти»,— деб ўйладиму Урозга меҳрим ошди.

Қандайдир таскинбахш сўзлар айтгим, иложи бўлса уни қўлимда кўтариб эркалатгим келди.

— Уро-оз...— дедим оҳиста товушда.

У ялт этиб ўгирилди. Шу кўйи қимир этмай бизни кутиб турди.

«Ўзимга-ўзим гапираётгандек жуда секин овозда чақирувдиму эшитганини...»— ўйладим унга яқинлашарканман.

Урознинг пенюнаси терчиллаган. Қиёфасида эса заррача ўзгариш сезилмасди.

«Билдирмаяпти,— ўйладим мен.— Қойил...»

У менга «нима гап?» дегандек қаради.

— Пича дам олмаймизми?— Урозга ҳиммат кўрсатётгандек бўлиб туюлмаслиги учун жилмайишга уриндим.

— Йўқ,— Уроз бош чайқаб, қўли билан ўзимиз чиқиб бораётган чуққининг тепасини кўрсатди.— Уша ерда дам оламиз!

— Майлиг...

Индамай кетавердик. Энди Уроз билан орамиздаги масофа бор-йўғи пикки қадамгина эди.

— Уро-оз,— дедим қалбимда унга нисбатан меҳр жўшаётганини ҳис этиб, аллақандай бўлиб кетарканман.— Юзингга нима қилган?

— Қайси юзимга?— у туйқус ўгирилиб, беихтиёр қўли билан чандиқ изларини пайпаслади.

— Ушлаб турганинга-да!

— Бўйноқ тишлаган.

— Бўйноқ?!

— Қўриқчи итимизнинг номи шундай.

Тилим зўрға айланиб:

— Ие, тавба, ит ҳам одамнинг юзидан тишлайдими? Жа-а нари борса оёғидан олиши мумкин,— дедим.

— Бўйноқни эдинггина ўзимга ўргатган пайтлар эди,— кулумсираб жавоб қайтарди Ҳроз.— Ҳавасим келиб кетганидан юзимни бўйнига ишқандим. санчиб тушдию тишлаб олди...

— Ҳзингдан ўтган экан-да!..

У елка қисиб қўйди.

— Кейин ўша Бўйноқнинг роса таъзирини бергандирсан-а!— дедим мушт тугиб.

— Нега энди?— ажабланиш билан жавоб қайтарди у.— Бўйноқни ҳали ҳеч ким эркалаб-суймаган экан, қўрққанидан тишлаб олди. Менинг раҳим келди унга...

— Ие, раҳим келди дейсанми?— анг-танг бўлганимча унга боқиб турдим, сўнгра бир-икки сўз тишларим орасидан тўкилиб тушгандек узилиб-юлиниб чиқди:— Жуда ғалати-ку?

— Нимаси ғалати?— Ҳрознинг овози титради.

Мендан ранжиди-ёв! Бироқ нега? Ақлим етмаяпти. Сўзини тугатганида ранжиши бежиз эмаслигига амин бўлдим.

— Ҳеч ким эркалатмаган итга одамнинг раҳми келди-да,— деди бовим узра дам аллақайларга интих таштаб, дам менга қастик тикилиб боқаркан:— Шуниям билмайсанми?

— Билмас эканман,— дедим истеҳзо аралаш, сўнгра эшитилар-эшитилмас сөзла қўшиб қўйдим.— Раҳминг келганини итнинг ўзи билмас экан-ку барибир.

Ҳроз бу гапни эшитди. Тўхтаб, мен томон ўгирилди. Хомуш, тортинчоқ кўринган кўзлари алаган оташ бўлиб ёнardi.

— Билади!— деди у қалтироқ товуш билан.— Албатта, билади! Бўйноқнинг ўзи қанча афеусланди кейин. Уялганидан қочиб, беркиниб юрди. Тўкнашиб қолганимизда эса мўлтайиб қарарди менга. Қасд қилиб мен ҳам уни урсанимизда, алаҳамми олганимизда бундай қарамасди. Бир кун ийғалаётганини ҳам кўриб қолдим...

— Ийғалаётганини?..

— Ҳа-а. Чувқайиб ўтнганча, кўзларидан мўлт-

мўлт ёш оқизарди. Яна олдига югуриб бордим. Бўйнидан маҳкам қучоқладим...

— Яна тишлаб олмадимми?

— Нега тишласин? Қайтанга кўзёшлари тиниб, юзимни ялай бошлади...

Аброр ака чақириб қолдию суҳбатимиз энг қизик жойида бўлинди. У шахмат тахтасини дам у қўлтиғига, дам бу қўлтиғига олиб, ҳарсиллаб-ҳансираб, семиз юзи қип-қизариб, бўғриқиб етиб келди.

— Нима гап?— дея сўрадим.

— Бирпас ўтириб бу гўзал манзараларни томоша қилайлик,— деди у афтини тириштириб, ҳеч қаёққа қарамасдан. Ҳолдан тойиб бораётганлигини хаспўшлашга уринаётганлиги аён бўлди.

Сирасини айтганда, Аброр аканинг бу таклифига мен ҳам ичимда жон-жон деб рози бўлиб турардим. Бирок йўл бошловчимиз ўроз бизни аллақачон ҳеч қандай гап-сўзсиз ўз измига бўйсундириб олганди.

— Чўққига чиқиб олайлик, кейин томоша қилаверамиз,— деди у.— Ўша ердан ҳамма жой яхши кўринади. Аброр ака беихтиёр чирт эгказиб тупурди.

— Бир қўл шахмат ўйнаб олсак-чи...— менга шундай мўлтайиб қарадики, турқини кўрган одам: «Ҳозир шахмат ўйнамаса бирор фалокатга йўлиқиб, ҳушидан кетиб йиқилади-ёв!»— деб ўйлаши мумкин эди.

Ўроз бу таваллони эшитмай ёнки ўзини эшитмаганликка олибми, анча олислаб кетганди. Аброр аканинг таклифига қўшилишнинг иложи йўқ.

— Ортада қолмайлик...— Шаҳодат бармоғим билан ўрозни кўрсатдим.

— Э-э!— Аброр ака қўл силтади.— Жуда қайсар бола экан-да!

— Тўғри,— бош силкиб унинг фикрини тасдиқладим, ичимда эса кулиб:— Нимаики бўлса бўлажак куёвингиз-да!— дея қўшиб қўйдим.

— Ўйлаб кўрамиз, ўйлаб кўрамиз!— деди Аброр ака таъби хиралашиб.

Чўққининг тепасига етиб келдик. Қуёш осмоннинг нақ ўртасида туриб олиб олов пуркарди. Кўм-кўк ялангликда оёғини чалиштириб муштдеккина бўлиб ўроз ўтирарди. Бизнинг аҳволимиз ўзимизгагина аён эди ҳолос.

— Уҳ-ҳ!..— Аброр аканинг хитоби илгаригидек юк-

сак ҳис-ҳаяжонга тўлиқ эмасди — зўр-базўр, сўник чиқди.— Қандай маза-а!..

— Бир суришайлик,— дедим бошининг остига қўйиб ётган шахмат тахтасини кўрсатиб.

— Қўйсангиз-чи,— Аброр аканинг негадир жаҳли чиқиб кетди.— Тонган вақтингизни-ю!.. Мен пича мизғимоқчимаң,..

Ишонасизми-йўқми, Аброр аканинг шахмат ўйинидан бош тортганини шунча йил бирга ишлаб энди кўришим. Қайтага вақт-бевақт унинг ўзи... бир суришайлик, дея мени безор қиларди.

Ана энди шахматдан ҳам уйқуни афзал билиб, жонинг роҳатини кўзлаб мизғимоқчилар...

У кини кўзларини катта-катта очиб, фируза осмонга бир зум тикилиб турдилар-да: сўнг сабрлари чидмай оҳиста юмдилар... Кўнинча уйқу кўз юмилгандан кейин ҳам анча фурсат ўтказиб келиши бизга маълум. Аброр аканинг кўзи юмилгани билан, чамаси шуни кутиб турган Уйқувоёй зипиллаб келиб қолдилар...

Аброр ака ҳар нафас олганида қорни кўтарилиб-тушиб, сассиз-садосиз енгил нафаснинг гумбирлаган хурракка алмашиниш хавфи сезилиб турган бир пайтда, хайрият, Мурод етиб келди.

Муроднинг ҳориган-ҳоринмаганини чеҳрасидан билиб бўлмасди. Эрталаб чиқиб келишимизда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Хандон-хушоп. Йўл-йўлакай ўнгирлардан, қияликлардан бир талай чуқури териб келибди.

— Тушлик қилиб оламиз,— деди Мурод бўз устига белбоғ ёзиб. Қопчиғидан бапқада қатик, чапати поилар, яхна гўшт, тоғ пиёзи чиқариб қўя бошладди. Чуқурини арчиб, чайнай бошладик. Нордоғина экан.

Бир гапириб, ўн куладиган Аброр аканинг машқни паст. Иштаҳасининг ҳам мазаси йўқ эди.

— Ҳали йўл узоқми?

У ўрозга қарамай сўради. Худди нимадандир араз қилганга ўхшарди.

— Ҳа,— хотиржам ҳолда жавоб қайтарди ўроз. Сўнгра Муроддан пичоқ сўраб олди-да, зум ўтмай аллақерга гойиб бўлди.

— Қаерга кетди у шайтонча?— қовоғини уюб, ўрозга янги лақаб топиб, сўради Аброр ака.

— Қуёв қилмоқчи эдингиз...— дедим қитмирлик билан.

— Э, сиз ҳам жа-а қизик экансиз,—Аброр аканинг

кўзлари жаҳлдан олайиб кетди.—Айтдим-қўйдим-да. Бу бола ҳали улғайса худонинг ғазаби бўлади. Ҳеч кимни назар-писанд қилмайди, кўрасиз. Гулдай қизимни хор қиламанми? Қўйинг беҳуда гапларни.

Мурод жилмайиб, бизни дастурхонга қарашга қистади.

Ун минутлар чамаси вақт ўтар-ўтмас ўроз қўлида иккита таёқ билан қайтиб келди. Битта таёқни менга, иккинчисини Аброр акага тутқазаркан:

— Таёқ билан юриш осонроқ, чарчаб қолмайсизлар,— деб маҳмаданалик ҳам қилди.

— Ўзи бўларимиз бўлди-ку...— гўлдиради Аброр ака.

Мурод ҳайрон бўлиб менга қаради. Парво қилмайсан, дегандек кўз қисиб қўйдим.

Аброр аканинг кайфияти, ўзини тутиши ажабландирди эди. Кечагина «оҳ-оҳ»лаб ҳаяжонини юрагига сиғдира олмаган, тоғлар гўзаллигидан қалби жунбушга келган одам ҳозир дами чўққан пуфакдек, атрофидаги нарсаларга лоқайд назар ташлаб ўтирарди.

Э, Аброр ака-е. Ўрозни камситиб гапирмоқни бўлдингиз-а. У эса сизга таёқ келтириб берди. Суяниб олиб, ҳоримайсиз, деди. Бу болакайнинг юраги нақадар кенг экан-а. Ҳатто, чуқуриларнинг яхши-яхшисини бизга қолдириб, ўзи суви қочганларини чайнаб ўтирибди...

— Йўлга тушамиз,— Муроднинг товуши хаёлимни бўлиб юборди.— Кун тушдан оғаёзди. Тоғларда қуёш эрта ботади.

V

Ўроз олдида, Мурод орқада. Ёлғизоёқ йўлдан кетяпмиз, кетяпмиз. Қуюқ арчазорлар ортда қолган. Булоқлар ҳар қадамда учрамайди. Йўл юришимиз оғирланган.

— Бу шайтонча дадасининг қаерда қўй боқаётганлигини билармикан ўзи,— дейди таёққа суяниб келаётган Аброр ака.

Унинг қўлтигида шахмат тахтаси йўқ. Мурод «оғир бу юк»ни қопчиғига солиб олган.

— Бориб-бориб мот бўлиб қолмасайди,— Аброр ака хўрсилади.

— Мот бўлмаймиз, юраверинг,— деиман мен.

Ўзимнинг аҳволим унқидан бешбаттар. Тишимни тишимга қўйиб олган интиламан. Олдида кетаётган

Урознинг митти гавдаси менга куч-қувват бағишлайдигандек.

Ортимдан:

— Тўхтагил!..— деган эзгин товуш эшитилди.

Угирилдим: Аброр ака. Унинг нигоҳида овозидаги буйруқ эмас, аллақандай ялнини нфодаси бор эди. Аброр ака менинг розилигимни ҳам сўраб ўтирмай, кўкатлар устига чўкди.

Қайтишга мажбур бўлдим. Аброр аканинг толиғига етиб бориб нима гаплигини сўрашга улгурмасамданоқ, унинг ўзи тутатқанича пойма-пой сўзлай бошлади. Лаблари дағ-дағ титраб, кўзлари қинидан чиққудек бўларди.

— Бўлди, бас!— деди у.— Бошқа бир қадам ҳам юрмайман. Товонимга қаранг, мана, шилиниб кетди.

— Турнинг,— дедим бир сару ҳол бўлиб турганимга қарамай, унга тасалли беришга ўзимда куч топиб.— Дарров мот бўлиб қолсак, буёғи...

— Э!..— Менга норози қиёфада қараб, аччиқ сўз айтмоқчи бўлди Аброр ака. Қандайдир мулоҳазага бориб заҳрини ичга ютди.— Аслида нима кераги бор эди шу бемаъни сафарнинг?

Дилим малолланди. Билдирмадим. Ёнига чўкдим. Бир-биримизга сўз қотмадик.

Мурод етиб келди.

— Дам оляписизларми?— чеҳрасида ҳамон ўша-ўша хокисор табассум кезинарди.— Кун оғяпти. Тезроқ етиб бормасак қоронғу тушади. Юриб бўлмайди кейин бу тоғларда.

— Шу ерда тунаймиз қўямиз-да,— деди жаҳл билан Аброр ака.

Мурод бош чайқади:

— Бўлмайди. Ақалли қуролимиз бўлганида эди... Турайлик энди...

Аброр ака тумсайди. Қўлини ерга тираганча инқиллаб-синқиллаб ўриндан турди.

Уроз бу пайтда биздан анча олислаб кетганди. Кафтини оғзига карнай қилиб товушининг борича қийқирар, бизни тезроқ юрнига қистарди.

— Товуши ўқдек-а!— тўнгиллади Аброр ака.— Ўзи кўзимга кўринмай, товуши қулоримга чалинмай турганида сўз бўларди бу шайтончанинг...

Индамадик.

Нимаям дердик. Меҳмон. Ёши улуг.

— Бундай жаннатмакон жойларда яшаган одамнинг

армони бўлмаса керак,— ҳазиллашдим Аброр аканинг кечаги гапини ёдига туширмоқчи бўлиб.

— Нимасини орзу қиласиз?— деди у менга еб қўйгудек ўқрайиб, кечаги ҳавасланишларини хоби хотирига ҳам келтирмай.— Ҳаммаёқ тоғу тош. Зерикиб ўласан. Торроқ бўлса-да ўзимизнинг кабинет соз эди. Маза қилиб шахмат суриб ўтирдим-а ҳозир...

Айни маҳалдаги тоғ манзаралари эса ҳақиқатан ҳам гўзал эди. Офтобнинг нури қияликларда олтиндек ялтирайди. Тошларга, гиёҳларга сеҳр бағишляётгандек бўлади. Соя тушган гўшалар сокин, осойишта. Ҳў-ўв нариги қоянинг ёнбағрида «қур-ей, қур-ей» деган товуш эшитилади. Чўпонлар қўйларини чўққиларга чиқаришмайди. Этакларда боқинишади. Тоғни ҳурмат қилишади.

Ўроз каттақон тошнинг устига чиқиб олиб қийқира бошлади. Унга жавобан этакдаги чўпонлар ҳам қийқириб, ўзларича нималаринидир гаплашишди. Биз тушунмадик...

VI

— Бўйноқ, баҳ, баҳ!— Иаётга энганимизда биз томон шиддат билан вовиллаб келяётган қалъаси катта икки Ўроз чақириб олди.

Ит кескин бурилдию унинг олдида бир зумда етиб берди. Оёғида суйкашанча думини экиклатади, эркаланди.

— Хайрият-э!— чуқур нафас олди Аброр ака.— Бало-қазодай бўлиб келяётганимизда ўзиам!

Назар чўпон вужуди пай бўлиб кетган, юзини тиканакдек соқол қоплаган одам экан. Кўзлари худди Ўрозники каби чақнаб турибди.

У хуржуну чакмонларини тўшаб, бизга жой ҳозирлади. Ўрознинг қўлига эса таёқни бериб:

— Бор, эчкиларни қайтариб ке,— деди.

Шунча йўл босиб келган ўзанин суюб-эркаламади, чарчаган-чарчамаганингини ҳам сўраб ўтирмади...

Бизга чалон қўлиб бераркан:

— Эчкилар жуда шайтон-де, тегалага чиқиб кетиб битта-яримта тошни беҳос туртиб юборингиз, кўчкн бўлишим ҳеч гапмас-да,— деб қўлиб қўяди.

Аброр ака унга ўқрайиб-ўқрайиб қараб қўяди. Бу ерларда қўй боқиб юрган чўпон айбдордек. Бу-

гунги барча азоб-уқубатларининг сабабчиси ҳам Назар акадек...

Нихоят, Аброр ака менга суянган кўйи ухлаб қолди.

— Меҳмон чарчапти,— деди Назар ака.— Ҳали хом-да!

Ўрнидан туриб ирғай шохидан таёқ кесиб келди.

— Уроз, келганингга мукофот берамиз-да!— деди ўғлининг ёнига чуқиб, гулхаи устига шох-шабба ташларкан.

Урознинг кўзлари ҳам қувончдан, ҳам олов таъсиридан чўгдек порлаб кетди.

Назар ака ирғай шохини оловда тоблай бошлади. Сунгра унинг пўстлоғини осонгина ажратиб олди. Қайиш сингари эғиб-букиб, эгри жойларини тўғрилади. Шундан кейингина бир четга ташлаб:

— Энди эрталабгача совуб қотсин,— деди.

Уёқ-буёқдан гурунглашиб ётдик.

Тоғ. Осмон. Юлдузлар. Жунжикиб кўз очаман. Совуқдан ухлолмай хуноб бўламан.

«Қур-ей, қур-ей... ҳушт-ҳушт...» деган овоз чиқади.

Назар ака қўйларни қайтариб юрибди.

«Булар қачон ухлашаркин-а?»— деб ўйлайман ўзимча.

Бир четда ғужанак бўлиб Уроз ётибди.

Ёнида Бўйноқ.

Юрагимни аллақандай маҳзун туйғу кемиради.

«Мана, Аброр ака қимиз ичамиз, деб келганига пуншаймон бўлиб ётибди,— дея ўйлайман.— Энди уни бошқа сафар ялиниб ҳам тоғларга олиб чиқиб бўлмайди. Мен-чи?! Мен ҳам бўлганимча бўлдим-ку... Терзоқ кетишини, шаҳарга етиб боришини ўйлаяпман...»

Урозлар эса...

Улар бошқача...

Мен бунини Назар чўпон ирғай таёқни оловда тоблаётганида Урознинг чўгдек порлаган кўзларида кўрдим...

Тоққа йўл олганимизда Урозга бунча куч-қувват қаердан келганлигининг боисини фаҳмладим...

Уялиб кетдим. Аброр ака билан кела-келгунча тоққа бориб бир қимизхўрлик қиламиз-да, дея бир-биримизга қайта-қайта айтган сўзимиздан уялиб кетдим. Бу тоғлар, бу осмон, қорайиб кўринаётган арчалар... ҳеч қачон, ҳеч қачон менга ўз сирларини очмасликларини ўйлаб хўрлигим келди.

Ахир, шунчалик мафтунокор нарсалар, баъзида уларнинг бағрида қанчалик кезма, ивтилма, бегона бўлиб қолаверадими?...

Бу — қай пиятда кезишингга, қай пиятда ишти-
шингга боғлиқ экан...

Ана шундай таассуротлар оғушида тоғдан анча маъ-
юсланиб қайтдим. Лекин ўша кун — Уроз, Бўйшоқ, На-
зар чўпон хотирамда умр бўйи муҳрланди.

Баъзи-баъзида шахмат суришаётганимизда мен Аб-
рор акага Урозни эслатаман. У менга қараб бир зум ўй-
ланиб туради-да, кўзлари алланечук чақнаб, ҳамиша
бир сўзни такрорлайди:

— Шайтонча, Шайтонча!.,



МЕНИНГ МИТТИ ЮЛДУЗГИНАМ

Қишлоғимизда атиги қирқтами, элликтами ҳовли бўлиб, бу ҳовлиларда амакиларим, хоаларим, тоғаларим, аммаларим, акаларим, ўртоқларим... қариндош-уруғимиз бўлган одам насли истиқомат қилишади. Бувимнинг айтишига қараганда, ер юзи маҳалладек гап экан. Ер юзидаги барча одамларнинг ҳам, бизнинг ҳам энг катта бобомиз Инсон бўлган экан... Кейинчалик кўп-лар энг катта бобосининг фақат номинигина эсда олиб қолиб, ўзини унутиб юборишган экан... Мен... бир уруғдан эканлигимизга ишонардим, ҳаммамизнинг катта бобомиз Инсон деб, уни улугвор, худди Ҳотам бобом қиёфасида тасаввур қилардим... лекин тоғаларим деб юрганам: акаларим, амакиларим деб юрганам...

...Қишлоқ ўртасидаги тепаликнинг остгинасида пешайвонли кичкинагина уй бор. Бу уйда ўн икки-ўн уч ёшлардаги ёлғиз қизи билан Мавжуда хола яшайди. Баҳор кунларида кафтдеккина супачага шолча ёзиб, урчуқ йигириб ўтиради. Эри урушда nobуд бўлган, қизи ҳовли супурарди, сидирарди, пода қайтганда кўчага чиқиб сигирни кутиб олиб, ўзи соғайди... Мавжуда холамининг энг яқин қариндошимиз деб биламан, гарчи етти-саккиз уруғ узоқлашиб кетган бўлсак-да, сочлари жамалак, кўзлари тийрак қизчаси — менинг дўстгинам... Ҳулки борлиги учун...

Эшак билан сигирга ўт олиб келадиган меҳнаткаш қобил, лекин сая гапга ҳам маънос, ғамгин бўлиб қоладиган ғалати қизалоқ сабабли мен уларга доимо яхши-

лик қилишни хоҳлардим... Тепаликдан тушиб бориб, Хулкарнинг қўлидан супургини олиб ёрдамлашгим, сигирини бирга етаклаб киргим келар, уялардим. Гоҳо: «Эртага албатта, шундай қиламан!»— дея аҳд қилар, лекин эртаси куни ҳам уни кузатиб ўтиришдан бошқасига журъат қилолмасдим.

— Ҳой, яшшамагур,— икки қўлини бир тепа қилиб олган аям устимга бостириб кела бошлади.— Лакка-лакка қилиб қушоёқ қувгунча молларга, ўт олиб келсанг бўлмайдими? Мавжуданинг сен тенги қизи ҳаммаёқни бадастур қилиб, ўтга кетяпти. Бу бўлса... Қиз тугсам бўлмасмиди-ей, бу такалардан безор бўлиб кетдим-ку!

Қушоёқ уйиб кетган тугмадеккина тешикка кўрсаткич бармоғини суққанмича, қотиб қоламан: «Мавжуда холамнинг қизи! Мавжуда холамнинг қизи Хулкар ўтга кетаётбди!»

Сув яримроқ челакини кўтарганимча чопиб бостирманинг олдига келаман, сув қалқиб, иштонимнинг почаларини шиата қилиб юборади.

— Ая! О-о, ая! Эшакни тўқимлаб беринг!— дейман қурт-қурт илчан чайнаётган оқ эшагим атрофида куймалайиб. Завқли ўйни— қушоёқ қувиш ҳам эсдан чиқарди...

— Қандай инсоф кириб қолди сен шумтакага!— аям қувониб, эшакка тўқим уради, мени миндириб қўймоқчи бўлади. Кўнмайман. Охурнинг устига чиқиб, ўзимни таппа отаман.

— Эҳтиёт бўл! Оёғингни хуржуннинг кўзига тикма!— аям ортимдан огоҳлантириб қолади.— Чап кўзида ўроқ, ўнг кўзида пои бор-а!!

Мавжуда холамнинг яккаю ягона, сигирига ўт олиб келадиган қизи...

Эшакка хала босаман. Қабристон ёнидаги ёлғизоёқ йўлда унинг қораси кўринади. Абрўк, явшан ҳиди ҳавонини қонлаб олган. Юрагим гупура бошлайди...

— Хулқи, ўтга боряпсанми?— кўзларим унинг катта-катта гамгини кўзларига қадалаб қолади. Ҳамма нарсани унутиб, ўзимни осмову фалаққа парвоз этиб юргандек ҳис қиламан.

— Ҳа-а,— унинг юзи лов этиб қизарди.— Кўряпсан-ку?!

— Мен ҳам ўтга боряпман, Хулқи!— нима деяримни билмайман...

Қабристон, ёлғизоёқ йўл ортида қолиб, катта тош йўлга чиқиб олдик. Ҳаво дим, пашшалар гингиллайди,

гир этган шабада эсмайди, дарахтлар тошдан ясалгандек қаққайиб туришади. Бир оз юргач, ўинга бурилдик. Олма, ўрик, олча каби мевали дарахтлар зичлашиб ётган катта боғ. Чуқурликда жойлашгани учунми, қишлоқдагилар бу ерни «сой» деб аташади. Дарахтлар остида баравж ўсган ўт-ўланлар: чучмома, лолақизғалдоқ, бинафша, ҳулва, қўшоёқ сингарилар ажойиб бир манзара кашф этган, кишининг узоқ-узоқ ётиб, ҳаёл сургиси келади...

Эшакларимизни катта ёнғоқ дарахти остига тушовлаб қўйдик. Мен хуржундан поини олдим, суви жилдираб оқаётган ариқча бўйига ўтириб, оқизоқ қилдик. Ҳулкар бошини энгаштириб, уялиқирагандай ўтирдим.

— Ҳулки... Емаяпсан...— дедим унинг қўлига бир бурда пои тутқазиб. У менга қараб ғалати жилмайди, поини олиб, миннатдорчилик билдирди.

Биз пуштиранг гулбарглар учиб тушаётган олчалар остидан ўт ўраётганимизда, ҳавонинг қовоғи солишиб, қоп-қора булутлар кунботар тарафдан тоғдай-тоғдай ўсиб чиқиб осмонни қоплаётганди.

— Ҳулки, ҳозир ёмғир ёғади,— дедим. Овозим титраб, қалтираб чиқди. Ваҳимали булутлар худди устимизга бостириб келаётгандек эди.

— Кетолмаймиз, — деди Ҳулкар хотиржам.— Яхши-си бирор жой топиб яшириниш керак.

— Топдим! То-опдим,— қувончдан қичқириб юбордим.— Қарим буванинг уйчасига борамиз.

Қарим бува олтиншидан ошган, чувак юзли, сийрак соқолли миқти чол — шу боғнинг қоровули, сўққабош. Унинг қоровуллиги ҳам номигагина бўлиб, бировга «ғинг» демасди. Боғнинг кунботар тарафига бир уйча қуриб қўйган. Ҳуши хоҳмаса, келиб ётиб кетарди, бўлмаса йўқ.

Ўтларимизни бир жойга тўдалаб, орасига ўроқларни яқирдик, ҳўл бўлмасин деб, устига хуржуларни ташлаб қўйдик ва ўзимиз пиёда юқорилаб кетдик.

Еру осмон чарақлаб, булутлар чок-чокидан сўкилиб кетди. Ҳулкарнинг қўлидан ушлаб олдим. Унинг кичкина, нимжонгина қўлидан ушлашим билан қаердандир менда туганмас куч-қувват пайдо бўлди. Шивалаётган ёмғир тезлашиб, йирик-йирик, оппоқ бўлиб ёға бошлади. Биз қанча югурмайлик, ярим йўлга етмасдамоқ шалаббо бўлдик.

Уйчага етиб келдиг-у, лекин ичкари кирмай, иккаламиз ҳам бир зум тўхтаб қолдик. Ялангликда иккита енгил машина турар эди. Уйча ичидан қаҳқаҳа, қийқириқ кўтарилар, тутун бурқсирди...

Остона остида бир неча ботинка, пошнаси баланд, қошиқдек туфличалар ивиб, айқаш-уйқаш бўлиб ётарди...

Биз ёлғиз олма остида турардик, оёқларимиз остидан челақ-челақ сувлар оқарди... Ёмғир ҳалиям шаррос қуярди. Худди шу пайт:

— Йўлларига-а-а чи-и-им боси-и-иб, ўтга-а-а-ани-и-и қўйма-а-айма-а-ан,— деб хиргойи қилганча ичкаридан қорни қаппайган, қип-қизил икки бетидан терми, ёмғирми оқиб турган магазинчи Иброҳим гандираклай-гандираклай чиқди:

Ёрр кетама-аа-а-ан дей-ди-и-и-и.

Кетка-а-а-ани-ани-и қўйма-а-ма-ан...

Биз довдираб, безгак тутгандек қалтираб турардик. Ичкарида эса қаҳқаҳа, қийқириқ... Иброҳим эса остонадаги ботинкаларга, қошиқдек туфличаларга қоқиниб, шаррос қуяётган ёмғирга ҳам парво қилмай, олдимизга келарди. Унинг кўзлари зўрға сузилар, устидан ёмғир қуярди. У аввал менга, сўнгра Хулкарга сартапо بازار ташлади ва Хулкардан кўз узолмай қолди...

— Маишата-а-т қили-иб юрибсиз-ла-ами?— деди тиржайиб, Хулкарга еб қўйгудек қараркан. Мен Хулкарга ўғирлдиму шу заҳотиёқ қизариб кетдим... Бечора... Бечора Хулки... Менинг ожиз, ғалати дўстгинам... Мавжуда холамининг яккаю ёлғизи... Кичкина қўлчаларини зўр бериб кўкрагига қовуштиради, ёмғир унққан чит қўйлагини баданига чинпа ёпиштирганди...

— Дунёда манша-а-ат қилгани-нинг қолади-и, у-о-о!— Иброҳим магазинчи менга кўзини қисди.— Жу-да эрта бошлабсан-а, лочин! Биз ҳам манша-а-ат қиламиз. Анаву туфличаларининг эгалари бил-а-ан... Ҳа-ай билмайса-а-и са-а-ан буни-и,— у қўл силтаб чайқала-чайқала уйчага кириб кетди...

Энди биз уйчага киришни хаёлимизгаям келтирмасдик. Бошимиздан тош ёғса ҳам тутунга, наҳсга қоришиб кетган уйчага кирмасдик... Ёмғир ҳамон қуярди...

...Ташқарида дарахтлар шовуллар, томларга, дарахт баргларига урилаётган ёмғир томчилари шитир-шитир қиларди... Мен бошимни ёстиқдан кўтаролмай, вужу-

димни ҳамон қалтирашидан ухлолмай, хаёл суриб ётардим. Бир маҳал хаёл сурганимча ухлаб қолдим. Тушимда кўм-кўк пичанзор... Анвойи ўтлар гуркираб ётибди... Қаердандир Хулкар пайдо бўлди, у оппоқ кўйлакда эмиш, оппоқ кўйлакда... Иккаламиз қўл ушлашиб юра бошлабмиз... Қувончдан Хулкар кулармиш, мен кулармишман... Булбуллар чаҳчаҳлар, атрофга гулларнинг бўйи сочилганмиш...

Бир маҳал пичанзор устини қора кўланка қоплади, кейин... кейин эса девлар, ялмоғизлар, қошиқдек туфличалар кийиб олган пахмоқсоч жодугарлар чиқиб кела бошлашди. Хулкар йўқ бўлиб қолди... У осмонга чиқиб кетаётганди, уни мусаффо осмон олиб кетаётганди... Менга қараб хаста, маъюс жилмайди. Жилмайиши ярақлаб, олтин чизиқларда Ерга етиб келди... У юлдузга айланаётган экан ўша маҳал... У беномуслик, диёнатсизлик, вафосизлик, беоқибатликлардан кўнгли ранжиб: номусли, диёнатли, вафодор, оқибатли юлдузга айланаётган экан ўша маҳал...

Мен унга талпинмоқчи бўлдим, чинқирмоқчи, ҳаммаёққа жар солиб, уни ерда олиб қолшга ҳаракат қилмоқчи бўлдим... Лекин лабларим қимирлай олмас, оёқларим акашак бўлиб қолганди... Алаҳлаб уйғониб кетдим... Тепамда аям рўмолининг учи билан кўзёшларини артиб ўтирарди:

— Муштдеккина болани ўтга юбормай мен ўлай,— дерди у янгамга.

— Кирилиб кетсин шу моллар-ей...

Мавжуда хола! Мен қақшаб, иситмам чиқиб ётардим. Шу пайтда Сиз молларга ўт олиб келадиган яккаю ягона қизингизни, меннинг ожиз дўстгиниам... Хулкани осмонга узатаётган экансиз-да?!

Бувижон, бувижон... Сиз бизга ёлғон сўзлабмидингиз, ёлғон сўзлабмидингиз? Ҳаммамизнинг катта бобомиз Инсон эмас экан-ку, Инсон эмас экан-ку?! Агар ҳаммамизнинг катта бобомиз Инсон бўлса нега унинг авлодлари бир-бирини камситади, хўрлайди, бегоналик кўрсатади... Тоғаларим, амакиларим, акаларим деб юрганим...

...Қишлоқ ўртасидаги тепаликнинг пойида нешайвонли уй бор. Илк баҳор кунлариданоқ томи лолақизғалдоқларга тўлади. Мен ҳамон тепалик устида у ерга боқиб ўтираман-у, тушиб боришга юрагим бетламайди. Мавжуда хола супада урчуқ йигириб ўтиргандек... Хул-



ки ҳовлиларни супуриб-сидириб юргандек... Пода қайтаётганда сигирни кутиб олиш учун кўчага, дарвоза олдига чиқаётгандек... Мен бугун ҳам: «Эртага албатта унинг қўлидан супургисини оламан, сигирини етаклашиб, кираман»,— дея орзу қилишни, эртаси куни ҳам унинг олдида довдираб туришни истаб, ич-ичимдан бўзлардим... Мавжуда холамнинг сочлари жамалак, кўзлари тийрак яккаю ягона қизчаси — меннинг ожиз дўстгинам...

Ҳулки... Мен яна ер юзи одамларининг бир маҳалла аҳолисидек яшашига, тоғаларим, амакиларим, акаларимнинг; холаларим, аммаларимнинг ўз катта боболари Инсонни таниб олишларига ишонаман... Ушанда балки сен яна Ерга қайтарсан, рангин кулгинг билан қалбимга олам-олам қувонч олиб қайтарасан... Унгача... Менинг юрагим ғамгин, дардга тўлиб, сенга талпинади, талпинаверади... Митти юлдузгинам... ожиз дўстгинам...

ЖАНДАЧИНИНГ ҚУТИЧАСИ

Кун қиёмига етган. Ҳовли ўртасидаги, томига қора толнинг шох-шаббалари ёпилган шийпонда ўтирганлар бирин-кетин чўзилишди. Кун ўтмай, узун-узон, калта-калта хуррак отганча турли ҳолатларда ухлаб қолишди. Юмалоқ юзини темиратки босган, қоп-қора тоvonлар ёрилиб кетган ўн бир-ўн икки ёшлардаги бола ҳаммадан ҳам чўзиброқ, шиддатлироқ хуррак тортардики, эшитган одам, бечора ҳўп чарчаган экан-да, дейиши турган гап эди. Бироқ, ҳаял ўтмай бу шоввоз чап кўзини қия очди. Хуррак суръатини сира пасайтирмай чап томонидагиларини анча вақт кузатди. Уларнинг бари тошдай қотиб қолганига ишонч ҳосил қилгач, ўнг кўзини қия очиб ўнг томонидагиларини кузатди. Буёқдан ҳам кўнгли тинчигач, дик этиб ўрнидан турди. Ҳовли этагидаги девор томон юра бошлади. Деворга етгунча ҳозир ит-пит ҳуриб юбормасайди, отамми, аямми — ишқилиб, бирортаси уйғониб қолишмасин-да, деган хавотир-тахликада эди.

Ҳайрият, ҳеч ким уйғонмади.

Ҳатто, девор устидан мой тупроқ билқиллаган кўчага ўзини отганини ҳам ҳеч ким пайқамади. У тупроқ устига «гу-уп» этиб тушди. Юз-кўзи, яктагу шолвори чангга беланди. Парво қилмай ўрнидан турди.

Унинг бу кўчада учта тенгқур жўраси бор. Уларнинг исмлари: Шукур, Абдусаттор, Баҳриддин. Бир синфда ўқишади.

Айни пайтда бу уччовлондан бирортасининг ҳам кўчага чиқишидан чиқмаслик эҳтимоли кўпроқ бўлсаям, у ён-верига умидланиб қараб қўйди: ҳеч кимни топмади. Хувиллаган кўча, тупроқ, таппи ёпилган паҳса деворлар... Шу-да!

У деворнинг таггинасига ўтирди. Шундоққина орқасида, тирқиш оғзида ҳаллослаганча нафас олиб турган калтакесак шоша-пиша пинга уриб кетди. У буни кўрмади, кўргандаям парво қилмасди.

Мактабни соғиниб билан эслади...

Ёзги таътилга чиқишидан олдин муаллимлари: «Мактабни битириб ким бўлмоқчисан?»— деган саволни ўртага ташлади. Сўнгра ҳаммани бир-бир ўрнидан турғазиб жавоб кутди.

Навбат Баҳриддинга етди.

— Раис бўламан!— деди у негадир тўнғилаб.

Муаллим кулимсиради.

— Сен-чи?!— дея унинг партадоши Абдусатторга юзланди.

— Мен ферма мудирин бўламан!— деди Абдусаттор кўзлари аялақандай учқунланиб.

Шукур:

— Райкўм, райкўм!..— дея оғзини тўлдириб-тўлдириб, бир сўзни қайта-қайта такрорлаганида ўқитувчининг анча маломлагани юзидаги ифодалардан аён бўлди.

Учувчиликни, дўкончиликни, магазинчиликнию ҳисобчиликни танлаганлар ҳам бўлди. Муаллим уларнинг бариникиниям бош ирғаб маъқулар, ақалли бир оғиз бўлсин, ошиқча сўз айтмасди. Айримлар дом-мин дейишмади.

Унинг юраги гурс-гурс уриб, сабри тугаб борарди. Навбатим тезроқ етсаю танлаган касбинини айтсам ҳамма қойил қолади, ишқилиб, бошқа бироз мендан олдин айтиб қўймасин-да, деган хавотирли хаёлда ўрнидан туриб кетай-туриб кетай дерди.

Ахирри турди.

— Мен жандачи бўламан!— деди баланд овозда, атрофига ғоз қараш қилиб.

Синфда гурр кулги кўтарилди.

Муаллим ҳам кулди. Лекин унинг қиёфаси бирдан жиддийлашди ва:

— Нега жандачи бўлмоқчисан, Абдуманноп?— дея, меҳрибон овозда сўради.

У бу саволни кутмаганидан довдираб, гуноҳ устида қўлга тушгандай тугилиб қолди.

Шу-шу номи жандачи бўлиб кетди.

Ҳақиқий жандачи эса аравага қўшилган ёбисининг сағрисига тўқима қамчини битта-битта урганча, хирилдоқ овозини бор бўйича қўйиб, «оқ сақич, била-ак узук, кўзумчоқ-оқ... ҳо-о-ов!..» — дея бақириб бошқа ёқдан, чамаси шаҳардан келарди.

Унинг гилдираклари катта-катта мўъжазгина арава-си Абдуманноннинг кўзига нақ хазинадай кўринарди. Зебигардон дейсизми; игнатугма, узук, билак узук, игна, кўзумчоқ, ҳар хил тақинчоқлар... Э-ҳе, нимаки истасангиз топиларди-да, хуллас. Бари алоҳида-алоҳида, кишини дарҳол ўзига жазм қилувчи қутичаларда туриши-чи? Абдуманнон буларга сеҳрли қутичаларга қарагандай ҳавасланиб боққани боққан эди. Унинг назарида жандачи амаки дунёдаги энг бахтли одам кўринарди. Юзини тиканакдай соқол босган, ёз кунлари ҳам эгиндан енгенз иссиқ нимча-ю, пахталик иштон тушмайдиган жандачи амакининг қораси узоқ вақт ўчиб кетгудай бўлса уни тушларида кўриб чиқарди.

Абдуманнон ўзи бунёд этган тупроқ қалъаларни бир неча марта бузиб, тиклаб, ўз-ўзича ҳаммопиш ўйнаган бўлиб деворнинг сояси нариги томонга ўтиб кетганлигини ҳам пайқамай қолди.

Бир маҳал елкалари увишиб, бўйни қотиб қолганлигини ҳис этди. Бошини кўтариб уёқ-буёққа аланглади, аланглаётиб бирдан серрайиб қолди, у нимани кўрди дегу?!

Кўча адоғида жандачи амакининг от-араваси турарди. Ёбисининг пўхтаси симёғочга боғлоқлик эди. Жандачининг ўзи йўқ, чамаси бировнинг уйига чой ичгани кирган кўринади.

Абдуманнон ўрнидан сапчиб турди-да, Шукурларнинг уйига қараб югурди. Тупроқ қалъалар, ҳаммопиш жой-жойида қолиб кетди. Шукурни чақириб олишгаям заи баҳона топилганди-да! Шукур Баҳриддинни, Баҳриддин Абдусатторни айтиб чиқди.

Жам бўлишди.

Сўнгра келишиб олгандай гап-сўзсиз, сас-сабарсиз аравага яқинлаша бошлашди. Абдуманнон бошқаларни билмайдиган-ку, аммо ўзининг юраги ҳаяжондан гул-гул ураётганининг ҳар зарбини аниқ-таниқ эшитиб турди. У нафақат қандайдир қўрқинчли иш қилаётганидан,

балки хиёл ўтмай қутичаларга қўл теккизиб кўришидан, уларни яқиндан томоша қилиш имконияти туғилишидан ҳам шу ҳолга тушганди.

Тўртовлон икки томонидан ғилдиракларга тирмашганча аравага чиқа бошлашди. Ҳаммадан олдин чиқиб олган Абдуманноп арава ичига шоша-пиша кўз югуртирди-ю, ҳафсаласи пир бўлди. Негаки, уни маҳлиё эгган нарсаларнинг устига росмана шолча ёпилган, шолчанинг тўрт томонига тош бостириб қўйилганди.

Шукур нариги томондаги ғилдиракка тирмашиб чиққанди. Унинг кўзлари ён-теварақда аланглари-ю, қўллари шолча остида тими́рскиланарди. Ахир у оқ тусдаги бир қутичани суғуриб олиб ёқасидан яктагининг ичига ташлаганини Абдуманноп кўриб қолди.

«Жандачи амакининг туғноғичлари турадиган қутича бўлса керак»,— деб ўйлади ўзича. Сўнгра:

— Эй, қутичани олма!— дея шивирлади қаттиқроқ овоз чиқаришга ҳайиқиб.

Учовлон бу лаҳзада унинг сўзларини эшитмай, эшитсалар ҳам эшитмасликка олиб жуфтакни ростлашганди. Кўчани чангитиб энг олдинда Шукур борарди. Абдусаттор ва Баҳриддин ҳам ундан қолишмасликка ҳаракат қилишарди.

Абдуманноп ҳам ўзини шаппа ғилдиракдан пастга отиб уларнинг ортидан чопа кетди.

У етиб олгунча учовлон қаровсиз қолган мачит пешайвопида ҳарсиллаганча нафас ростлашарди.

Абдуманнопга жўраларидан бирортаси бир оғиз сўз айтишга улгуролмади. У Шукурнинг қўлидаги қутичага чанг солиб, уни тортиб олиб қўйди.

Жўралари буни кутмаганди.

Бир зум серрайиб қолишди.

Сўнгра ранглари бўздай оқарди.

— Э-ҳа!..— деди Шукур қошини чимириб.— Бир ўзинг олмоқчи экансан-да!

— Тайёрга айёр!— Абдусаттор қўшилди.

Баҳриддин бир четга «чирт» этказиб тупурди ва қисқагина қилиб:

— Кўрамиз!— деб қўйди.

Улар ортига тисарилаётган Абдуманноп томон юра бoшлашди. Абдуманнопнинг юзи оппоқ оқарган, лаблари алланечук юпқалашгандай, дир-дир титрар, кўзлари ўт бўлиб ёнарди. Таяқбичи учовнинг ҳам ундан қолгулик жойи йўқ эди.

Абдуманноп тисарила-тисарила бориб пешайвон устунини ушлади ва шарт бурилиб ерга сакради. Жандачининг араваси турган томонга қараб чушонам югурдики, уни қуваётган шериклари анча ортда қолиб кетишди.

Абдуманноп аравага етиб ҳали Шукур чиққан гилдиракка тирмашди. У Шукурнинг қўл суққан жойини тахминлаб ўша ерга — шолча остига қутичани тикка бошлади.

Югуриб келаётганлар бирдан тўхташди. Уларнинг нигоҳи Абдуманнопнинг орқа тарафидан, наставкина эшикчадан чиқиб келаётган жандачига тушганди. У негадир парвойи фалак қадам ташлар, беш-олти одим нарида аравасининг гилдирагига тирмашиб турган Абдуманнопни чамаси кўрмасди. Арава гилдираги азалдан шунақа бўлади-да, дегандай бунга эътибор бермаётганга ўхшарди.

Аммо у синч солиб келаётганди.

Барибир, Шукур тоқат қилолмади.

— Ўғрини қаранглар, ўғрини!— дея бақириб юборди, кўрсаткич бармоғини арава томон чўзиб.

Жандачи амаки саросималаниб қолди.

Абдуманноп ортига ўгирилмай гилдиракдан сакраганида бемалол қутулиб кетарди.

У ортига ўгирилди.

Бу чоғ жандачи этигининг соқисидан хира ёбисини йўлга соладиган тўқима қамчисини олиб улгурган эди.

Абдуманноп энди сакрайман деганда орқасига тушган кучли қамчи зарбидан ўзини ўнглолмай ерга ағдарилиб тушди. Елкаси-ю, кураклари ораси жизиллаб ачишди.

— Ў, қисталоғ-ей!— хитоб қилди жандачи.— Бир қарич бўйи билан етти иқлим танийдиган аравани ўмармоқчи бўпти-я!..

У, болакайнинг бундай қўрқинчли ҳаракатга қандай жазм қилганига ҳайрон бўлиб анқайиб турувди, Абдуманноп тура солиб қочди.

— Қаёққа? Қаёққа?— деб қолди жандачи амаки арпа дўғи уриб.

Абдуманноп қайтиб келганида шийпондагилар ҳамон чивинга таланиб, узун-узон, калта-калта хуррак отганча ухлаб ётишарди.

У ўз ўрнига чўзилиб, хаёлга берилиб кетди.

АДОКСИЗ ЙУЛЛАР

Пушти чакмон кийган Матқовул бобо пиёладаги совиб қолган чойдан бамайлихотир хўплади. Бобоси дағал кафтини саккиз-тўққиз ёшлардаги набирасининг елкасига охишта қўйган ҳолда сўзида давом этади:

— Жарқин подачи бўларди: қорни қалин демай, тиззадан демай, ҳавонинг совуғига, изғиринига қарамай, подани бир айлантири-иб, оёғининг чигилини ёзиб келарди. Нолимасди. Совқотмасди, совқотсаям билдирмасди — элга хизмат осон ишмас-да! Эндиги подачи-чи?!— У ҳафсаласиз қўл силтайди,— гапирай десанг тилинг, гапирмай десанг дилинг куяди. Ёир этган шамол қўзғалса танчага кўмилиб ётиб олади-я совуқ уриб кетгандек. Эл қатори ризқини териб юрибдими?! Юрибди. Куни ўтянтими?! Утяпти. Одамнинг айтганини қилмайди холос. «Қор тушди, энди пода далага чиқмайди»,— деб куни-кеча ирғай таёғини бостирманинг шифтига қистирган подачи қаршисида ўтиргандеку Матқовул бобо унга танбеҳ бераётгандек эди.

— Сигирни сотиб юборсакмикан?!— пойгаҳда чўккалаган Матқовул чолнинг куёви, Давроннинг дадаси гап қўшди. У униқиб, рангини йўқота бошлаган қоралас чопоннинг устидан қийқ боғлаб олган эди. Соқоллари ўсиб кетган, кўзлари ҳорғин. Унинг тиззаси устидаги қўллари чангадек, бармоқлари эгри-бугри. Чавандоз бўлган-да! Кўпкариларда бармоқлари синган, торт-тортларда чиқиб кетган. Анча бўлди кўпкарида чопмайди. Лекин овозасини узоқдан эшитса ҳам юраги

қалқиб туради. Чавандозларнинг уч-тўрттаси бир жойга тўпландими, тамом, говгумдан эрта тонггача гурунг... «Э, гурунгдан олинг-э!»—деб қўйишади яна бир-бирларига. Матқовул бобо: «Юрдим-юрдим, кўрдим-кўрдим, қанча юрт кездим, қанча одам кўрдим, чавандозлардек танти, мард элни учратмадим»,— дейди. Матқовул бобо ҳаммагаям қойил қолавермайди-да!

— Қулогини кар қилманг, эрта-индин туғаман деб турибди,— ошхонадан Давроннинг аяси овоз берди.— Оқликка ярайди-ку!

— Тўрт оёқнинг устида юмаламай турса, бир иложини қилиб боқасизлар-да!— Матқовул бобонинг ҳоври пасайди.— Бир-икки қопчиқ ем олиб қўйингизлар. Ут-ўланларда жир қолмаяпти...

Давроннинг аяси сопол товоқда туна олиб кирди. Товоқни дастурхон ўртасига қўйиб обдаста, дастшуй келтирди. Овқатланиб бўлишгач, Матқовул бобо ўрнидан қўзғалди. Кетаётиб дарвоза олдидаги ажриқзорга арқонлаб қўйилган сигирнинг елигини ушлаб кўрди. Қўзларини сал қисиб осмонга қаради, ўзича ҳадду-ҳисоб қилди, тахминлади: «Эҳтиёт бўлиб туришлар, ҳадемай туғадилар»,— деди эшакка минаятиб.

...Оғнига жинчироқ осиб қўйишди. Бир ҳафтагача мишжа қоқмай туну кун кутишди. Бир кеча ҳаммалари чарчаб, шалойим бўлиб донг қотиб қолишганда Даврон туш кўрди. Кейг дала эмиш. Тепада қуёш нур сочармиш. Даврон пешонаси қашқа бузоқчасини тепа ён бағрида ҳайдаб юрганмиш.

Бедор бўлган Даврон бирпас саранг туриб қолди. Болорга осилган симдаги ёғчироқ хирагина липиллайди, бурчакка узун-узуи, шифтга айлана-айлана соя ташлайди... Даврон аясини туртди:

— Ая-я!

Аяси дарров бошини кўтарди, ухлаган-ухламаганини Даврон дарров билолмади.

— Ухлаб қолибман-ку,— аяси бир нимани бой бергандек таассуф билан шошилинич сўзлади.— Хо-ой, Даврон,— ўз наватинда эрини туртди.— Туринг! Турсангизчи! Хабар олинг би-ир...

Дадаси уйқусираб гудранди, сўнг устига совуқ сув кўйилгандек сесканиб ўрнидан турди. Елкасига чононини ташлаб, индамай ташқари йўналди. Уй ичи жимжит. Ёғчироқ липиллаб, ташланаётган соялар янада ваҳимали кўринди. Даврон нафасини ичига ютиб, дадасининг қайтиб киришини бесабрлик билан кута бошла-

ди. «Юзгача санасам келади!»— деб ўйлади. Санай бошлади. Адашиб кетди. Қайтадан киришди. Санашга шунчалик берилиб кетган эканки, шовқин солиб кирган дадасининг овозидан сесканиб туриб кетди. Ҳаяжонланганидан юраги қинидан чиққудек дук-дук урар, ўзини босиб ололмасди...

— Турларинг, ҳо-ой туринглар!— дерди дадаси ҳайқириб.— Турларинг! Туғибди! Ўзи ялаб-юлқаб, тозалаб қўйибди!

— Эркакми, урғочи!— тўзиган сочларини шоша-пиша йиғштириб рўмоли остига саросималаниб тикаётган аяси беихтиёр сўради.

— Э-э, ким қараб ўтирибди шу маҳал!

Шундай деб чиқиб кетди. Унинг юзидаги қувонч, бахтиёрлик Давронни шодлантириб юборганди.

Субҳи содиқ. Сигир оғилнинг ўртасида тик турар, гоҳ-гоҳида бузоқчани қизганаётгандек, депсиниб қўярди. Даврон бузоқчани даст кўтариб уйнинг тўрига, похол устига қўяётган аясининг ортидан чопади, қувончини ичига сиғдиролмайди. «Оёққа тургунча-да!— Аяси уй бурчагига қозиқ қоқиб бўлиб, Давроннинг эски кўйлагини бузиб тиккан бўйинбоғини бузоқчанинг бўйнига солди.— Эрта-индин чопқиллаб кетади, тутқич бермайди».

Уларнинг шодликлари чек-чегарасиз эди. Сигирнинг фалласи ариб сутга киришини кута бошлашди. «Бир-икки кун ўтса... мазза!»— ўйларди Даврон...

Бир кун ўтди, икки кун ўтди, бузоқ қимирламай ётарди. Хавотир-таҳликага тушишди. Давроннинг аяси бузоқчани кўтарганда юраги ториқиб, умидсизликка тушар, билагидан дармон кетар, мажолсизланарди.

Бузоқча эса...

Ҳамон ўша, гўё икки кун эмас, қанча ойлар, қанча йиллар илгари ҳам худди шу ҳолатда ётгандек... Онасининг олдига кўтариб киришиб, авайлаб похол устига қўйишар, у чўзилиб олар, ётган кўйи эмишга ҳаракат қиларди. Сигир боласини ҳидлар, ялар, тумшугини почорлик билан ишқай-ишқай кўзлари ғилтилларди. Уларни ғам босди. Не қиларини билмай оғилда куймаланаётган аяси Давронга:

— Бориб бобонгни эргаштириб ке,— деди, овози қовжираб чиқди.

Давронга жон кирди: «Мана бу бошқа гап! Матқовул бобо келиб кўрсин-чи, бузоқча турмай ҳам бўлти!».

Тепаларда ўтлар сарғайиб, қовжираган. Барг тўккан яланғоч дарахтлар сўппайиб туришар, ҳаво очиқ, иссиқ эди. Даврон тепаликдаги тупроқ йўлдан нариги қишлоққа — бобосиникига кетди.

«Тезроқ, тезроқ! — дерди ўзига-ўзи. — Бобомни тезроқ чақириб келай! Бузоқчамга нима бўлганини айтиб берадилар бобом. Даболайдилар. Ундан кейин... Аям айтмоқчи, сигиримизнинг фалласи ариб, сутга киради, оқликка сероб бўлиб қоламиз».

Сабри чидолмай югурди. Ўзига ҳаво тўлиб, ўпкаси шишиб, ҳарсиллаб югурди, югурди...

Қишлоқ бир-икки чақирим чиқар-чиқмас эди. Даврон кираверишда, йўл бўйидаги чойхона олдида тўхтади. Бобоси баъзан: «Чойхонага чиқиб келай», деганича қора шомгача уйга қайтмаслигини эслади. Балки ҳозир ҳам бирортасига ган бериб ўтиргандир. Остига тупроқ бостирилиб андаваланган зиналарга қадам қўйди. Чойхоначи йиғламоқдан бери бўлиб турган болаларникидек ёйилган ялпоқ юзли, белбоғи семиз қорнининг остидан сириб турган хумкалла одам эди. У кўмири яримлаб қолган челақни ерга қўйди, самоварнинг қопқоғини ёпиб, кафтларини шимининг орқасига артди, шундан сўнггина Давронга лоқайд назар ташлади:

— Матқовул чолнинг неварасимисан? — деб суради.

— Ҳа.

— Нима гап?

— Бобом... — Давроннинг товуши негадир қалтиради. — Келганлари йўқми?

— Йўқ-ку?! — Чойхоначи: «Нима қилай, бобонгнинг келмаганига мен сабабкор эмасман-ку», — дегандек кифт қисди. Давроннинг ҳафсаласи пир бўлиб, ортига қайтаётганини кўриб уни тўхтатди:

— Тегирмонни қара, бача. Тегирмончи бобонгнинг ошнаси-ку?! Гивиллаб юргандир ўшатта!

Даврон сой ёқалаб пастга тушаётганида кўнглида ўзи билмаган, англамаган ҳис-туйғулар урар, аллақандай ёқимли, аллақандай нохуш эди бу! Тоғ тарафдан шиддат билан келаётган сув тепадан пастга отилиб гулдирайди. Баланд-баланд ўсган мирзатераклар, бири-бирига қапишиб кетган сертикан наъматак, ёввойи жийда каби дов-дарахтлар ўртасида тегирмон томи кўринади. Нарироқдаги ботқоқлик бўйида ўтлаб юрган Матқовул бобонинг эшагини кўриб, Даврон терисига сигмай кетди. У осма кўприкдан ўтиб, тегирмонга яқинлашди, ичкари кирди. Икки тарафда қопчиқлар устма-

уст тахлаб қўйилган: бир тарафда тегирмондан чиққани, иккинчи томонда чиқмаганлари. Юқоридан қайроқчи бугдой ипдек тизилиб тушарди. Улкан тошнинг гувуллаши остида Матқовул бобо билан жиккаккина тегирмончи чол нималарнидир бақириниб гаплашмоқда эдилар.

— Бобо, ҳо-ой бобо!— Даврон чақирди. Матқовул бобо эшитмагач, бориб этагидан тортди. Бобо ўғирилди. Оппоқ соч-соқоли, қорамтир юзи гард-оппоқ гард: кўзлари қорғин, лекин мамнуи...

— Болам, бобонинг йўқлаб қолибсан, баҳай...

— Юринг экан, бобо! Бузоқчамиз ўридан турмаяпти.— Давроннинг овози томоғидан йини аралаш хирқираб чиқди.

Чолнинг юзини таниши аломати эгаллади. Кўзларини бир муддат аллақасерларга қадаб турди. Давроннинг бошини силади:

— Нега, бўтам?

— Билмайман... билмаймиз...

Матқовул бобо ташқарига чиқиб уст-бошини қокди. Тегирмончи билан хайрлашди. Давронни орқасига мингаштирди. Улар чойхонага яқинлашди. Баланд супага кун тиги тушиб турарди. Чойхоначи кўрпача устида узала тушиб ётар, қорни очилиб қолганди. Олдидаги чойнакка дўпписини кийгизиб қўйганди.

— Эрта-ю, кеч чўзилиб ётишдан бошқасини билмайди,— ўз-ўзига гапираётгандек тўнгиллади Матқовул бобо,— пастки ерларни чопиб, юмшатиб, ҳовлини гулзор қилув юбормайдими-а?! Йўқ. Ётади қоринни очиб, минг қўйлик бойдек.


Чойхоначининг мудроқ нигоҳи илкис уларга тушди, уялганидан ўридан турди. Уёқ-буёғини тўғрылаган, тузатган бўлди.

— Ҳа-а. Матқовул бобо, ошпангизнинг олдидан тез қайтибсиз?!— дейди салом-аликдан сўнг. Ялноқ юзи янада ёйилади. Хилма-хил ифодаларга тўлади. «Уҳ, одамнинг юзи қанча-қанча ифодаларни акс эттиради-я,— дейди Матқовул бобо Давронга.— Юз тилдек гапиради, китобдек ўқилади...»

Даврон бу гапларга тушуинмаса-да, Матқовул бобо ҳаминша рост гапни айтганидан ишонади.

— Қелинг, Матқовул бобо, битта кўк чой ичинг, аччиққина,— чойхоначи манзират қилади.— Ҳозиргина дамладим....

— Вақт йўқроқ, мулла Азим.



— Йўл бўлсин. Бобо-невара бир эшакка миннши-иб... Нариги қишлоққа-я чамаси...

— Ҳа-а... Куёв ёру дўстларини чақиртирган экан,— Матқовул бобо истамайгина сўзлайди.— Қўйни ўз қўллари билан сўйсинлар деб, неварамни менга юборибди..

Чойхоначи жим бўлади, индамайди. Агар: «Бузоқча туролмаяпти экан, шунга кетяпман»,— деганида, аввал қотиб-қотиб куларди, «куёвингиз ҳам ношудроқ», деб роҳатлангану бобо ва набира дилини хуфтон қилган бўларди. Даврон бобосининг ёлгон сўзлаганини ҳеч эшитмаганди, ҳангу манг бўлди. Айни чоғда қалбидаги маъюслик ўрнини фахр, ғурур эгаллаганди. Йўлларида кетишди. Матқовул бобо жим. Даврон жим. Ўз хаёллари билан банд улар. Етиб келишгач, Матқовул бобо дарҳол оғилга кирди. Бузоқчанинг бошидан кўтарди. Думидан тортиб кўрди—бефойда. Унинг олдинги оёқларини ёзиб, товонини силаб-сийпади. Секингина хўрсинди...

Энди сигир ҳам боласига қарамай қўйган. Майиб-мажруҳ бузоқчанинг унга кераги йўқдек. Даврон бузоқчанинг бошини силаб, чиройли кўзларига тикилди. Юраги тўлди. Сутга сероб бўлиб қолишлари ҳақидаги орзуси, қаймоқ ялашга бўлган ҳаваси синди. Бузоқчанинг кўзлари қоп-қора, катта-катта, ғилтиллаб ёшга тўлиб турарди. У атрофдагиларга, сут бермай қўйган онасига ҳайрона-ҳайрона боқаётгандек эди. Онаси елинини тутиб турганида, ялаб-юлқаганида шол бўлиб туғилганини балки хаёлига ҳам келтирмасди.

У бузоқча эди. Кўзларида ёш думаларди лекин...

— Бузоқ шол бўлиб туғилибди,— деди Матқовул бобо. Кейин индамай чиқиб кетди.

Даврон аясига қаради. Унинг юзи ғамбода, кўзлари ич-ичига ботган, бузоқчани кўтариб уйга олиб кираётганди... Сўнгги умид билан.

Ёгчироқ хирагина липиллайди... Шамол, шамол... Бузоқчанинг кўзлари катта-катта очилганича қолган...

Бозор куни эди. Саҳарда аяси Давронни елкасидан аста-секин силкиб уйғота бошлади:

— Даданг қараб қолди, ўғлим, тур...

— Озгина ухлай... Ҳозир,— Даврон ғингшиди.

— Келиб ухлайсан энди, болам. Кундузи билан ухлайсан...

Уйқу ғолиб келади. Аяси боши устида бир зум ўйланиб турар, яна секин-секин туртарди:

— Тур! Туриб юбор-чи, ҳоппа деб, даданг қараб қолдилар...

Даврон турди, кийинди, кўзларини уқалаб-уқалаб ҳовлига чиқди. Ҳаво очиқ бўлса-да, совуқ эди. Давроннинг бадани қалтираб, тишлари такиллай бошлади. Аяси оғилнинг эшиги олдида чироқ кўтариб турди.

Дадаси сигирни етаклаб чиқмоқда эди.

— Орқасидан ҳайда, ма-а, хивични ол!— У Давроннинг қўлига тол навдаси тутқазди. Аяси дарвоза олдида қолди. Улар то кўздан йўқолгунча қараб турди. Ётай деса уйқуси келмади, уйларни супуриб-сидириб қўяй деса... Давронлар йўлда! Қўли ишга бормай, ўйланиб хаёл суриб ўтираверди...

Улар ортидан эргашган қора ит тош йўлгача борди. Қўйиб берса, ортларидан кетаверади, лекин Даврон уни қайтарди: «Бор, Қоравой! Уйда ҳеч ким қолмаган, борақол!» Ит калласини ҳам қилиб, думини силкита-силкита тумшуғини Давроннинг оёқларига суркаб ёнгини, гапга тушунди, ортига қайтди...

Йўлнинг икки чеккасида кўмилган тоқлар қорайиб кўринади. Тоқзорлардаги яккам-дуккам дарахтлар — ўрик, нокларнинг шохлари шипшипдам, маъюс ҳолда нималарнидир ўйлашаётган, хаёл суришаётганга ўхшашади... Сувсиз ариқлар хазонларга тўла. Осмонда юлдузлар гуж-гуж. Ой ҳалқаси юксалади. Йўлнинг адоғи кўринмайди, йўл узун, узун...

Мол бозори олди чанг-тузон, биров «ча-ча»лаб эчки ҳайдаб кияпти, бири худди шундай деб эчки ҳайдаб чиқяпти: яна биров қўй ҳайдаган, бирови сигир...

Дарвозадан киришлари биланоқ бир тўп одам уларни ўртага олди. Булар ҳурпайган телпаклар, оғир чакмонлар кийишган жиддий қиёфали савдогарлар: кўзлари олма-кесак терган, қошидан тортиб мўйловигача асабий, айёрона титраб турган мол жаллоблар, тилининг тагига нос ташлаб шунчаки бекорчиликдан санғиб юрганлар, алмойи-алжойи сўзлар айтиб шу билан бир наф кўрмоқчи бўлганлар, хуллас, нимаси биландир ажралиб турадиган ҳар турли одамлар эди. Улар сигирнинг оғзини очиб зингил солиб қарашар: «Ёши нечада?»— деб илкис савол ташлашар, жавоб ҳам кутмай иккинчи қўлларини елкасига югуртиришар, ҳатто соғиб кўришар, алоҳа, нарх-навосини пасайтириш учун бир қусур излашарди... Баъзилар янги келган молни ўртага олиш учун ўзларини дарвозадан кириб келаётган киши томон отишди, баъзилар тарқалишди...

— Барака денг, барака денг!— Тор пешонаси остидаги иккита чуқурчада симобдек ўйнаётган кўзларини

сигирдан узмаган ҳолда Давроннинг дадасининг қўллари қаттиқ-қаттиқ силтаётган ямоқ-ясоқ чопон кийган бир киши жаврарди:—Мана-а шу-у болага! Бернинг энди-и! Узимизнинг одам. Етимча, камбағалгина, фақиргина.

— Фақирмиз, фақирмиз!—Йигирма беш-йигирма олтилардаги сан-сарик йигит «етим» қийшагларкан, миширлади.

— Барака топинг, уч юзга-а!

— Йўқ, бўлмайди.

— Камбағалгина йигит...

— Камбағалмиз, камбағалмиз!

Йигит бу сўзларни, нима деяётганига умуман этибор бермай айтди, унинг фикри-зикри, ўю-хаёли сигирни олишда эди.

— Уч юз-у... ўн...

— Йў-ўқ...

— Етимча, якка бола...

— Етимчамиз, яккамиз!—Йигит бу сўзларни ҳам ҳамон фикру ўйини бир жойга жамлай олмай айтди.

Давроннинг юраги сиқилди. Сигирни тезроқ, арзонгина бўлса ҳам дадаси сотиб юборишини кута бошлади. Кўз олдини хира туманлик қоплади. Туманлик орасидан бузоқчанинг мунгли кўзлари пайдо бўлди. Аясининг сўлғин чехраси... Жавраб саннаётган одам... Барибари айқаш-уйқаш бўлиб гавдаланиб турарди...

Дадаси ҳамон жим.

— Бернинг уч юз ўнга! Қаллангизни лиқиллатманг-да энди! Инсоф қиялман, инсоф! Узимизга ўшаган чуруккина одам кўринасиз. Бернинг энди уч юз ўн кккк-ўн уч...— қисталаг қиларди.— Ун беш,— деди у охири тантанали оҳангда, ҳарсиллаб.

— Э-э, бор-ей!— Давроннинг дадаси қўлидаги арқон ерга сирғалиб тушди.— Бераним етимчага.

Ямоқ-ясоқ одамнинг юзи ёришиб кетди, қилганслаб, кафтларини бир-бирига ишқаб, ёнидаги йигитга им қоқди.

— Эй, унақа деманг!—Йигит «етим» сўздан орланиб, Давроннинг дадасига чақчайди.— Бошимизда бобой, момойимиз борлар! Хана бўламиз-а....

Сўнг пул санай бошлади.

— Бизга беш берасиз! Беш берасиз! Кўкидан!—Ҳалиги одам Давроннинг дадаси узатган уч сўмликни қайтараркан, илжайди:— Бу кишининг бешликлари йўқ экан, бернинг бу кишига. Менга қизилидан берадилар,

ўзларишикиннам қўшиб... Бўйинбоғни оласизми? Тура-
версаям бўлар, зекисина экан, қаранг, чириб ётибди,
уваланиб кетибди, ишлатиб бўлмас... А? Шундайми?!
Майли... майли... Таомил-да, таомил...

Бўйинбоғни, арқонин сумкага солиб, бозордан чи-
қишди.

Давроннинг дадасини боши қуйи эгилган, жим ке-
тишяпти... кетишяпти, кетишяпти... Йўлнинг поёни йўқ...
Йўл узун... Адоқсан...

Бу йўлларда Даврон каттариб қолаётганини ҳис этар,
ойисининг, ладасининг, укаларининг изтиробин, Матқовул
бобонинг кечор бош эгиши, шол бузоқча—ҳамма-ҳам-
маси юрагига ўзи бидмаган, англамаган туйғуларини
қуяр, болалигининг шўх-шодон оллари ҳам энди қайт-
масдек эди...

ТАНДИРЧИНИНГ АРМОНИ

Султон тандирчининг топган-тутгани — тўрт томони пахса девор билан ўралган, томига қамиш ташлаб, чим бостирилган уйчаю тоқчалардаги сопол, мис идиш-оёқлардан иборат эди. Булар ҳам отасидан, бобою бобокалонларидан мерос. Аёли боқийга рихлат этиб, қизни узатилиб кетгач, тандирчи анча фўрсат гангиб, ҳовлисини қаровсиз қолдириб эди, бора-бора эрмагига айланди — ҳовли саҳнида беҳуда ётган хасни кўрса ҳам дили ғашланадиган бўлди.

Молу ҳолларини сотиб қизига сарупо қилиб юборган, бир озини қийиқнинг учига тугиб, сандиққа ташлаб қўйибди — оёғи узалгудек бўлса, асқотар; кўзи очиклигида ўзини хор қилмаган одамки бор, бу ҳақда ўйламай вложи йўқ.

Эшак қолган, уям қари.

Қишлоқ четидаги Қизилтепани ҳам Султон тандирчиники дейишарди. Қизилтепанинг турган-битгани гулбўта¹дан иборат. Ўт-ўлан-ку, майли, беор ўсимликлар — янтоқ, шuvoқу жингилнинг уруғи ташланса ҳам унмайди. Илгарилари қўшни қишлоқлардан тандирчилар, кулоллар келишиб гулбўта чопиб кетишарди — энди улар йўқ. Қазиб олинган гулбўтадан ҳосил бўлган катта-кичик чуқурликларгина уларни эслатиб туради.

Султон тандирчи — қотма, кўк кўзлари ҳорғин ва хаёлчан, бошини сал қимирлатса, йўғон-йўғон бўйини

¹ Буюмлар ясаладиган қизғиш тупроқ (шева).

томирлари одамнинг ғашини келтирувчи, узун-узун бармоқларини ҳатто қулоқ супраларини майин жун босган калта соқолли чол. У субҳи содиқдаёқ эшакнинг устига хуржунни ташлаб, Қизилтепага отланади. Дарвозалардан акиллаганча югуришиб чиққан итлару елкасига чопонни елгагай ташлаб, бирор дарахт панасида таҳорат олишаётган чолларгина кузатиб қолишарди...

Султон тандирчи эшагини янтоқзорда тушовлаб қолдиради. Хуржунни қўлтиғига қистириб, гулбўта чопиш учун ўнгайроқ жой баҳонасида Қизилтепани айланиб чиқмаса, кўнгли жойига тушмасди.

У битта-битта қадам ташлаб юради. Чуқурликлар, камарчалар олдида тўхтайтиди. Энкайиб, зингил солиб қарайди. «Буни қачон кавлаган эканман-а?» деб ўйлайди. Фалончиникига — пистончиникига, дея санаб бориб, охири топади. Юришда давом этади. Юриб-юриб тепаликнинг машриқ томонига келиб қолади. Бирорта чуқурликни танлаб, унинг қирғоғига хуржунни тўшайди. Утириб қуёшнинг чиқишини кута бошлайди. Бир-биридан ғаройиб, бир-бирига сира ўхшамайдиган ўй-хаёллар миёсида чарх уриб кезинаверади.

«Қуёш ботади, чиқади, чарчамайди, қаримайди,— деб ўйлайди.— Бора-бора тандирчилар, кулоллар Қизилтепани қазиб-қазиб адо қилишар, ўшандаям қуёш ботаверади... Одам ҳам қуёшнинг бир зарраси дегувчи эди отам. Лекин мен бу ерга, мисол учун, минг йил, икки минг йилдан кейин бирор марта бўлса ҳам келиб ўтирармиканман?! Келсам керак. Баъзан шундай бўлиб туюладики, минг йил олдин ҳам шу ерда ўтиргандекман... Кунчиқар уфқини аввал оқиш нур чулғаётганини ҳам ўшанда кўргандекман... Юрагим худди ҳозиргидек ҳаприқиб кетарди. Уфқ ёришишга улгурмай, унинг қаршисидаги шаффоф чўққилар устидаги осмонга тигдай нур тушарди...»

Тандирчининг дили ёришиб ўрнидан туради.

Иш бошлайди.

Аста-секин қизишиб, ишдан бошқа ҳамма нарсани унутади. Яктаги икки курагининг ўртасига чиппа ёпишиб, елкалари ачишади. Хуржун тўлгандагина тин олади.

Эшагини буюртмачининг уйига қараб ҳайдайди. Ўзи унинг ортидан лўкиллаб пиёда жўнайди. Йўл-йўлакай белидаги қаватма-қават қийиқларидан бирини ечиб олиб, юз-кўзларини, бўйнини арта боради, соқолини бармоқлари билан тарайди.

Аксарият буюртмачиларнинг уйидагилар эндигина нонушта қилаётган бўлишади.

— Э, тандирчи бобо! Аллақачон Қизилтепага ҳам бориб келдингизми?! Жудаям саҳархезсиз-да!— Уни хуш-хандон қаршилаб, олдига косада сут, товоқда қаймоқ қўйишади.

Султон тандирчи қотирмани яхши кўради. Қишлоқда буни билмаган одам йўқ. Буюртмачининг аёли эсли бўлса, эрга туриб қотирма пишириб қўяди.

Тандирчи индамай овқатланади. Нимаям дейди?!

Қуёшнинг чиқишидан олган таассуротларидан ҳам кучлироқ, муҳимроқ гап-сўз бўлиши мумкинми?!

Қорин тўйгач, ўрнидан туради. Супурги сўрайди.

«Ўзимиз... ўзимиз...»— уй эгалари унинг атрофида хижолатомуз гирдиқаналак бўлишади. Султон тандирчи ўзи тозалаб, супурмаса кўнгли жойига тушмайди. «Боринглар, ишларингизни қилаверинглар!» дейди. Маҳсисини ечиб ташлайди. Иштонининг устидан канопдан тўқилган чолворини кияди. Чолвор кирланиб, асл ранги билинмай кетган. Чолвор билан у тупроқ демай, лой демай— тўғри келган жойга ўтираверади. Белкуракчасини ҳам ана шу чолворга артади...

Ўзи супуриб-сидирган супада чордана қўради. Тиззалари орасига патила-патила эчки юнглариини уяди. Чувий бошлайди. Гулбўтага яхшилаб аралаштиради. Сув қўшиб лой қилади.

Шундан сўнггина асосий иш бошланади.

Икки қўлини белининг устига қўйганча, энкайиб, пишиллаб озгина лойни кун бўйи тепади. Кечқурун лой бўйнига занжир солинган қулдек итоаткор бўлиб қолади. У тандир ясашга киришади. Ичида саксовулми, жингилми, тоқкуллами гуриллаб ёниб турган, ҳали қуримаган тандир сиртига Султон тандирчи тахтача билан турли-туман шаклу шамойилларни туширишга ишқибоз эди. Бу машғулотга шунчалик берилиб кетардики, ён-атрофда тўдаланиб, унинг ишнини томоша қилишаётган одамларни ҳатто пайқамасди.

Кечқурун эшакнинг устида теракдек бўлиб ўтирганча ҳориб-толиб қайтар экан, ортидан болалар чуввос солишиб, анча жойгача эргашиб боришарди:

— Дароз бобо!

— Оёғингиз ерга тегяпти...

— Эшагингиз ўтириб қолади ҳозир.

Тандирчи улардан хафа бўлмасди. Илжайиб қўя қо-

ларди. «Нега бундай дединг?»— дея болаларнинг қулогидан чўзиниётган катталарга:

— Қўйинг, бола-да,— дерди. Уларни шаштидан туширарди.

Бора-бора қишлоқ кенгайверди. Нон дўконлари пайдо бўлди. Хотинларнинг қўлчилиги нон ёнишга вақт топмай ҳам қолди — иш, болалар...

Султон тандирчининг негадир тепа сочи тик бўларди.

— Темирда пиширган нонда маза-матра бўладими?!— Ҳеч кимга айтмаса-да, ўзича ғўнғилларди:— Тандир бошқа! Шох-шаббалар гуриллаб қизитган тандирнинг нони қаёқдаю магазинники қаёқда? Бўлди энди, бас, тандир-пандир қилмайман. Ясаган тандирингнинг ичида ўт ёниб турмаса нима кераги бор?!

Нафсониятдан ташқари, аслида, чолнинг дармони тобора қуриб борар, тандир қилишда унда илгариги куч-қувват ҳам йўқ эди. Тандирчиликни бас қилди. Аммо субҳи содиқдаёқ ўрнидан туриб Қизилтепага боришни, қуёш чиқишини томоша қилишни канда этмади. «Султон ота,— дейишди унга,— Қизилтепага қуруқ қўл билан бориб келаверманг, кўза-пўза ясаб туринг. Бизга асқотади. Айниқса, ёз кунда. Даладан чанқаб келганда обреза муздек турган кўзадан сув ичишга нима етсин. Савобга қоласиз».

Султон тандирчи анча вақт бу гапга рўйхуш бермагандек, аччиқланиб юрди. Кўнглининг бир четда эса, «шу ишга бир чоғлансам, ҳарҳолда тандирга қараганда сийилроқ» деган фикр ҳам йўқ эмасди.

Яна ишга киришди.

Нурсиз кўзларида аллақандай ўт йилтираб кетди.

Тароватини йўқота бошлагандек кўринган уйлар, дарахтлар, қишлоқ кўчалари яна жонлангандек, ҳаёт нафасини уфураётгандек бўлди...

Бу манзара онийлигича қолди. У ясаган кўзаларнинг ҳеч эни йўқ эди.

«Сиз гулбўта!» деб қўярди секин, бир уюм кераксиз шақир-шуқурларга маънос термулганча.

«Э, Ҳуштакчи,— деди бир кунни ўзига ўзи.— Мана, Қизилтепани ташиб-ташиб орттирганинг...»

«Ҳуштакчи...» Қайфи йўқ чоғларда ўзини шундай атарди.

«Тур, ўғлим, эрта турганинг хосияти кўп бўлади,— қачонлардир отаси унга шундай дер эди,— қуёш чиқмай Қизилтепага етайлик...»

Отаси тандирга андармон, у ҳуштак ясаш билан овоз-
ра... Ҳамма боланинг қўлида унинг ҳуштаги... Қиш-
лоқнинг турли томонида басма-бас чиқаётган чурилла-
ган овозлар....

«Бу ҳуштакчи бола дастидан уйқуям йўқ. Кўз энди
илинганда чуриллатиб қолади»,— дейишарди одам-
лар.

Дарахтлару қушлар, осмон, булутлар, қишлоқ кўча-
лари, уйлар, Султон чолнинг назарида худди болалиги-
да бўлгани каби ғаройиб сеҳрга бурканди... Бўлди, ҳам-
масини йиғиштиради. Одамларга қорин тўйдириш бўлса
бас — тандир ноними, магазинникими — фарқи йўқ
уларга!

Қизилтепаниям Султон тандирчи чопиб адо қила-
дими, ер ютиб кетадими, ишлари йўқ!

Бўлди энди! Кўзаданми, ариқданми — чанқоқларини
бостиришса шунга хурсанд бу одамлар. Ҳуштагини ясаб
юравериши керак эди у! Ҳалиям кеч эмас!

Чол ҳаяжон билан қўлига лой олди, қанча вақт ўтиб-
дики, қаранг, ёдидан кўтарилмаган экан, ясаган ҳуш-
таклари бинойидай чиқди.

Энди у кўчага ҳар куни илжайиб чиқар, атрофида
ғуж бўлган болаларга турли-туман қушлар, ҳайвонлар,
одамчалар шаклидаги ҳуштакларни чалиб кўрсатар,
ўзиниям оёқяланг, бошяланг болакайдай ҳис этар, «ўр-
тоқлари»га ҳуштаклар тақдим этарди.

Узоқдан қораси кўринди дегунча болалар:

— Ҳуштакчи бобо! Ҳуштакчи бобо!— дея қувончла-
рини ичларига сиғдирмай чуввос солишарди.

— Бобо, бу нима?— деганча қўлларидаги ҳуштак-
ни унга кўрсатиб тирғалиб келишарди.

— От... Бу от, болам!

— Отга ўхшамайди-ку?!

— Шунақа от бор эди. Убай чавандозники. Бир гал
Аравасойда улоқ бўлганида бўйни остига қолганди.
Қара, бўйнининг қайрилиб туришини!

— Чумчуқ, чумчуқ!— чуғурлашди болалар бир куни
унинг қўлидаги ҳуштакка талпинишиб.

— Қушларниям ажрата олмайсишлар-а!— хафа бўл-
ди чол.— Бу ёввойи кўк каптар... Жарликларда уя қу-
рарди. Жарликлар текисланиб ҳозир йўқ бўлиб кетган.
Биз болалигимизда жарлик тубидаги ариқдан сув ича-
ётган каптарларни ҳуркитишни яхши кўрардик...

Болалар кўп вақтларини Султон чолнинг уйида ўт-

казишар, баъзи-баъзида хабар олиб турувчи қизи бундан ҳам қувонар, ҳам хавотирланарди. Қувонгани — чолни ёлғиз қолдиришмаётганидан, хавотири — уни чарчатиб қўйишмаса деган ўйдан эди.

Вақт ўтарди.

Қишлоқда тандирчининг тенгқурлари қолмади ҳисоб. Ғайби чол бору, уям рамақижон ҳолатда ётганмиш...

Султон тандирчи...

Унинг ҳам умри шамдек сўниб борарди...

...Хавонинг қовоғи солиқ эди. Қўчаларда, томларда сарғиш япроқлар сочилиб ётарди. Шу куни у Қизилтепага бормади. Пешонаси муздек, Қизилтепа уёқда турсин, пешобга чиқиш ҳам малол эди ҳозир.

Қизига одам юборай деса, болалардан ҳам дарак йўқ. Эҳтимол, улар ҳозир Ҳуштакчи бобо тупроқ олиб келгани кетгандир, деб ўйлашаётгандир. Сал фурсатдан сўнг болаларнинг чувиллашганча кириб келишларини ўйлаб чол ҳорғин жилмайди.

Кийимларини алмаштириб ўрнига чўзилди. Уй димиқиб кетгандек нафас олиши оғирлашиб борарди. Пайпасланиб ёнбошидан тоғ шакли туширилган гулбўтани топди. Кўтариб қарашга ҳоли келмади. Маҳкам чангаллаган кўйи ётаверди.

У бу гулбўтадан ҳуштак ясамоқчи эмасди. Йўниб-йўниб, чиқиб келаётган қуёшу, қуёшнинг илк нури сачраган тоғ устидаги осмонни кўрсатмоқчи эди...

— Ҳуштакчи бобо, Ҳуштакчи бобо!

Дарвоза олдида бир тўп қора-қура паст-баланд болалар қанчалик чақиришмасин, ҳеч ким чиқмади. Кутакута улар кетиб қолишди.

Оёғига акасининг йиртиқ ботинкасини кийиб олган, ҳаммаёғи кир-чир, кўримсизгина, бироқ кўзлари оловдек ёниб турган беш-олти ёшлардаги болакай секин-секин қадам ташлаб улардан ортда қолиб кетди. Муюлишда ўртоқлари кўздан ғойиб бўлиши биланоқ ортига бурилди-ю, яна дарвоза ёнига чопиб келди.

— Ҳуштакчи бобо!— Бор овози билан чақирди у.— Ман Шапкатман. Кеча ҳуштак яшаб беяман деганшиш. Ман Шапкатма-ан... Жавоб бўлмагач, ўша ерда мунгайиб пича ўтирди. Кутди.

Сабри чидамай дарвозани очди. Ичкари ҳатлади.

Ҳовли кимсасиз эди. Саҳнида хазонлар тўзғиб ётармудҳиш бир сукунат ҳукм суларди.

— Ҳуштакчи бобо!— чақирди у яна, ҳовли ўртасида

Эрганча.— Ман Шапкатман. Кеча ҳуштак яшаб бейман деганшиш...

Хувиллаган ҳовлида бола юрагига ваҳима тушдими ниқиллаб йиғлаб юборди-ю, бурнининг икки четида оқиб тушаётган кўз ёшларига парво қилмай ўзи эшикни итарди.

Эшик ғирчиллаб очилди.

— Ҳуштакчи бобо! Мен Шапкатман! Кеча ҳуштак яшаб бейман деганшиш...

У баралла дод солиб, ўкраб-ўкраб йиғларди.

Булутлар қаватини илкис ёриб чиққан қуш иурлари эшикдан, болакайнинг устидан, ёп-атрофидан қиялаб кириб келди-да, кўрпа устида чўзилиб ётган чолнинг гавдасини ёритди.

У оппоқ иштон-кўйлакда эди.

Гулбўта бўлагини чангаллаб қотиб қолган қўли гавддан ташқари катта кўринарди.



ЮРИЛМАГАН ЙУЛ

Шанба кунн тушдан сўнг Тошқин эшикдан дайди-бадал шамолдек кириб келиб:

— Жўралар, қишлоғимизга тўйга борамиз! Яйраш ҳам керак-да, охи!— дея тўлиб-тошганида қанчалик сиқилиб-ториққанимиз аён бўлди-қолди! Тошқинга офаринлар айтдик. Қўкларга кўтардик...

Унинг қулоғига азон айтиб қўйилган исми Тошмат. Ўзига сиғмай, кафтдаги қушчадек потирлайвергани учун «Тошқин» лақабини ортирган. Тошматлигини туққан-туғишгани билмаса, бегона билмайди. Ўзи эса унча-мунча қогоз қоралаб «Тошқиний» деб имзо чекади... «Кетдик-кетдик»на тушдик... Ошиқдик, шошиқдик — яйрасак яйрабмиз-да! Қизиқ гаплар чиқиб қолишям мумкин, юрган дарё!

Кетдик.

Мен, Тошқин, Али...

Алининг бошида акаси Ленинграддан олиб келган куён теллақ. Мен бошялангман. Тошқиннинг саватдек сочи саратон жазирамаларию қиш изғиринларининг анча-мунчасини назар-писанд қилмайди. У Али иккаламизнинг орамизга суқилиб олган. Гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга шох ташлаб гап бериб боради: «Э, жўралар, шу сафар бир ёқли қиламан! Сўрама, ҳар тўйда ортимдан пойлаб юришади. Улар тўртта. Биладан. Мамасоли аканинг тўйида кўзимни кўкартириб қочишди. Аламимдан пешонамни дёворга уриб юрдим. Энди қочиб бўлиштипти...»

«Хо-ой, Тошқин, нега ортингдан пойлашади? Уришади?»— ҳайратдан ёқа ушлайман.

Тошқин қизаринқирайди:

«Ойчучук боис...»

... Етмиш-саксон чақиримлик масофани автобусда босиб ўтгунимизча, бир тутамгина қиш куни олд-кетини йиғиштирган, атроф говгумлашганди. Автобусдан тушдик. Тошқинларнинг қишлоғигача ўн беш чақирим қолибди. Машина кутишга тўғри келди. Бурунлар шолғом, кўзлар ёшланган, қўл-оёқлар акашак. Аёз, аёз, аёз...

Аҳён-аҳёнда ўтиб қоладиган енгил машиналар қанча қўл кўтарганимиз билан тўхтамайди. Ҳуштак чаламиз, қийқирамиз — бари беҳуда! Шув-шув ўтиб кетаверади. Қўрмаганликка олади. Қўрқса керак. Қиш, изғирин. Сим-сиёҳ. Қимсасиз тоғ йўли.

Дарахтларнинг яланғоч шоҳлари ларзон-ларзон. Сумалак боғлаган. Ялтирайди. Қисирлаб синиб тушади. Қўлларимиз чўнтакда. Бўйнимизни ичга тортганмиз: депсиниб-депсиниб турибмиз. «Меҳрибон кампирнинг ҳужрасида ширин сўзларни эшитиб ётавермайсанми?»— Уйлаймиз Али иккаламиз ўзимизча.— Тўйни ким қўйибди шу қаҳратонда. Келиб-келиб, одам қуригандек Тошқинга эргашганимизни...»

Тошқинга ўқраймиз: «Тошмай ҳар нарса бўл! Бу совуқда музлаб қолмасак ҳали...» У эътибор бермайди.

Йўлнинг нарёғидаги чойхонадан бир-икки одам чиқди. Сўнгги чойхўрлар. Тез-тез юриб ёнимиздан ўтиб кетишди. Қалин-қалин пальто-ю, чакмонларга, гуппи чопонларга ўранишган. Шуларга маза! Чойхона пештоқида хира чироқ. Липиллайди. Қор зарралари унинг атрофида парвонадек ғужғон ўйнайди. Қўнғир тус чакмон кийган чойхоначи кўринди. Тешик-тирқишларни, эшик-деразаларни шошмасдан, димоғида аллақандай куйни хиргойи қилганича беркитиб чиқди. Нос чекди. Олдимизга келиб лоқайдгина кўришди. Қўли латтадек бўшашган.

— Мошин қараб турибсизларми? Қийин-ов, ҳозир мошин бўлиши,— деди. Кейин... Осмонга қараб ўйланиб қолди. Биз ҳам беихтиёр тепага қарадик. Юлдузлар шундоққина қўл етгудек жойда. Милт-милт ёнади. Ой кўкимтир булутлар орасида сокин чайқалади...

Чойхоначи лабларини қимтиб, мўйловини бармоқлари орасида товлай-товлай биз томон ўгирилди:

— Чойхонага жой қилиб берайми, йигитлар!? Эрта-

лаб туриб кетаверасизлар. Ўт ёқаман, исийди, кўрпатушак бор.

Али иккаламизнинг нигоҳларимиз илкис туқнашди: «Нима дединг, гапир, фурсатни бой бермай!»

Оғиз жуфтлашга улгурмадик. Тошқин:

— Раҳмат, акахон, раҳмат!— дея қўлини кўксига қўйганча оҳанжамали товушда миннатдорчилик билдира бошлади. Қиёмига етказди. Чойхонада бир ҳафта-ўн кун ётиб-турган, милтиққа жойламай ҳам ўқни мўлжалга теккизадиган «хушмуомала» қўноқ ҳам илтифотни бу даражада ўрнига қўёлмасди-ёв!—Шаҳарда ўқиймиз, акахон! Тўй бўладиган. Атай кетаётувдик. Топдингиз, муаллимликда. Ва-ҳа-ҳа! Анекдотни ҳам жа-а қопиллатаркансиз-ку!..

Чойхоначи анча фурсат кетолмай турди.

Хуш-хандон ҳамсухбат...

Очиқ ҳаво.

Иссиқ чакмон...

Неки кулгили гапи-ю, латифаси бор, бирин-сирин тўкилмоқда.

Ҳаммадан кўп ўзи кулади.

Кўзи ёшланади.

Маза қилади...

Бора-бора оёғидан совуқ ўтди шекилли. Гапиям тугади.

Кўнгли бўлиб-бўлмай кетишга чоғланди. «Мошин бўлмай қолса ҳовлига боринглар, ҳў-ўв кўк дарвоза. Тортиниб ўтирманглар!»— дея, қайта-қайта тайинлади.

Кетди.

Аёз, аёз...

Йўл бўйидаги қатор тизилишган тераклар. Қилт этмайди.

Сукунат.

Ёлғиз ой.

Кўкимтир булут ғорлари дамо-дам комига тортади уни.

Нурлариниям ямлашади...

Муюлиш ёришди...

Юракларимиз ҳаприқди.

Болқиб-болқиб бир жуфт чироқ кўринди: машина! Яқинлаша бошлади.

Бараварига қўл кўтардик: «Тўхта-анг! Ҳой! Бизнияма ола кетинг!»

Қичқирдик, бўғилдик.

Машина чайқалиб тўхтади: «Техпомощ!»

— Қаерга?— Шофёр ёнида ўтирган кимса бошини кабинадан чиқариб сўради. Овозини эшитиб, киши унинг турқ-тароватини кўз олдига келтира олиши мумкин.

Юракларимиз шув этди.

Гап-сўз оҳанглари қиёфани мўйқаламдек аниқ-таниқ чизиб бера олиши ҳайратланарли.

— Кўрбулоққа! Илтимо-ос... Тўй эди... Студентмиз...

— Ўтиб кетасизлар экан-ку?! Хитойқишлоққача борамиз, холос...

— Ташлаб кела қолинглар, уёғи бир қадам...

— Йўқ! Бўлмайди!— Кимса юмалоқ бошини ичкари тортди.

Дилимиз вайрон-вайрон.

Хўрлик, бўғзимизга тиқилган хўрлик...

Муносиб сўзларни териб-териб олса: «Яёв йўлга тушамиз, Али! Тошқин, юр, юра қол, пойи пиёда кетамиз! Аламдан... ранжиб-ранжиб. Яёв йўлга тушайлик. Юзларимизни, баданларимизни совуқ тилса-тилсин, майли, майли, кўзларимиздан ёш оқса оқаверсин, ўшанинг кўзларига илтижолли боқмайлик. Ялинмайлик, яёв йўлга тушайлик...»

Хўрлик, бўғзимизда турган хўрлик...

Дилгир қиёфада туравердик. Машина эса ҳадеганда ўрнидан жилмасди. Кабинадан гўнғир-гўнғир чиқаётган товушлар ора-сира қулоққа чалинарди.

— Опкетаман!— Дағал, бир оз хирилдоқ товушда шофёр қатъият билан сўзларди.— Уқувчи болалар экан...

— Жа-а, узоққа боришаркан-ку?!— Кимсанинг биг кўзлари шу топда баттар қисилиб кетган бўлса ажабмас.— Йўқ, дедим, йўқ-да!

— Бу совуқда уларни қолдириб кетмайман!

Али, эслайсанми, худди шу сўзни эшитиб ҳаммамизнинг кўнглимиз бирданига тўлиб кетганди. Одам боласи тарикдек меҳргаям шунчалик ташнаки, унинг қаршисида юраги тўлиб, кўзига ёш олаверади...

— Қолмайди, ҳайда-а!.. Биров ола кетар!..

— Қим?..

— Айтганимни қилсанг-чи! Ахир бошлиғингман...

— Э!— Шофёرنинг хитоби эшитилди. Ёнидаги одамга ажабсиниб, биринчи марта кўраётгандек тикилгандир балки.— Ёт десангиз ётиб, тур десангиз туравераманми, ўртоқ бошлиқ.— Охирги сўздаги кесатикни ҳатто биз ҳам-пайқагандик.— Олинг, керак бўлса!— Шофёр машинадан туша бошлади шекилли, кимса дарров ён бер-

ди:— Ҳа-ай, ҳай! Сеники маъқул! Нимаям дердик! Фақат мунақа қизишма. Одам деган тошдек оғир бўлади. Упкангни бос. Жойингга ўтир. Ҳозир уларни ўзим айтиб келаман.

Биз ҳеч нарса эшитмаган, кўрмаган бўлиб чекка-роқда туравердик. Қимса олдимизга келди.

— Шофёр айтяптики,— сўз бошлади кўзларини туб-сиз зулумот қаърига тикканча.— Шундоқ-шундоқ, сиз рози бўлсангиз йигитларин олиб кетайлик деб. Нимаям дердим? Уқувчи болалар экан, тўйга боришаётган экан, совуқда азоб чекиб туришмасин, обориб қўй, дедим. Беш-бешдан беришсин, майли, деди. Нимаям дердим?! Униям бола-чақаси бор.

Али иккаламиз жим. Бир-биримизга тикиламиз.

Изғирин...

Нингоҳимиздан англаймиз бир-биримизни: «Нега изғирин шунақаларни акашак қилиб қўя қолмайди?..»

Тикиламиз бир-биримизга...

Изғирин... Жим, ожиз кезинади изғирин.

Аламиндан тош йўлда енгилгина қор тўзонини тўзитади изғирин.

— Айтганингиз бўлсин!— Тошқин машина томон йўналди. Ноилж эргашдик. Йўлда йўловчи кўп — тантими, потантими, мардами-номардми, аблаҳми-олчоқми, дўстми-ағёрми, ҳамроҳ бўлиб қоласан. Некбин ниятли йўлдош бир умр дилингга муҳрланади. Тириклик саҳросининг машаққатли йўлларида экансан, унутмайсан, унутмайсан: аксинча эса... ҳар ким ўз йўлида давом этаверади!..

Шундайми?!

Ҳар ким ўз йўлида давом этаверадими?

Пўқ...

Шофёр кабинадан тушди. Отыз, қиррабурун киши. Ҳиқилдоғи бигиздек туртиб чиққан. Ёшиям ўттизлардан ошган кўринади. Бўйи баланд. Қўллари куракдек-куракдек. Эгиндаги чарм куртканинг титиғи чиқиб кетган. Қовоғи уйилган бўлса-да, юз-кўзлари кўнглига яқин нималаримиз сўйлаб турарди.

— Қани, йигитлар, чиқинглар!— Орқа эшикни оча туриб, фақат бир сўз айтди. Эшикни устимиздан ёпди-ю, зўм ўтмай мотор гувилади.

Ўтирадиган жой йўқ. Темир-терсақлар, асбоб-ускуналар... Энкайган кўйи бир-биримизни ушлаб кетдик. Машина йўлда бир мартагина тўхтади. «Бошлиқ» тушиб қолибди. Хайрият: юк енгиллашди! Кабинада ўтириши

кўнглимизга ғашлик солиб турганди, кайфиятимиз кў-
тарилиб кетди!

Шофёр эшикни очди:

— Бирорталарингиз кабинага ўтинглар!

Тошқинни туртдик:

— Туш! Йўл кўрсатасан!

Тошқин тушди.

Али иккаламиз чайқаламиз. Бир-биримизга терму-
ламиз. Кўрмаймиз бир-биримизни... Фақат чайқаламиз,
фақат чайқаламиз. Аёз... Ташқарида қолиб кетмайди.
Қандай бўлмасин, игнадекми, бигиздекми — тирқиш то-
пади: туядекми, филдекми — кириб келади. Қунишамиз...
Машина дам пастлайди, дам ўрлайди...

— Ҳо-ой, устудентлар! Қани-и, қимирланглар! Ет-
дик!—Шофёр эшикни очди. Тимирскиланиб тушдик.

— Ана шеър, мана шеър!— Сон-саноксиз чироқлар
билан ёритилиб чор тарафга чодир тўсилган тўйхона —
даврани кўрсатаркан, шофёр бизга кўз қисиб қўйди,
илжайди.

Қизаринқирадик.

Тошқин-ей! Тошади-да!

Йўл-йўлакай шеър ёзишимизни (сезгир киши аф-
ангоримизга бир қур назар ташлабоқ бу «фазилат»-
имиздан воқиф бўлса керак); келажакда «катта шоир»
бўлиш хавфимиз ҳам йўқ эмаслигини: баъзи машҳур
шоирлар эшиги оғзида шому саҳаргача оёқда тик ту-
риб кутганларимизни... майда-чуйда тафсилотлари-
гача... оқизмай-томизмай айтиб берган кўрипади...

— Биз билан бирга юринг!— дедик шофёрга, бори-
шига ишонмаган ҳолда.

— Қандай бўларкин?— Шофёр иккиланаётганга ўх-
шарди. Кетмай деса нимадандир кўнгли ғаш, кетай де-
са... Тошқинга мўлтайиб қарали.

— Юринг, юринг.— Қистай бошладик.— Ажойиб тўй
бўлади.

У ичор илжайди.

— Майли, бирпас ўтирсак-ўтирибмиз!

Исми Султон экан шофёرنинг. Мирзачўлда ишлар-
кан. Янги очилган совхозда. Ҳафтада бир марта қишло-
ғига келиб-кетаркан. Ҳозир тўғри чўлдаи келиши экан...

Тўй авжида. Одамлар юзида хушнуд ифода кезина-
ди. Ғала-ғовур, шовқин-сурон. Қишлоқнинг тўйи шу.
Кўнгли тортган одамки бор, келаверади. Буёғи эл-юрт-
чилик, кўз-кўзга тушиши бор. Сўрилару столларга сиғ-
май қолганлар оёқда тик туриб томоша қилишяпти...



Тўй хизматчилари — «қорақозон»лар Султон акани сўрига, тенгқурлари даврасига олиб кетишди. Султон ака киришимли одам экан. Ўрнимизни топиб ўтиргуни-мизча бўлмай, давradoшлари билан танишиб, ҳангома-лашиб, хахолашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Кўнглимиз тинчиди.

Тўй раиси хонандага навбат бериб, биз томон яқин-лашди:

— Гапирасанми?— деб сўради Тошқиндан.

— Э, йўр-э!— Тошқин ўзини орқага ташлади, сесканди.— Ваъз айтишга уқувим йўқ...

— Ўзинг биласан, кейин пушаймон қилма фақат,— раис индамай кетди. Тошқин даврага чиқиб олиб бишойиндек гапирётган таниш-билишларини кўргач:

— Гапирсам бўлар экан-а?— деб бош чайқади.

Охири чидаб туролмади, тошади-да, раисни имлаб чақирди, ўзи сўз сўради.

— Дўстлар!— деди у томоқ қириб.— Математикада чексизлик деган нарсa бор. Бу олам чексиз бўлганидан, математикада ҳам шундай нарсa бўлган. Келину куёвимизнинг бу чексиз оламдаги умрлари ҳам чексиз бўлсин! Мен шу қишлоқда тупроқ тепиб ўсганман. Бахтим чопиб ўқишга кириб кетдим. Лекин дилимда донмо қишлоқ.

Бисотида неки сўз бор, тўкиб солди.

Ўжимлик чўкканди.

Баъзиларнинг лабларига истеҳозли табассум қалққанди. Қайтиб жойига ўтираркан: «Аттанг, шошмай, донa-донa қилиб гапиришим керак эди. Вообише қалай? Ничево-я?!»— дея биздан мақтов кутди.

Индамадик. Қўл силтаб туриб кетди. Султон аканинг олдига борди. Нималардир деди. Иккаласи кулишди.

Нигоҳимиз даврада... Раққоса эшилиб, буралиб қош қоқарди.

Сархуш кайфият...

Ҳамма нарсa хира туман орасида қолгандай...

Тўйга келаётганимизда Тошқиннинг «Ойчучук боис...»— айтган сўзларини аллақачон унутиб юборганимиз. Ташқарида шовқин-сурон кўтарилгандагина лоп этиб хотирамиз ёришди. Саросар ўрнимиздан турдик...

Тошқиннинг кўкси очиқ...

Кўзларидан ўт чақнайди...

Ўзи бир тараф бўлиб турибди. Тошади-да! Уч-тўрттаганими иккинчи тараф. Важоҳатлари ёмон. Келбат-

ли йигитлар. «Қўйинглар-е, шуям эрнинг ишими?»— дейдиган бўлсак, бизга ҳам мушт тушадиган. Ётиб қолгунча — отиб қол — улар уч-тўртта экан, биз ҳам орага тушсак номардликка йўймас ҳеч ким...

Али, умрингда бирор марта муштлишганмидинг?!

Бош чайқайсан...

Мастмидик?!

Тошқиннинг тўпори муҳаббатини ҳимоя қилибмидик?!

Султон ака-чи?!

Тошқин кела-келгунча дoston этган «севги қиссаси»дан юраги тўлибмиди у кишининг?!

Султон ака пешонасидаги реза-реза терни артаркан, кимдир:

— Қап-катта одам уялмайсизми, ёш болаларнинг орасига бош суқиб! Кимсиз ўзи?— деди.

— Мен-ку, билиб аралашдим,— Султон ака чуқур тин олди.— Ўзингиз кимсиз?

— Мен билан ишингиз бўлмасин.

— Бировнинг кимлигини билиш учун одам ўзининг кимлигини билиши керак-ку?!

— Ошпазман...

— Мен одамман!— Султон ака ғолибона илжайди.— Шу десангиз ҳеч ўзимни тўхтата олмадим. Одам зоти шунақа бўларкан...

Дафъатан унинг кўзларида аллақандай мунг пайдо бўлди. Юзига бир оз паришонхотир хаёл соя ташлаб ўтди. Бироқ буни ҳеч ким пайқамади. Уччаламиз ташқарига чиқдик. Муздек ҳаво. Қўксимизни тўлдириб-тўлдириб нафас олдик.

— Бу кеча бизникида ётиб кетасиз,— деди Тошқин ғўлдираб.

Султон ака кўнди. Ярим тун, қайга ҳам борарди?

Машинаниям Тошқинларнинг ҳовлисига киритиб қўйди...

Али, Тошқин иккалағиз кўрпа остига кирдингизу дарров хуррак ота бошладиларингиз...

Негадир уйқум келмасди.

Султон аканинг ҳам бедорлигини сезиб ётардим.

У шифтга термулган кўйи хаёл сурарди.

Чуқур хўрсинди...

Мен ёстиқдан бош кўтардим:

— Султон ака-а...

— Ҳм-м...

— Нимани ўйлаяпсиз?..

- Уғлимни...
- Неччига кирди?
- Бирга.

Хижолат чекдим. Ҳафтада бир мартагина келса-ю, ўғлининг дийдорига тўймай, бизнинг юзимизни қилиб Султон ака тўйма-тўй судралиб юрса-я... Яна Тошқиннинг жанжали, хафахонликлар...

- Султон ака-а...
- Ҳм-м...
- Кетаверганингизда ҳам бўларкан...
- Бўларди-ю, Тошқин...
- Нима, Тошқин?

— Бирор кору ҳол бўлмасин дедим-да! Кўра-била туриб... Э ҳаммасини айтиб берувди менга. Ҳаммасини. Ишонганидан айтганди... Суханини синдира олмадим...

«Э, айтаверадим-да, Тошқин! Нималар демайди у! Э, одамнинг солдаси-я».

Жим бўлиб қолдик. Қачон уйқу босиб келиб оғушига олди, Султон ака ухладими-ухламадими, билмай-сезмай қолдим... Эртасига қайтдик... Султон ака йўл-йўлакай уйига кириб, ўғлини кўтариб чиқди. Бола отасининг иягини қитиқлар, қиқирлаб кулар, у кулган сайин Султон ака хохоларди... Бахмал чопон кийган аёл бошини эгганча Султон акага эргашиб келаверди. Биз билан илиқ сўрашди. Уйга таклиф қилди. Унинг лаблари табассум қилиб турардию кўзлари нам эди...

— Бизди ўғил шу-да!— Султон ака болани осмонга иргитди.

— Ҳо-ой, шамоллатасиз!— Аёл қўлларини беихтиёр бола томон чўзди.

— Шамолламайди, шамолламайди!— дерди Султон ака уни баттарроқ яна баланд иргитаркан.— Пишийди!

Тошқин билан Али: «Яшасин! Зўр йигит бўлади!»— деб, болани қўлларига олишмоқчи эди, у чинқириб юборди. Султон ака овутолмай онасига тутди. Аёл истар-истамас қўл узатди:

— Майли, яхши боринг!— Ер остидан Султон акага мунгли қаради, ияклари қалтираб кетди.

Султон ака нимадир деб гудранди.

Кетдик...

...Район марказидан автобусга чиқаётиб Султон ака билан эски қадрдонлардек хайрлашдик.

Тошқиннинг қилигидан ер ёрилмадию — кирсак. У учта беш сўмликни буклаб, Султон аканинг чўнтагига солмоқчи бўлди.

— Э!.. Э!..— Султон аканинг юзи дам оқариб, дам кўкариб, сесканиб тушди.

— Олинг, акахон!

— Тошқи-ин! !— Овозимга кучим етмади.

— Тошқи-ин!— Али, сен лабларингни тишлаб пичирладинг.

— Роса хизмат қилдингиз!

— Йиғиштир, йўқса...

«Аҳмоқми-ей, бу Тошқин!»

Султон ака калласини эгганича индамай машинаси томон юрди.

Орқамизга қарай-қарай автобусга чиқдик. Машиналар оқими орасида кетаётган «Техпомощ»дан нигоҳ узмай турарканман, беихтиёр ўпкам тўлди.

Қўз ўнгимдан... ўғлини кўтариб, орқасига қарай-қарай ҳовлига кириб кетаётган қишлоқи аёлнинг мунгли чехраси сира-сира нари кетмасди...

МАЛЛА ОНА

Эрта кўклам эди. Шодмоналиларникига тоғаси кучукча олиб келди. Бу ҳимматнинг албатта бонси бор: қиш бўйи Шодмоналининг аяси зорланган, тунда оstonадан ташқари ҳатлашгаям одамнинг юраги бетламайди, зўрми-нозўрми бир кучук бўлганида вангиллаб турарди-ку, деявериб-деявериб, тоғанинг эсини кеткизган эди. Опасининг айтганини бажо келтирганиданми, энди қулоғи тиңчиганиданми — буёғи қоронғу, ишқилиб, тоға хурсанд.

Кучуквачча чамаси яқиндагина кўз очганди. Ҳозир алдам-қалдам оёққа турганди. Пешонасидаги билинар-билинимас қора нуқтани ҳисобга олмаганда, туси сап-сариқ.

— Васька!— деб чақирди Шодмоналининг отаси.

Илгари Васька номли бир санқи итлари бор эди, шундан бўлса керак, кўзга кўринган ит зотики бор, Шодмоналининг отаси Васька деб чақиради. Баъзилари думини ликиллатганча элалиб келади, баъзилари ириллаб ҳуради, шартта оёқдан олиншдан ҳам тоймайди. Ит — ит-да — нимаям дейсиз?

Одатий исм ёқмади шекилли, кучуквачча қайрилиб ҳам қарамади.

Шодмонали шу заҳотиёқ бошқа ном топди: Малла-вой!

Бошқалар бош ирғаб бу номни маъқуллашди. Пешайвондаги шолча устида оёқларини узатганча ёйилиб ўтирган тоғаси:

— Энди яхшилаб боқинглар. Зўр қўриқчи бўлади. Қишми-ёзми, кечаси ташқарига бемалол чиқаверасизлар!..— деди.

У охирги жумлани жиддий тарзда айтдим, киноя қилдим — Шодмонали фарқлолмай қолди.

Шодмонали зийрак, бувиси айтмоқчи оёқ-қўли тетиккина бола. Ҳозир ҳам парваришни тоғаси айтмаёқ бошлаб юборган, қўлига илинган нарсаси бор, «ма,е!» деб кучукчага тутқазаётганди. Маллавой эса негадир бепарво эди.

— Тўқ меъда экан!— деди Шодмоналининг аяси қандайдир қониқиш ҳисси билан.

Кучуквачча янги жойда эллашолмай, ҳадиксираб турарди.

Тоғаси шопиёлага нон тўғраб, устидан чой қуйди. Шоша-пиша еб-ичиб бўлгач, ўрнидан турди. Кетар чоғи Шодмоналига:

— Қўниқиб кетар,— дея таскин берган бўлди.

Унинг айтгани келди. Маллавой кейин-кейин ўрган-ди. Сал оч қолсаям Шодмоналининг оёғига суркаладиган бўлди. Иккови бир-биридан ажралолмай қолди. Шодмонали кўчага чиқса Маллавой ҳам чиқади, уйга кирса... остонанинг нариги тарафида ортидан мўлтайганча термулиб қолади.

Бир кун ҳатто болалар чиллак ўйнайдиган жойгача эргашиб борди.

— Шодмонали, бу қанжиқчани нега эргаштириб юрибсан?— Номоз исмли кўримсиз, юзини доимо темир-ратки босиб юрадиган бола Маллавойга синч солиб, қўпол бир аллозда сўради.

Очиғини айтганда, Шодмонали Маллавойнинг урғочи-эркаклигини... ўйлаб ҳам кўрмаганди. Номознинг томдан тараша тушгандек айтган сўзидан бир оз довдиради. Шундайм эътироф этишга бўйни ёр бермай, зўр бериб ўзиникини маъқуллашга уринди. Бунинг сабаби бошқа ёқда эди. Урғочи кучучваччани етаклаб юриш қишлоқда, айниқса, болалар ўртасида уят саналарди. Бу жинсдагиларни қанчалик парваришлама, қанчалик боқма, улардан зўр қўриқчи ит чиқмайди. Қайтанга гала-гала санқи итларни эргаштириб келавериб, ҳаммаёқнинг тит-питисини чиқариб юборгани қолади холос.

— Ёлғон...— беихтиёр пичирлади Шодмонали.

— Ишонмайсанми?— Номознинг овози кескин, қатъиятли эди.

— Ишонмайман.

— Тортишиб, гаров бойлаб ўтирмайман!— деди Номоз танти оҳангда, сўнгра Маллавойга бебилиски яқинлашди-да, унинг бўйнидан шартта чангаллаб винг-винглатиб осмонга кўтарди.

— Кўрдингми?

— Нимани?— билмасликка олди Шодмонали.

— Ул, нимани!— Номознинг бирдан жаҳли чиқиб кетди.— Мана-а буни-да!— Маллавойнинг қорнига бирикки шапатиллаб қўйди.

— Кўрдим, кўрди-им!— Шодмоналининг ҳам товушида қайсар оҳанг ҳукмрон эди.— Нима бўпти?

— Ҳеч нарс!— хотиржамлик билан кифт қисди Номоз.— Ҳозир йўқотишга кўнглинг бўлмаётган бўлса, кейинчалик болалаганидан сўнг барибир отиб ташлаш керак.

Шодмонали хафа бўлди. Уйга йиғламсираганча қайтди.

Буни на отасига, на аясига сездирди.

Уч-тўрт кун ўтди.

Бозорга борувдим, йўл-йўлакай сизлардан бир хабар олиб ўтай дедим-да, дея гапира-гапира амакиси Бўрон полвон кириб келди. Қопчиғидан Шодмоналига хўрозқанд, ҳуштак чиқариб берди.

— Чуриллатиб юравер, жигар,— деди овозини баралла қўйганча.— Ҳуштакда хислат катта. Чалишнинг ўбдон машқини олсанг, бориб-бориб улғайганингда миршаб бўлиб кетишинг ҳам ҳеч гап эмас.

— Ҳозир миршаб деган касб йўқ-ку?— деди Шодмоналининг отаси ҳайрон бўлиб.

— Миршаблик бўлмаса мелисалик бор—фарқи нима, фақат номи ўзгарган,— Бўрон амакининг қиёфаси жиддий тортди.— Э, қўй, жигар, сенга мунақа ишлар ярашмайди, қарғишга қоласан,— деди айтганларидан дарҳол тониб.

— Ҳуштакни пима қилай?— сўради Шодмонали боши қотиб.

— Қайтариб бер менга! Миршаб бўлмайдиган бўлдинг-ку!— деди Бўрон амаки янада жиддийлашиб.— Қопчиғимга солиб қўяман. Гоҳ-гоҳида ўзим чалиб тураман. Чу-ур, эткизсам тамом, ҳамма тумтарақай бўлади...

Шу маҳал Бўрон амакининг нигоҳи супа остида пилдираб юрган Маллавойга тушиб қолди.

— Ие, ие!— дея, беихтиёр хитоб қилди.

Сўнгра:

— Муни ким опкелди?— деб сўради.

— Тоғам!— жавоб қайтарди Шодмонали.

— Тушунарли, тушунарли!— Бўрон амаки бошини силкий-силкий бир сўзни қайта-қайта такрорлади.

Шодмонали бунинг боисини билолмади.

Бўрон амаки кетишга чоғланаркан, Шодмоналининг қулоғига шипшиди:

— Мундан тезроқ қутул. Иложи бўлса тоғангни-га элтиб ташла. Сал улғайса бошингга битган бало бўлади, адаштираман десанг ҳам қайтиб келаверади... Омон бўл, жигар! Ҳе-е ўргилдим тоғангдан!..

Шодмоналининг тоғасиниям, амакисиниям қораси шу ўчганча ўчиб кетди.

Орадан бир йил ўтди.

Шодмонали энди олтинчи синфда. Маллавойни эргаштириб юришга илгаригидек вақт қайда? Дарсларию уй ишларидан ортмайди. Қолаверса, Маллавой ҳам энди расмана кучук бўлиб етишганди. Ҳовлининг этагида, одамлардан четроқда, овлоқ жойда ётарди. Унинг бўйнига занжир солишмаганди. Мўмин-қобил, итоатгўй ит чиқиб қолди. Кет, дейилса бас, ўз жойига бориб ётаверади.

— Бу қанақа кучук ўзи?— Шодмоналининг аяси хуб бўлади.— Пишакдан ҳам кўрқади-ку!

— Аканг топиб келган-да!— кесатади Шодмоналининг отаси.— Пастдаги девор йиқилибди. Кечаси итлар келишади. Ҳали кўрасан, бир этак болалаб ҳам беради бу мўминтойинг.

Аяси нима деярини билмай жим қолади.

Отаси айтган кун етиб келди.

Туни билан қор ёғиб чиққанди.

Саҳарлаб супада қор кураётган Шодмоналининг аяси Маллавойнинг катагида аллақандай ожизона ингиллашни эшитди.

Калиши билан қорга ботганча, совуқни ҳам эсдан чиқариб бориб қаради. Маллавой болалабди. Аммо болалари кўп эмас, биттагина эди. Шодмоналининг аяси балки кўрмай қолгандирман деб катакнинг ичини, ён-атрофини синчиклаб кўздан кечирди. Маллавой оёқлари остида ётган ягона кучукваччадан бошқасини кўрмади. Бу кучукча ҳам маллатус, пешонасидагина онасиникига ўхшаш қора нуқта бор эди.

— Бу кучукваччанинг ҳам исми Маллавой бўлади,— деб хаёл қилди Шодмоналининг аяси.— Маллавойни эса Малла она деб атай қоламиз.

Шодмонали кичкина Маллавойни кўриб қувонди.

Сабри чидамай уни кўтариб қаради: эркак экан!

Кувончи ичига сиғмади.

Малла онанинг кўзлари мўлтирабгина турар, эти суягига ёпишганди. Олдига ташланган парсаларга қарамас, меҳрибончиликларга лоқайд, баайни ўз бурчини ўтаб бўлган, энди тирикликнинг заррача қизиги қолмаган каби эди.

Шодмоналигина эмас, унинг аяси, ҳатто норози пўнғиллаб юрган отаси ҳам Малла онанинг аҳволидан маъюсланишди. Бироқ бу ҳали ҳолва экан. Орадан икки кун ўтгандан сўнг Малла она кечаю кундуз бетиним вангиллаб-ангиллаб чиқадиган бўлди.

Уйда ҳам чироқ ўчмасди.

— Қийналяпти,— дерди Шодмоналининг аяси.

— Қийналяпти,— такрорлади Шодмоналининг отаси.

Маллавойга Шодмонали пешайвондан жой қилиб бермоқчи, эчки сути билан боқмоқчи эди, аяси кўнмади:

— Ундай қилсанг Малла она баттар азоб чекади,— деди.

Бир кун ич кечқурун отаси Ибод овчининг қўшоғиз милтигини олиб келди.

Аяси дам милтиққа, дам эрининг оқарган чеҳрасига қаради-ю, индамади.

Шодмоналининг юраги ортига тортиб кетди. У отасининг: «Малла онани биратула бу қийноқдан қутултирмасак гуноҳга ботамиз», деганини эшитганди.

Қоронғи тушганда отаси милтиқни елкасига осиб чиқиб кетди.

У билан бирга чиққан аяси ҳаялламай қайтиб кирди-да, Шодмоналига:

— Маллавойни пешайвонга келтириб қўйдим,— деди.

Бошқа гаплашишмади.

Отаси қайтди. Милтиқни девордаги чўп михга илди.

Усти бошларини ошхонага палапартиш ечиб ташлади.

Кечаси у тўлғона-тўлғона, уён-буёнга ағдарилавериб ухлолмай чиқди. Шодмоналининг ҳам уйқуси ўчди.

Эрталаб аясининг ҳаяжонли товуши уларни илкис уйғотди:

— Туринглар, отаси. Шодмонали, туринглар; Малла она қайтиб келган кўринади.

Шодмонали ва отаси шоша-пиша кийиниб ташқарига чиқишди, ҳовли этагидаги пасқам девор томонга қор узра иланг-биланг қонли из кетганди. Изининг бир томо-

ни пешайвонга, Маллавойнинг олди-гача келган, кучук-
ваччанинг жунларидаям қон юқи, ерда эса ҳалқоблан-
ган қон музлаб ётарди.

Аяси отасига норози қиёфада қаради.

Унинг кўзларида ёш қалқиб турарди.

Қарашада норозиликдан ташқари маломат ҳам бор
эди.

Отаси девордаги чўп михдан шоша-пиша милтиқни
олди-да, қонли издан кетди.

Кўп ўтмай гумбирлаган ўқ садоси янгради.

Милтиғини олиб кетишга келаётган Ибод овчи мер-
ганлигини намойиш қилган, Малла онанинг пешонаси-
даги нақ қора нуқтани нишонга олганди.

Маллавой қунишиб бошини елкаси ичига тортди.

Акиллади.

Шодмонали эса... йиғлади.

Орадан анча ойлар ўтгач Шодмоналининг тоғаси
келди.

— Урғочилигини билмаган эканмиз-да!— деди аф-
сусланган оҳангда, лекин ёлғон сўзлаётганлиги шундоқ-
қина юзидан билиниб турарди.— Ҳа-ай, майли, бола-
сням зўр бўлади ҳали...

Тоға дарвозадан чиқаётганда Маллавой пусиб кел-
ди-да, унинг болдирига тиш солди...

Тоғанинг ўтакаси ёрилаёзиб, жонҳолатда кучукчани
тепиб юборди. Маллавой эса ғайратга мишиб, акил-
лаганча яна унга томон югурди.

Хайрият, Шодмонали, «баҳ-баҳ, Маллавой», деб ча-
қириб қолди. Кескин бурилди-ю эгаси томон югурди,
унинг оёғи остида суйкалиб эркаланарди...

Тоға кифт қисди.

СЕН АЙТГАН ОДАМ

Уч кундан буён қор дам тўхтаб, дам гупиллаб ёгади. Изгирин ғувуллаб, чийиллаб, кекса дарахтларнинг топ ташлаган эшик сингари булоқларида ғийтиллаб, ғирчиллаб: деразаларда нуқссиз ҳаяжонли шакл-шамойил чизади...

Маъсуманинг бир дўсти бор—сири, айтмайди бировга, кўрсатмайди. Кимдир илгари, балки у туғилмасиданоқ сўзлаб бергандек, кўрсатгандек. Кўнгли ғашланади, ториқи-и-иб кетади: «Қим?! Қим?!» деган нидо қалбининг аллақайси бурчида акс-садо бериб туради... Фақат бир дўсти — сири, ҳали эриб битмаган мўъжиза — деразадаги манзара...

* * *

Йўл... Қор босган, уйдум-чуқур машаққатли йўл... Шамоллар шум, бижғиган, девона... Осмон — кулранг булутлар, рутубат юзини қоплаган олий ҳилқат... Уфқ — покиза оппоқ умиддан кичик нишона... Йўл ўртасида кетаётган одам уфққа талпинади, дам кичраяди боладек, дам ҳеч нарсани писанд қилмайди — полвонга айланади. Муз қиров қоплайди юзини, совий бошлайди юзи, қалтираб кетади — кўзларини бўрон тўсиб қўяди. У интилаверали, уфқ олдига туман йиқилади, чор тараф бир, чор тараф қибла: қайда у оппоқ умидлар, қайларда қолди?!

Ҳамма қишки таътилга кетди, уйлари узоқдалиги учун у қолди — одати бир йилда бир, ўшанда ҳам ёз пайти боради. Биринчи кун гарангсиб, ториқиб юрди — ташқарида қор ёғмоқда эди, хонасига кириб ичкаридан қулфлади: «Э-э, худо, эртани қандай ўтказаман?» деган ўйда каравот устида бир-бир ярим соатча ичини ит тирнагандек ўтирди... Эртаси ҳам ўтди, бу гал хонасини ичидан қулфлаётганда унча эзилмади—ўрнига кирди-ю, қотди қолди... Эрта уйғонди, турдию ўз дўсти — сири—манзарага кўзи тушди. Кўнгли ғашланди, хираланди — кимгадир айтгиси келди, ҳеч ким йўқ. Нонушта қилган бўлди. Хаёли оғиб, ўй суриб ўтирди, сўнг елкасига пальтони ташлаб, ётоқнинг ўқув залига чиқди. Зал бўм-бўш, хувиллаб ётарди, нариги бурчакда елкасини қисиб, қунишиб китоб титкилаб ўтирган ўрта бўйли, чувак юзининг туси ўчган йигит ва тўсиқнинг нарёғида мизғиб ўтирган, стулга қўйилган бочкадек кўтубхоначи хотиндан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Маъсума йигитга кўз қирини ташлай-ташлай, кутубхоначига яқинлашди, китобнинг номини айтди. Кутубхоначи эриниб ўрнидан турди, кўкрагини олдинга чиқариб, керишаётгандек қўлларини икки томонга саланглашиб китоб раплари томон юрди...

Маъсума залнинг ўртасидаги столлардан бирига ўтирди. Китобнинг биринчи бетини очди...

«Бир бор экан, бир йўқ экан... Бир чол ўтган экан... Нариги дунёга хижрати яқинлашганини сезиб, уч ўғлини қошига чорлабди, дебди:

— Болаларим...»

Маъсума кичкина, оппоқ, нозик кафтини китоб бетига қўйиб, аллақандай маҳзунлик, паришонлик ифодалашиб турган кўзларини ер остидан бурчакка ташлади. Йигит қараб турган эканми, тезда нигоҳини олиб қочди, ғужанак бўлиб олди. Маъсуманинг юраги тез-тез ура бошлади: «Қизиқ, бу ким бўлдийкин?»— деб ўйлади. Дарвоқе, йигитнинг бу ерда биринчи марта пайдо бўлиши, тўғрироғи Маъсума уни илк кўриши эди.

«...Болаларим, бу дунёда умрим оз қолди. Умидларим кўп эди, энди фақат биттасига етишсам, сизларни орзуларингиздаги умр йўлдошларингиз билан кўриб ўлсам армоним йўқ...»

Уч ўғил йўлга тушибди. Йўлнинг танобини тортиб кетишибди — ҳар ким ўз орзусида, ўз тилагида... Уч-

тўрт кун ўтар-ўтмас катта ўғил карнай-сурнайлар билан кириб келибди...»

Маъсуманинг хаёли қочди, беихтиёр: «Варақлайдию ҳолос!» деган фикр кўнглидан барқ уриб ўтди.

«...Ота,— дебди катта ўғил,— у хуш-хандон, бахтиёрликдан кўзлари чарақлар, лабларидан кулгу аримасмиш.— Мана-а орзумдаги қиз— бой-бадавлат: еганим олдимда, емаганим ортимда бўлади!..

— Бор яшайвер!— чол унга уй-жой кўрсатибди.

Кейин ўртанча ўғил ой деса ой дегулик, кун деса кун дегулик қизни етаклаб келиб, отасига кўрсатибди.

— Сизлар бахтли бўласизлар!— дебди чол уларга.— Ҳа-а, осуда, эл қатори яшайдиганлар доим бахтли бўлишади!

Улар ўз араваларини судраб, гоҳ кўзга чалиниб, гоҳ бор-йўқликлари билинмай юришаверибди. Отанинг кўнгли улардан тинчибди.

Энди Кенжатоёғина қолибди. Ғалати-ғалати одатлари, ҳар қандай одам билан чиқишиб кета олмаслиги боис чол ҳамиша ундан хавотирда экан...»

Маъсуманинг юраги ўз-ўзидан сиқилди. Уф тортиб, толиқиб китобдан бош кўтарди. Қаршисида ҳалиги йиғит унга беозор, менсимайроқ боқиб ўтирарди. У ҳозиргина келган чамаси, стулга ўрнашиброқ жойлаша бошлади... ва Маъсумадан кўзларини узмаган ҳолда:

— Эртақ ўқияпсиз шекилли-я, ишонасизми эртақка?— дея, лоқайдгина савол ташлади, овози хирқираб, томоғини шамоллатган кишиларникига ўхшаб чиқди...

— Исмингиз Маъсума, а-а?! Маъсум гул, маъсум чехра... Шунақа сўзлар одамга бошқачароқ таъсир қиладими-ей...

— Ие, исминни қайдан билдингиз?— ўзини ўнглаб олган Маъсума, кўзларини беихтиёр катта-катта очиб, ҳайрат билан сўради.

— Акбар айтувди. Бор-ку, Ҳожиев! Уша! Курсдошларингиз, менинг синфдошим...

— У Москвага кетган-ку?— Маъсума: «Сиз бу ерданима қилиб юрибсиз?» демоқчи эди, тилини тишлади...

— «Сен нега буёқда сандирақлаб юрибсан?» дейсизми?— худди Маъсуманинг кўнглига кириб чиққандек, рахт еган товушда гапни айлантириб, бамайлихотир давом этди у.— Мен Москвадан келдим, ўшатта ўқийман. Илгари бир келганимда Акбар комендантларингиз билан таништирган эди. Ҳозирча Акбарнинг хонаси-

да ётиб юрибман. Қишлоққа борай десам йўл йўқ — довонни қор босибди, ўтиб бўлмайди...

— Энди нима қиласиз?— Маъсума беихтиёр ачиниш билан сўради.

— Ничево!— йигит синиқ табассум қилди.— Қишлоқни шу ердан ҳидлаб-ҳидлаб кетаверамиз-да!

— Ҳа-а...

— Ана шундай! Бор экан-да, йўғакан, бир йигит бўлган экан...

— Сиз нима ўқияпсиз?— беихтиёр қизиқди Маъсума, унинг гапини бўлиб.

— Фалсафани, фалсафа — ақлнинг шамчироғи деган биттаси!— йигитнинг кўзларида, манглайида нопи-сандлик чизиқлари барқ урди, кейин паёпай, китоб ўқиб бераётгандек давом этди.— Ақл эса доимо керак! Юраги, ҳиссиёти билан яшаётганлар гўл бўлишади. Уларни доимо бировлар алдашади, устларидан кулишади, масхара қилишади. Улар ҳар вақт етти қават осмон устида юришади, худди сиз ўқиётган эртаклардагидек... Ҳаётнинг ибтидо ва интиҳосидан беҳабар қолишаверади. Улим — ҳаётнинг қонуни. Ҳиссиёти кучли бўлганлар бунни жиддий ўйлаб, муҳокама қилганларида (аслида улар бунга қобил эмаслар!) ўлган киши тепасида оҳу фигуралар, изтироблар чекинамасди. Ўлган ўлиб кетди. Кимга керак? Нима керак бу азоблар, изтироблар? Мусиқа тинглаётиб йиғлаб юборишади — лекин, ким билсин, бастакор бу мусиқани ўғлига велосипед олиб бериш учун, бировдан олган қарзини ўз вақтида тўлаш учун ёзганми? Ақлли одамлар ҳамма маъқул ва мақбул гапларни зингил солиб тинглашади-да, ўз билганларидан қолишмайди. Юрак ўз-ўзини бошқаришга ҳам ожиз, ақл ҳатто одамларни бошқаради, уларга ҳукмини ўтказадди, ўтказажак...

Йигит жим бўлди.

— Пошшодай ҳукм-фармон беришга ҳавасим зўр денг!— Маъсума кесатиқ қилди, йигит унга тобора ёмон кўринмоқда эди.

— Эгиллиб яшашга ҳам тоқатим йўқ!— йигитнинг кўзларида нимадир йилтираб кетди, лаби гезариб, афти боришди...

Маъсумани кўзларининг ости пирпираб, манглайи эгилди. Йигит ўрнидан турмоқда эди, жим кетишни ўзи-га эл кўрмади шекилли:

— Хайр!— деди зўр-базўр. Маъсума эшитмади, эшитмасликка олди эмас, ҳақиқатда ҳозирининг ўзида унинг

хаёли аллақаерларга кетган эди, совуқнинг нуқси уриб оқаринқираган йигитнинг юзи баттар қум учди, лабини тишлаганча «ўз бурчаги»га йўналди...

«...Орадан ҳафталар, ойлар ўтиб, чол Кенжатойнинг қайғусида дунёи боқийга рихлат қилибди. Бир куни йигит мажнунваш, афтода ҳолда уйга келибди.

— А-ха-а!— кулишибди бой хотин ва катта ака.— Ҳам чиройлисини, ақллисини, ҳам бой-бадавлатини излабсан-да!

— Тополмайсан, тополмайсан!— уларга қўшилиб чинкиришибди кичик ака ва келин.

Кенжатой қаттиқ уҳ тортиб, «эх-ҳ!»— дея қўл силтаб, этагини қоққанча уйдан чиқиб кетибди. У кўп чиройли, ақлли, бой-бадавлат қизларни учратибди, лекин Кенжатой бошқачасини, бошқачасини орзу этаркан! Қандай? Қандай бошқача ахир? Ғалатироқ, ўзига ўхшаганроқ, ишқилиб оддий одаммас, бошқачароқ».

Маъсуманинг кўз олди қоронғилашди, юраги кўксини ёргудек тепа бошлади.

«...Атрофида бадбўй шамоллар эсаётган йигит отасининг қабрига бориб, юм-юм йиғлабди:

— Отажон! Нега мен бошқалардек эмасман, нега ҳамма қатори бахтли бўлиб қолишни истамайман, нега? Айтинг, отажон, отажоним, айтинг!

Отанинг руҳи унга жавоб берибди, сочларини силаб-сийпаб жавоб берибди.

— Сенинг одамлардек яшай олмаслигингдан кўрқардим, болам, умринг азобда қолганлигини кўриб яна қақшайман...

— Нима қилай, отажон, отажоним, нима қилай?!

— Юм кўзингни. Энг ширин висол — хотира, ўтмишдан топасан...

— Оҳ-ҳ...

— Йилларни ҳатлаб ўтиб қидиравер, болам. Қийинчиликлардан, бўронлардан, ёмонлардан ҳайнқмай курашавер, топасан!

Йигит бўзлабди, сиқтабди...

У ҳамон бошқача эмиш, одамлардек яшай олмасмиш, ўзи айтган одамнинг борлигига, ўша одам ҳам ўзидек бошқача эканлигига ишонармиш, ҳамон қидирармиш...»

Маъсуманинг кўзларидан ёш қуйилмокда эди, ўрнидан туриб чопқиллаб кетди. «Фалсафий иборалар» миясига кирмай, ҳуноб бўлиб ўтирган йигит унинг ортидан оғзини очганича ҳайрат билан қараб қолди.

Маъсума югурганча хонасига кирди, ичидан қулфлаб, ўзини каравотга ташлади ва ўксиб-ўксиб йиғлай бошлады...

Ташқарида оппоқ қорни ғарч-ғурч босиб, кимдир тентиб юргандек туюлди, дераза олдига борди, ҳеч ким йўқ...

Юраги ғижимлана бошлади. Манглайида, оппоқ дардманд бетида кезинган паришонхотир, бир оз дева-наваш телба-тескари хаёлни муаллақ қолдириб, намланган киприклари азобга тўла кўзларининг устига тортилди...

...Оппоқ қор эмиш, чўл эмиш, изғирин эмиш... Уфқ Маъсумага, Маъсума покиза, оппоқ умид нишонасига айланган эмиш... Унга талпинаётган одам Кенжатой эмиш, манзилининг поёни йўқ, бепоён манзил — умид манзилига интилмоқда эмиш... Юзларига, баданига санчилаётган изғирин танини бир қоп суякка айлантирар, оғритар, ҳадик қўшилган овози нидога айланади эмиш: — Мен излаётган одам қайда, қайларда у?

Маъсума гапирмоқчи бўлармиш: «Мен айтган одам сенми, Кенжатой? Уша сенми, Кенжатой?» демоқчи бўлармиш, лекин тиллари айланмас, олдига туман йиқилаётган эмиш...

Изғирин, рутубат... Муз харсанглари... Шум шамоллар Кенжатойнинг овозини аллақерларга олиб кетаётганмиш:

— Қайда у мен айтган Одам? Қайларда у?

КАРИМ ОТА

Карим ота оғилнинг шифтидан кетмонни олиб болга билан эринмай терди. Келини райҳон экаман деб кўзлаб қўйган ерни чопиб, дастасининг ўнғайлигини си-наб кўрди. Сўнг уйга кирди. Набираси ҳамон донг қотганича ухлаб ётарди.

— Ҳой Нурмат! Тур! Тур, болам! Чойингни ичиб, чалмани чопиб қўйсанг-чи, қишда ҳарна-да... Ҳеч бўл-маса танча исийди-ку. Ётишингни қара-я! Илгари сен тенгилар Уратепадан Хўжандга эшакда бориб бозор қилиб келарди. Бўл! Мен тоғангникига ўтиб келай, шундай кунларда қиз чиқарармнш... Тушдан кейини ток чолгани борамиз...

Карим ота фотиҳа тўйидан қайтганида қуёш оға бошлаган эди. Набираси энди уч-тўртта чалма узган экан, отанинг қиёфаси тундлашди. Кетмонни қўлига олиб:

— Қилавер ишингни, мен ўзим борамаи боққа, — дея шахд билан эшакка минди.

Боғ қўшниси Мансур ака ҳам эндигина келиб иш бошлаган экан, Карим отани кўриб суюниб кетди.

— Оббо ота-ей, — деди қувноқлик билан, — неварачани юборсангиз-ку ўзи бопларди-я. Овора бўлиб...

— Э-э, эрмак-да, Мансурвой. Неваралар бобокалонларига тортмаяпти, шувоқнинг шохига ўтирадиганлардан шекилли...

Карим ота йигитлардек чаққонлик билан ток пушталарини чопа бошлади. Кетмон бир нарсасага қарс этиб тегди. Отанинг юраги гупурди.

«Кўза-ёв? Ё тош-пошмикин?» хаёлига лоп этиб шу фикр келди.

Шошилмай ток новдасини бир четга сурди, кетмон билан пуштани кавлай бошлади. Кетмон яна тегди. Карим ота тупроқни қўли билан суриб қаради, суяк экан.

«Кўмиб ташласаммикан?»— дедию дарҳол фикридан қайтди: токнинг остида суяк турса хосияти йўқ.

Суякни олмоқчи бўлди, узун экан, икки четини яна кавлашга тўғри келди.

Карим ота суякни қўлига олди. Унинг кўм-кўк томирлари бўртиб турган чайир қўлларида қачонлардир дафн этилган инсоннинг сон суяги турарди.

— О-об-бо қизталоғ-ей, илгариги одамлар жа-а гавдалик бўлишган экан-да,— эшитдими-эшитмадими, дегандек қўшниси томонга назар ташлади. Лекин ҳеч ким кўринмади. Ярим пушта чопилган ер оқ қўйлакка қора ямоқ солингандек кўзга яққол ташланиб турарди.

Карим ота кечқурун қабристондан қайтди. Унинг кўзлари ичига ботган, ғамгин эди.

Эртаси куни қозон осдириб, қишлоқ мўйсафидларини чақиртирди. Улар ҳайрон эдилар. Воқеани билишгач, хўрсинишди. Айримларига ҳатто қариндошнинг ўлими ҳам малол, шунинг учун келганлар қачонлардир «дунё боқий»га рихлат қилиб, энди еттиёт бегона чолнинг қўлида иккинчи марта дафн этилган марҳум хотирасигами ёки жигаридан ажралгандек ғамга ботиб «ўлик оши» бераётган чолнинг соддадиллигигами — ачинишди. Ошдан сўнг уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришди.

Тўрда ўтирган мулла Даврон ўн беш яшар ўғилчасининг машина ҳайдай олишини, одамларнинг яхши-ёмонини бир кўришда билиб муносабат қилишини майин товуш билан ҳикоя қилиб, ҳаммани оғзига қаратди. Карим ота эса пойгаҳда тобора букчайиб, кичрайиб кетгандек бўлиб ўтирарди.

Иккинчи кун тушга яқин томоғидан ҳеч нарса ўтмай ётиб қолди, келинлари, неvara-чеваралари отанинг атрофида гирдикапалак бўлишди. Врач келди. Бети сўлиганроқ бу одам отанинг кўксига «дурбин» қўйди. Дори-дармонга, оқ халатли кишига иши тушмаган Карим ота: «Кўксим соф, текшириб ўтирма», дегандек унга ижирганиброқ тикилди.

— Ҳе-е-еч гап эмас, ўтиб кетади, бардам бўлинг, ота,— деди врач ҳам бамайлихотир.

Совхознинг бош агрономиям Карим отани кургани келди.

— Ота,— деди у дастурхон барини ўйнарган,— ра-
вотнинг ёнига мактаб болаларини хашар қилдириб тўрт-
беш минг тут кўчати ўтказмоқчимиз, қурт тутадиганлар
барг қидириб жуда қийналиб қолишди.

— Ўзимизда бўлгани тузук,— деб уни гапини тас-
диқлади ота.

— Шунга тажрибали бир боғбон керак-да.

Ота ўйланиб қолди.

Ашуров раислигида ўн мингдан зиёд олма, нок ни-
ҳолларини Қарим ота парваришлаб берганди. Бунга
ўн беш йилдан ошди. Ҳозир у совхознинг энг катта бо-
ғи бўлиб қолган.

— Майли, Нурматвой, уч-тўрт кундан кейин бир ке,
маслаҳатлашамиз.

Ўша кунни чолнинг қайсарлиги тутди. «Тўрт-беш минг
кўчат ҳазилми?— ўйларди ўзича.— Беғам, бефаросат-
роқ одамнинг қўлига тушса болаларнинг ҳам, совхоз-
нинг ҳам меҳнати зое кетади. Нурмат менга илиниб ке-
либди. Уч-тўрт кундан кейин ўзим чиқаман десам бўл-
масмиди?!»

— Дада, овқат ошкелайми?— сўради келин.

— Майлинг...

Кўнгли овқат тусамайроқ турган бўлса ҳам косага
қошиқ солди. Бўш қоп тик турмас, эрта-индин ишга бо-
риш керак.

...Ота ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетди. Кўчат
экиш байрамдек ўтди, илгари далага қўш чиққанда шу-
нақа одам йиғиларди. Эккан билан бўлаверармиди,
сув керак. Уч чақирим, юқоридаги ҳовузга қишлоқнинг
яккаю ягона булоғининг суви йиғилади. Одамлар кеча-
си қувур оғзини беркитиб сув йиғишар, кундузи эса то-
морқа суғоришарди. Қарим ота қувур оғзига латта,
чим бостириб гоҳи пайтларда пойлоқчилик қилиб ҳам
ётарди. Фаросатсизлар бўлади, бирортаси «шини» этиб
очиб кетса тарновдан тушаётгандек озгина сув қаерга
етарди дейсиз.

Минг машаққат чекди, барибир анчаси қуриди.

«Қайта экиб кўкартираман, челақ билан бўлса
ҳам сугераман», ўжарлик билан ўйларди Қарим
ота.

Совхоз директорининг олдига борди.

— Абдували, ўзимизнинг ўғлимизсан... Менга уч-
тўртта ишчи бер, Нурматга айтувдим, «директирдан бир
оғиз сўраг», деди.

Директор ўрандан туриб хонани айланди. Деворга

осиғлик турган совхоз харитасига боқиб ўйга толди. Стол устидаги сигаретдан олиб тутатди.

— Ота,— директор Карим отанинг елкасига қўлини қўйди,— ҳозир... ўзингиз биласиз... пахта масаласи...

«Бунинг гапи ҳам тўғри, ҳозир пахта муҳимроқ», деган фикр ўтди отанинг кўнглидан. Аммо гапи синганлиги унга алам қиларди. Бурун катаклари кенгайди, қовоқлари уча бошлади. Оппоқ соқолларини бармоқлари орасига олиб, қаттиқ-қаттиқ буради.

— Сенингча, тутнинг кераги йўқ. Шундайми?!

Ота шахд билан чиқиб кетди. Директор бирпас серрайиб турди-да, сўнг шарақлаб кулиб юборди.

Карим ота йўлда кетаркан, алам билан ўйларди: «Шу қилганига уч юзта тутни ёлғиз ўзим экмасам, Карим отим бошқа бўлсин!»

Унинг ҳаёт бешигида уч юз умид йўрғакланди.

Турсуқулнинг ўғли ўртоқлари билан совхоз боғида қўй боқиб юриб, қуруқ шохлардан нокнинг остида гулхан ёқибди. Оловнинг қийиқ тиллари дарахтга ҳам етиб борган-у, у ўртоқлари билан ҳиринглашиб ўтираверган. Карим ота у нокни ўз қўли билан экканди, тутзорга ўтаётиб кўриб қолди. Қоп-қора бўлиб кетган дарахт шохларини сийпаркан, юрагининг бир парчаси узилиб тушгандек бўлди.

— Тавба! Биров бутай деса, биров бузай дейди-я,— бақирди у ҳеч ким бўлмаса ҳам.

Ўз қўли билан ниҳол кўкартирмаса, Карим отанинг жони қандай чиқади, ўлиш осон дейсанми, дунёнинг сарҳисоби бор.

Умид...

Эрталаб эшакни миниб тутзорга кетаётганида суви қуриб қолган ҳовуз бўйига Шариф бобо чиқиб туради. У Карим отадан кичик, шунинг учун аввал салом бериб, гап ташлайди:

— Ха-а, Карим ака, кетяпсизми?

— Кетяпман!— истар-истамас жавоб беради Карим ота, сўнгра ўзича тўнғиллайди:

— Сендай бекупоқ бойўғлига ўхшаб ҳовуз бўйини биқсентиб ётайинми?

Шариф бобо унинг ортидан саргайиб кетган сўйлоқ тишини кўрсатиб тиржайди:

— Роҳат қилиб ётсанг бўлмайдими қариганда, бир оёғинг гўрда...

Қуёш тепада. Ҳовуз бўйидаги адл теракларнинг

барглари ҳорғин силкинади. Карим ота киприклари, соқол-мўйловини чанг босиб ҳориб қайтаётганда ўша жойда Шариф бобо билан кексаликни бўйнига олган Турсунқул, Имомназар, Камоллар ўтирган бўлади. Улар Карим отадан ёғинишади: «Ёшларга қўйиб бер ишни. Қилади-да!»

Ҳовуз бўйидагилар негадир Карим отадан ҳайқишди ҳам. «Бу чолдан нега қўрқаман? Нима, қарзим борми?» деган фикр доимо уларнинг кўнгилларига соя солиб туради. Бир қарз туфайли дунёга келиб, шу қарзини узгунча яшамоққа ният қилган одамга ўхшайди улар.

— Маним нафсим балодур, ёнган ўтга салодур, мулла Турсунқул. Ҳи-ҳи-ҳи.

— Сенинг ишинг билан совхоз бойирмиди, тўрт туп тут экдим, деб дунёнинг кетига олов қўяди бу чол.

— Келяпти!— шивирлади Шариф бобо.

Улар жим бўлишди. Карим ота тескари қараб кетмоқчи эди, лекин иложи бўлмади.

— Ҳа-а. Карим ака, келяписми?

«Ҳар бир одамнинг борадиган, келадиган жойи бўлади. Бу шўрликлар ҳеч қаёққа чиқолмаса қайдан келсин?» Карим отанинг хаёлидан шу фикр ўтди, жавоби эса дадил:

— Келяпман!

Ўртада жимлик. Карим ота эшагига халла босди.

— Тўқсонни урди-я!

Ҳар куни туш маҳали ҳовуз бўйида шунақа сўзлар бўлиб ўтар эди... Уйда эса Карим отанинг қаршисида уйқучи набира кафти билан шишган қовоқларини ишқаб, дакки эштади.

— Мен сенга қачонгача ўргатаман, а? Э, бола, куюнганимдан айтаман, ҳа, куюнганимдан... Ун учга кирдинг, бу юриш-туришда қачон одам бўласан?

Набирасининг безрайиб туриши жаҳлини чиқарди. Қайфияти бузилиб кўчага чиқди. Йўл четида оқаётган билакдеккина ариқ бўйига чўнқайди. Сувга термулди. «Эҳ-ҳе... Умр ҳам сувдек шир этиб ўтаркан кетаркан... Энди ўлимлигингни ўйласанг ҳам бўларди, чол!» Унинг хаёли чалғиб кетди.

Йўл четида қийқиришиб чиллак ўйнаётган болаларга қўшилмай, одамови бўлиб турган етти-саккиз яшар бола Карим отанинг эътиборини тортди.

— Ҳо-ой Маҳсумнинг ўғли, бери кел-чи.

Бола бўйинини қисиб кела бошлади. Карим ота унинг

кир-чир уст-бошига, рангпар юзига боқаркан, юраги бир нимани сезгандек «шув» этди...

— Даданг қаерда?— боланинг кир қўлчаларини дағал кафтлари орасига олиб сўради.

— Сўрида ётиптилар...

— Ҳм-м. Ойинг-чи? Ойинг ҳам уйдами?

— Йўқлар, уч кундан бери йўқлар...

Кўзини ердан узолмай мунғайиб турган бола тўсатдан «ҳи-ҳиқ» этди-ю, йиғлаб юборди.

— Ҳа-ай, катта йигит ҳам йиғлайдими, уят бўлади! Қўй, йиғлама!

Карим ота яктагининг ички чўнтагини титкилаб, қозоги кирланиб кетган конфет топиб, болага узатди. Бола ҳамон пиқиллаб йиғларди.

Отанинг кўзларига тўсатдан губор чўкди, шартта ўрнидан туриб, болани етаклади.

— Юр, болам!

Бола эргашди, йиғидан тўхтаганиди.

Кун тобора қиздирарди, Карим ота ўзинча шивирлади: «Ноинсиф! Учта гулдай бўласи бор-а, қадрини билмаган... Сочи сулурги, қўли кесов бўлиб хизматини қилади, шундаям уриш-жанжал... Қанақа одам-а? Қанақа одамлар ўзи? Тилла хотин у, тилла хотин... Илгаридек қадр қана? Меҳр қани? Қанақа одамлар-а?!»

Бола нозик бармоқлари чолнинг дағал кафти орасида қисилиб оғриётганига қарамай, унинг ортида йўртиб борарди...

ХИЁНАТ ГОРИ

*Ишонгил,
ҳеч қачон сени алдамас
софдил элатларнинг асотирлари.
Шавкат Раҳмон*

* * *

Тоғлар фаслларнинг асл қиёфасини намоён эти-
ди: баҳор бўйи кўрк-таровати қўтир тошлар орасидан
унган ўтлар-ғиёҳларда, қиш аёзи ҳалқа-ҳалқа булут-
ларни «кийиб олган» чўққиларда узоқ-узоқ сақланиб
қолади.

Тоғлар қисқа ҳаётда ҳамма нарсани тез кўриш ва
унутишга маҳкум одамлар сингари эмаслар — улар ҳис
қилишга ошиқмайдилар, саратон тошлар сиртида чарс-
чарс ёнса-да, Қуёшнинг ғаниматлигини унутмайдилар...
Одамлар бир жойда тудаланиб аллақандай ўткинчи
ташвишлар, майда-чуйдалар билан ўралашиб ётишган-
да тоғлар энг содда, энг оддий, энг пок ва ҳалол яша-
ётган бўладилар....

* * *

Бир тўп арча ҳамма нарсани кўм-кўк яшнаб қарши
олади... Танасига синган поклик шунчаликки, неки қа-
биҳлик бор, ишонмайди... Кессалар ҳам ишонмайди,
чопсалар ҳам...

Ҳамма нарсани кўм-кўк яшнаб кузатади...
Шундай туғилади, яшайди...

* * *

Тоғларда фасллар узоқ яшайди...
Тоғларнинг йиллари узун-дароз, қисмати абадийлик.

Ғорлар...

Қояларнинг афсонаю асотирлари яширинган «кўзлари». Сир-асрори қоронғи, чуқур тубида. Ғорларнинг ичи намхуш, зах, тепасида катта-кичик тошлар осилиб ётибди... Қуёш нурлари дастлаб уларга тушади. Қизиб-қизиб кунботар пайтида ловуллаб алангаланadi...

* * *

Тоғлар занжирининг биринчи ҳалқасида, унча баланд бўлмаган жойда қадимий ғор, ғор ёнидаги тош супа-чада соқоли патила-патила пахмайиб кетган, дунёда худди минглаб-минглаб йиллардан буён яшаб келаётган ва чамаси яна шунчасига кўз тиккан чол... У эски пўстак устида чордона қурганча най чалади... Най йиғлайди, сиқтайди, ниманидир сўраётгандек, илтижо қилаётгандек... Қуёшнинг юзи сарғайиб, хира тортади...

* * *

Қуёшнинг ёғдулари тошлар устида ўйнаганча, гиёҳлар, ўт-ўланлар узра уфқ томон чопқиллаб кетди... Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги йигит зўр-базўр қадам ташлаб, бошларига оқ шапкачалар қўндирган, қора кўзойнак таққан енгил спорт кийимидаги икки эркак, бир аёлни ортидан эргаштириб борарди...

Йигит тоғлик эди. Чолвор ва чорик кийган, сурп яктаги кирланиб кетганди. У эрталабдан бери йўл бошлаб юрибди. Хомсемиз, терилари позиклашиб кетган бу одамлар сал соя-салқин, шабада тегадиган жойда дарров чўзилишиб, хуррак отаверишлари билан йигитнинг жонига тегиб кетди. У зерикар, олис-олисларга термуларди, холос. Бир сафар аёл унга:

— Маҳмудчик, юр, бир айлантириб ке,— дея ишва билан боқиб ўрнидан турди.

Аёл ёш эди, кўҳлик эди, кўзлари аллалаётгандек боқарди. Маҳмуд бошини эгиб, лабини тишлаганича унинг ортидан эргашаркан. Қуёшнинг ўйлаб борди... Қуёш ҳар куни тушига кирарди. Тоғлар ортида у думалайди, думалайди, Маҳмуд унинг ортидан талпинади, талпинади... Қуёш бирданига тепага кўтарилади-ю, ёйилиб осмонга айланади...

Аёл тошдан-тошга эчкидек сакраб, баъзан қалқиб кетиб Маҳмудга суянар, Маҳмуд осмону Қуёшни қаттиқроқ ўйларди...

Уфқ қизғиш-олтинранг тусда товланиб, ёниб, атроф-ни кечки сукунат, босиқлик эгалламоқда эди... Қоялар сукунати-ю, босиқлиги билан қадим донишмандларни эслатади. Улар элатлар, халқлар оша, наҳру баҳрлар оша қайларгадир нигоҳ қадашиб, оғир ўйиндан чўчитиб юборган дайди шамоллар, қуюнлар масканини ахтарарди...

Шамол, шамол...

Қуюн, қуюн...

Уларда маскан қайда, макон қайда?!

Уйқуга тўйган икки «сайёҳ» супачанинг четидаги тош устига қўйилган шамчирокни, чолнинг ажинларга тўла юзини қизиқсиниб, синчиклаб «текширишди». Ғорнинг унча катта бўлмаган туйнуги олдига боришиб, ичкари мўралашди. Аёл бир четда хомуш ҳолда ер чизиб турган Маҳмуддан кўзларини узмасди. Чолнинг нигоҳи чўққи устидан чоппиб ўтишга улгура олмай қолган бир тутам ёғдуда эди.

— Бобой, бу ғор тўғрисида қанақа афсоналар бор?!— «Сайёҳ»лардан бири юк халтасидан дафтар-қалам чиқарди.— Цивилизациянинг оёғи етмаган айрим жойлар— нарсалар фан оламида янгилик бўлиши мумкин! Шундоқ-шундоқ, бир тоғ, тоғда ғор, ғор ёнида эртаю кеч ўтирган чол... Ёзсанг бироз нишонадими?! Ишонмайди! Кўрмасам мен ҳам нишонмасдим. Ишонтириш учун далил-исбот керак... Тап-тайёр кандидатлик иши!..

Чол ивдамай бир тутам пур чўққини тарк этганини афсус ва надомат билан кузатарди.

— Бир нима денг-чи, бобой!...— «Сайёҳ» ёзишга чоғланди.— Сенсация бўлади-и! Ҳозир одамлар ҳеч ким билмайдиган, хаёлига ҳам келтирмайдиган нарсаларга қизиқишади!..

Чолнинг юзи қилт этмасди. У кўзларини бир нуқтадан олмаган ҳолда най чала бошлади. Чол най ҳабаш қиз Зубайданинг тақдирини сўйлаётганига амин эди. У бошқалар ҳам най тилини худди ўзи сингари тушунишларига имони комил эди. Унинг топган-таянгани, эътиқоди ягона... Буни най одамлар дилига қуя олади, деб ишонарди...

...Ҳабаш қиз Зубайдани асира қилиб олдилар...

Найда ана шуни айтмоқчи бўларди.
Буни қандай айтиб бўлар?!
Най ана шуни айтиб йиғларди!
Буни қандай йиғлаб бўлар?!
Най ана шуни айтиб изтироб чекарди!

* * *

Ана кўплар тутқун қилиб олинганди. Уларнинг исми йўқ эди. Қуллар исмсиз туғиладилар ёинки исмларини тортиб олишади уларнинг.

Улар нима учун дунёга келганликларини, ким эдилару ким бўлишларини билмасдилар, билмайдилар.

Уларнинг тарихи йўқ эди.

Қулларнинг тарихи бўлмади ёинки тарихини тортиб олишади уларнинг, шундан сўнг тақир пешонадаги ёзувни «тарих битиклари», деб ўқишади... Уларнинг орасида Зубайдагина аёл эди... Аёлнинг тарихи ҳамиша ўзи билан.

Зубайданинг кўзёшлари қотиб қолганди. У, юраги денгизда сузаётгандек қалқаётганини ҳис қилиб турарди, кўкси кўзёшларга тўлиб кетган.

Сахро, қуёш. Қуёш, сахро. Қуллар зўрға судралишади, занжирбанд илклари қон, қон, қон...

Тоғлар кўринди.

Баланд-баланд, тутқунларнинг азоблари олдида настгина тоғлар...

Осмонда ой кезарди. Ҳашаротларнинг овозлари эшитилди, елкаларга шамол тегди...

Шамол ғалати эди. Ҳавода тўлқиндек мавжлана-мавжлана кезарди.

Юрт исини олиб келганини тутқунлар кейин сезишди, юракларига ғулу тушди... Тарих пайҳон қилинганди. Исмлар тортиб олинганди.

Шамол эсаверарди, эсаверарди, эсаверарди...

Тутқунларнинг эгалари орасида низо чиқди, ҳар қайсиси ўзига кўпроқ қул тегишини истарди. Бир-бирларига хиёнат қилишди — қонлар тўкилди ўртада, «на сеники, на меники» бўлди-ю, тутқунларнинг ҳам бошлари сапчадек учаверди, учаверди, учаверди... Дўстларига ҳам, қулларга ҳам хиёнат қилишди улар!

Зубайда дарё-дарё ёш оқиб, қулларнинг бошларини йиғиб кўмди.

Азоб, азоб...

Йиғлайверди, йиғлайверди...

Изтироб, изтироб...

Юраги қалқади...

Қўллари оқара бошлади. Юзлари, танаси... Азоблар, изтироблар руҳ ва танини оппоқ, оппоқ мусаффолик тимсолига айлантирганди...

Тонг ота бошлади. Адир четидаги гуллаган олма дарахти учишга шайланган оппоқ кабутарга ўхшаб кўриларди. Хиёнаткорлар тоғ томон кетаётган Зубайдани кўришди. Париваш! Вужудларида, кўзларида ҳирс ёнди, ёнди...

Фақат бир истак ёнди...

Елғиз истак...

Зубайданинг товошларини тошлар тилди, у қочаверди, кўзларига қўрқув найзадек санчилиб қочаверди...

Қоя уни оғушига олди. Қиз ғор ичига кирди-ю, қўрқув билан пийжларини қисиб, бурчакка сиқилиб турди... Унинг ортидан хиёнаткорлар оёқ қўйишлари биланок ғор милкларидан тошлар дув-дув тўкилиб, уларни босиб қолди.

Сочилган тошлар.

Хиёнатга отилган санглардир улар!

Тоғларнинг «кўзлари» тубига энг соф, пок одамларгина кира олишармиш!

* * *

Сайёҳларнинг юзларида ҳайронлик ифодаси қотган, тоғлик йигитнинг ранги бўздек оқарган...

Дафтар-қалам тутган одам афсонаю асотирлар ёзиб олиш илинжида най садосининг тинишини кутиб турарди! У кутиб турган нарсани най аллақачонлар сўйлаб қўйганди!

— Ғорнинг номи нима, бобой?— Сўради у яқинроқ келиб.

— Аёлига, элига, имонига, инсофига хиёнат қилганларга бу ғор тош отади. Хиёнат ғори...

У чол оғзидан чиққан ҳар битта сўзни эпчиллик билан ёзиб олди.

Икки эркак ғор ёнига боришар, ичкари кирмай кузатишар экан, ғор шифтида қорайиб осилиб турган тошлар ҳақиқатан ҳам ҳозир кўчиб тушадигандек туюлаверди уларга...

— Бўлмаган гап-да!— деди уларнинг бири.— Ғор хиёнат қилган-қилмаганини қаёқдан билсини?

— Кир ичкари...

— Киргим келмаяпти.

— Қўрқяпсанми?!

— Айтдим-ку, умуман ғорга киришни ёмон кўраман. Ўзинг киравер.

— Ростини айтсам, қўрқяпман...

Аёл «пик» этиб кулди.

— Диндорлар ўйлаб топган уйдирмага шунча ваҳи-мами? Тўғрими, Маҳмудчик?!

Йигитнинг кўзлари бир нуқтага қадалган, ўзи шамдек қотиб турарди. Ноқулай жимлик чўкканди. Ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Чолдан сас чиқди:

— Маҳмуд!

Йигит сесканди. Пешонаси совуқ терчилади. Қимирлашга ҳоли келмагандек, бир муддат туриб қолгач, чол уни иккинчи марта чорлади:

— Маҳмуд!

Йигит қўлларини қаерга қўйишни билмагандек, вужудини қаерларга улоқтиришга ҳайрондек, гандираклай-гандираклай чол томон юра бошлади. Чолга етмаёқ ғор томон бурилди-ю, қалтироқ қўллари билан ғор оғзида пайпасланиб ичкари кирар-кирмас нимадир шарақлади. Шифтдан тош кўчганди. Йигит қўрқув билан ўзини орқага ташлади. Учиб кетай деди.

Дағ-дағ титраётган оёқлари чалкашиб-чалкашиб чолнинг олдига келди-да, ўзини унинг оёғи остига ташлади....

Йигит ўкраб юборди... Елкалари силкинди. Чолнинг кўзлари намланиб, унинг кифтларига қайғу ва ачиниш билан боқиб, қалтироқ товушда нимадир деди.

Йигит қаттиқроқ ўкрай бошлади.

Тоғдай кифтининг силкинишидан тоғлар силкинди...

КЕНГ ДУНЕ

*Нима учун биродаринг
кўзидаги хасни кўрасан-у,
из кўзинидаги ходани
пайқамайсан?!*

Халқ.

Бир одам ўлибди. Бир ўмр бари-барига етмаган камбағал экан, дафн этиш учун ҳам кашайни эшакка ортиб, қайлардандир тупроқ келтиришибди... Орадан бир-икки ой ўтар-ўтмас унинг қабрини ҳайвонлар очиб, ўлак-сахўрлар лошини еб кетибди... Одамлар камбағалнинг давангирдек-давангирдек икки ўғлига таъна қилишган экан, улар: «Бу қабр бизди отамизники эмас, отамизники мана бу», дейишиб, бузилмаган тепачани кўрсатишибди... Ур жанжал-сур жанжал бўлиб ётганда, бир киши:

— Санлар қабрга тупроғни қандай олиб келганизлар?— деб сўрабди.

— Шундай-шундай, эшак билан олиб келган эдик,— дейишибди ўғиллар.

— Қаяқдан?

— Ҳо-ов тепадан.

— Ўша эшакнинг устига бир кашай тупроқ ортиб ўша тепадан бу томон ҳайдаб юборинглар,— дебди ҳалиги киши. Айтганидек қилишибди. Эшак тикка қабристонга кириб келибди, қабрлар орасидан ўтиб, вайрона қабр тепасида тўхтабди. Ўғиллар миқ этолмай қолишибди...

— Аммо-локигини,— дейди Умматқул,— бизда эшак у эшакдан ҳам қаллалик. Шаҳар кўчаларида адаштириб келсам ҳам тўғри уйни топиб келади, қизиқчиликка бир-икки адаштирдим ҳам, йўқ, қайда, кечқурун дарвоза олдида «Ханг-ханг «и-и-ҳа» деб ханграб қулогини осилтириб кириб келади...

Ҳозир ҳам «каллалик эшак» бир тавақаси кесаки-сидан ажралиб тушган дарвоза олдида ҳеч қандай ишоратсиз таққа тўхтатди. Товба-ей?! Чумоли билан эшакнинг фарқи йўқ: ингичка оёқлари энг оғир юк остида ҳам «қилт» этмайди, фақат... Чумоли меҳнатининг ҳузурини ўзи кўrsa эшакникини ола сигир билан тарғил бузоқдан сўранг. Қишда молхонанинг бир четида чўзилиб ётганини кўриб «жони чиқиб қопти-ку!» дея хўжайиннинг юзи буришиб кетар, «ёмон кунда жон чиқиши ҳам қийин» деганларидек, жонвор инқиллаб-синқиллаб, қишни ўтказарди. Култепага думалайдиган қилиқ чиқарса... Ҳай-ҳай худо сақласин! Ёзда сомон, гўнг ташийвериб тинкаси қуриб кетар, вақтида дунёи боқийга рихлат қилиб қўя қолмаганига афсусланарди. Начора?! Кечаги гап бугунга тўғри келмайди.

Айрим пайтларда куни туғарди.

Меҳмондорчилики, ё шунга ўхшаш жойга бориш лозим бўлса унга эгар уриларди. Бедами, бўтакўзнинг хушбўй пичаниданми кавшаб, диконглаб қайтарди.

Унинг устида ҳозир ҳам эгар. Ҳанграмоқчи бўлиб чуқур нафас олган эди, бахмал дўпписининг жиягини «ёғи» чиқиб ялтираб турган, башарасидаги соқоли тиканакдек хўжайин икки қулоғи орасига «шап» эткизиб хивич туширди. У калласини энгаштириб, ҳирқираб қолди.

Хўжайин сўкинди, уни етаклаб ҳовлига кираркан:

— А-ази-мм-ж-о-о-и! — деб бўғилиб қичқирди.

— Ҳу-увв... Ҳо-о-о-зир,— пастқамгина уйнинг тупроқранг эшиги қандайдир ғашга тегувчи, жувознинг сувсвараган ўқидек «ғийиқ» этиб очилди, остонада узун бўйли аёл кўринди. Чамаси, бу уйдан кимнинг номи олиб чақирилса ҳам шу аёл чиқарди. Чуқур қовоқлари орасидаги нурсиз кўзлари бирозга тик қарашга ботишмаган, юзида қишлоқ аёлларига хос мулойимлик балққан, умрида қишлоғидан бошқа жойни кўрмаган аёл эди у.

— Ҳаром қотгурни отқозиққа боғлаб ўт ташлаб қўй. У-фф... Ҳаромас, бало! Ўчагининг ўраб оғзингга келтирад-я,— деганича Умнатқул уйга кириб кетди.

Тахмонда тунука қопланган кўҳна сандиқ устига тўрт-бешта тўшак, кўрпача ва болишлар тахланган. Болларларнинг бирига бошмолдоқдек қуйруқ, иккинчисига бир даста исприқ осиб қўйилган. Чўлнинг, одам оёғи тегмаган жойнинг исприғини хосияти зўр. Кўрпаси олиб

ташланган танча устидаги банкада чилла суви, юзингни чайсанг офтоб урмайди... Ҳар ким ўз дардига ўзи даво-топса яхши экан... Уйнинг ўртасига кигиз ташланган. Четдаги каравотда чалқанча ётган йигит «Олий ўқув юртига кирувчилар учун физикадан қўллашма» деган кўк муқовали, чоғроққина китобдан зўр бериб қонда ёдларди. «Массанинг тезланишга кўпайтмаси... Массанинг тезланишга кўпайтмаси... Куч дейилади...»

У дадасини кўргач эринчоқлик билан ўрнидан турди, темир каравот ғижирлаб кетди. Қафтининг орқаси билан қип-қизил кўзларини ишқаркан:

— Опкелдингизми?— дея сўради.

— Ҳе-э! Қўяманми! Тутган еримдан узамаи,—ҳалиги киши бир нимани юлиб олмоқчи бўлгандек панжаларини ёзиб, олдинга чўзди, сўнгра қишлоқ советидан олиб келган справкани белбоғининг қатидан чиқариб ўғлига тутқазди.

Йигит қогозни бепарво олди, китобининг орасига қистирди. Ота катта ишни дўндиргандек тик турган ҳолда сопол косадаги айронни таг-туғи билан смирди, лаб-лунжини артиб уйдан чиқди.

* * *

— Кетяпман,— деди Азимжон чой ичаётган дадасининг олдига келиб. У аллақачон жомадонларини тўғри-лаб қўйганди. — Ҳужжат топшириш керак.

Умнатқул ғалати илжайди. Қўлидаги пиёгани даст-турхон четига қўйиб:

— Орипуф билан гаплашдим, парво қилма,— деди ва чарм ҳамёнидан иккита ўн сўмлик чиқарди.— Қуруқ ёғоч соя бермайди... Ҳм... Майли, буёғига ишнинг бўлма-син. Тўғрилайман. Кўнглингни тўқ қил. Олгин-у, олди-ма.

Умнатқулнинг хотини ҳам қўшилишиб юзига фоти-ҳа тортди.

Йигит нимадир деб пўнғиллади. Ун сўм қўшилди. Опа ўғлининг пешонасидан ўнди. Қачонлардир кўми-либ қолган булоқдан сув тошгандек кўзларида ёш қалқ-ди. У фақат: «Омон бўл!»— дея олди. Йигитни гўё ҳо-зир онадан ҳам буюкроқ, азизроқ нарса ўзига чорламоқ-да эди. Шошиб хайрлашди. Қишлоқдан чиқиб кетаркан, дарахт шохидаги мусичанинг бузуқ уяси, йўл четида-ги қабристон, онасининг пасадаи қайғисини кутиб маъраётган бузоқ, бузуқ дарвоза, эшак миниб ўтиб кета-

ётган қандайдир чол юрагини жизиллатиб, кўзидан ёш чиқармади, йўқ.

У шаҳарлик, боз устига «катта одам» бўлмоқчи, майда-чуйда нарсаларга кўнгил бузишнинг нима кераги бор?!

У кетаётган йўлнинг бошига бир пайтлар ҳозир таниқли бўлиб кетган одамлар ҳам чиқишганди. Улар ҳам Азимжондек шу тупроқ йўлдан кетишганди. Картон жомадон, тўр халта кўтариб, уриниб қолган кўйлагу ямоқ шимда минг ҳадик билан йўлга чиқишганди. Ҳозир катта одамлар бўлиб кетишган!

Лекин улар қишлоқдан чиқаётиб, жомадонларини ёнларига қўйганича ажриқ қоплаган тепалик устида хаёл суриб узоқ ўтиришар, томоғларига нималардир тиқилиб кўзларига ёш келар, ота юртга, она юртга термулиб хўрсинишарди... Юракларининг бир бўлагини шу ерда қолдириб, сўнгра кетишарди... Улар катта одамлар бўлиб кетишган ҳозир!

* * *

Мансур ака беда полининг четига шолча ташлаб, кўрпача ёзди. Беда ҳиди! Тўймайсан киши, ютоқиб кетасан. Яшилликка айланган булутнинг таъмини сезасан. Шамол яшил денгизни майингина чайқатади. Кўк-ламнинг тонги-ю, ёзнинг кечқурунининг гашти илк севгиникидек бўлади... Мансур аканинг чойхўрлиги тутди-ми, шолча кўтариб шу ерга келади. У оёғини узатиб пиёлага энди чой қуяётганди, тошнок шохига осилган тўрқовоқдаги бедана патирлаб қолди:

«пит-бил-диқ... пит-бил-диқ...» Унга жавобан иккинчиси бошлади: «ва-вақ... ва-вақ...»

Мансур аканинг тани бўшаши, оғзининг таноби қочди:

— Оҳ овозингдан! Сайра-е, сайра! Сел қилади-я, сел!

Дастлаб сайраган беданани яқинда икки юз сўмга бермаганини эслаб:

— Уч юзгаям, тўрт юзгаям бермайман!— деб юборди.

— Ўзингизча нимани савдо қиляпсиз, қўшни?— Мансур ака товуш келган томонга қараб, сапчиб тушди:

— Э-э! Умнатқул, келинг-да мундоқ айланиб,— Мансур ака у билан қўшқўллаб кўришаркан, гина қилди:— ўртада девор бўлмаса бир ҳовлимиз-у, юз сўмликка ўхшаб юз кўрсатмайсиз. Бизнинг беданани сайрагани сиз-

нинг ҳовлигизга етиб борса керак, албатта етиб боради-да! Биринчидан, яқинмиз... кейин ўзиям зўр-да! Шундоқмасми? — Улар ўтиришгач, Мансур ака яна завқ билан сўзини давом эттирди:

— Беданадан сайроқи қуш йўқми деб қўйдим. Алаббай! Йў-ў-гей?! Булбул-булбул! Ҳеч вақт бедана бўлмайди. Тўғримасми?

— Азимжонни Тошкентга жўнатдим,— Умнатқул гапни бурмоқчи бўлди.

— Ўқишгами? Яхши қипсиз?! Ҳозирги замонда ўқиш керак! Илм бамисли чироғ, одамнинг йўлини ёритади, деган машойиҳлар. Баъзан ёруғликдан қоронғулик ўнғай ва афзал локигин... Чойдан олинг... Тошкент ҳам хўп катта шаҳар-да! Урусми, чулчутми, қозоқми, ўзбекми бари аралаш. Бир-биримизга биродармиз-да билсангиз. Чилонзор тарафда бир ошнам бор, «бедана» деган сўзни эшитса ухлаб ётган жойидан туриб кетади. Бу ишқ-да! Унинг ишқи... таърифга сиғмайди...

— Худо хоҳласа Азимжон ерда юрмайдиганлардан бўлиб кетади, қўшни,— Умнатқулнинг мақтаиғиси келарди.

— Илло шундоқ бўлсин,— деди Мансур ака ва негадир хомуш бўлиб,— ҳа-а ишқилиб айтганингиз келсин,— деб қўшиб қўйди.

* * *

Ташвишни ёқтирган кишининг бепарво бўлиб қолиши яхшиликдан дарак бермаганидек, беғам кишининг ташвишга тушиши, дунё ҳақида жиддий ўй суриш гарчи ҳаётида қандайдир нохушликдан дарак берса ҳам ёмонлик аломати эмас. Инсон ташвиши тўлқинга ўхшайди, эзгулик ундирсам дейди... Бемурод, ўз ўзанини кенгайтирмоқчи бўлиб қирғоқ ўпирган тўлқиндан алҳазар!

Умнатқулни «дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган»ларнинг сирасига киритишарди қишлоқдагилар. Ўн йилдан кейин пайғамбар ёшига ҳам етади, лекин бирор тузук уй-жой, мол-ҳол қилолмади шу туфайли. Сигири бўла туриб бозордан сут-қаттиқ опкелади, ем-хашакни сероб қилиш парвойига келмайди. Номига сигир борми-бор! Бировнинг участкасигами, ҳовлисигами подадан қайтаётган сигирларнинг энг кўримсизни тушдими, бас, суриштириб ўтирмай Умнатқулнинг бошига «дод» солиб келаверадилар.

Ҳар қандай гапга жавоби тайёр: «Бўлар, дунёнинг иши!»

Лекин кириш имтиҳонлари бошланган пайтда елиб-югуришларини кўрганлар: «Тоза кўнглига гулу тушибди-ку беғамнинг, ўғлининг ўрнига ўзи имтиҳон беришти шекилли»,— дея унинг ортидан ҳайрон боқишарди. Беҳос турган шамол ҳам куртаклар лабида муҳрини қолдираркан. Умнатқулнинг ўғли ўқишга илинди. У топган-тутганини шунга совурди. Шундай бўлсада Умнатқулнинг димоғи чоғ эди:

«Кенг дунё бу! Тўқ кун ҳам ўтади, оч кун ҳам... Қишлоқда бизнинг ўғилчадан зўри чиқмайди!»

* * *

Қишги сессиянинг биринчи имтиҳонидан ўғлининг қулаганини эшитиб, Умнатқулнинг кўнгли ўпирилган сабзи ўрасидек чўкди. Чўнтак қип-яланғоч. Саросималанди. «Мансурдан қарз олсаммикан?»—деб ўйлади-ю, дарров фикридан қайтди.

— Э, обрў керак! Кенг дунё, яна икки-уч ой чаккага тоғора тутсак ҳеч гапмас.

Томни шифрлаш учун олиб қўйган тахталарни дарвоза олдига тахлаб қўйган эди. Пулга чамалади. «Икки юз сўмга олгандик, ярмини ўтин йўқлигида ёқдик. Юзга кетади».

Умнатқулнинг дарвозаси ёнидан ҳар куни қоп-қора аравачали мотоциклини тариллатиб ишга бориб келади-ган монтер Ота пирсиёнинг:

— Ҳи-ҳи... Ҳа беғам, сотдингизми?—деб ташлаган кинояли сўроғига:

— Маъқул тушмади, Ота. Ингичка — нимжон экан, чидаш бермайди бунақа тахталар,—деб жавоб берди.

— Ҳи-ҳи... Йўқ қуйруқдан бор ўпка маъқул-да. А, лаббай?!

Бировнинг уйда қандай овқат пишаётганини мўрисидаги тутунга қараб биладиган монтер Умнатқулнинг индамай уйга кириб кетаётганини кўриб, мотоциклининг тепкисини босди ва баралла қаҳқаҳа уриб юборди.

Умнатқул эртаси куни катта сумка кўтариб шаҳарга, тикка Ориповнинг уйига йўл олди...

...— Э-э-э... Ёнини олманг, почча,—Зиёдилло қанчалик босиқ гапиришга тиришмасин, томоғидан ўшқирик чиқмоқда эди. Азимжон сўрида тиззасини бир-бирига мингаштириб, ўзи ҳақида бўлаётган гапларга парвоям қилмай оёғининг учини ўйнатиб ётарди. Зиёдилло бола-ни бўш қўйиб юборибсизлар, бу нима қилиқ деб поччасию опасидан домангир бўлмоқда эди. Ҳозир гижинганча сўри ёнига келиб магнитофоннинг клавишини босиб ўчирди.

— Ҳа-а-а?!— деди Азимжон ўрнидан туриб салом бериш ўрнига «нима керак!» дегандек.

— Тур, ўрнингдан,— Зиёдиллонинг ёноқлари пир-пир уча бошлади, бурун катаклари кенгайди,— йигит одам куппа-кундузи ҳезалакларга ўхшаб чўзилиб ётадими?

— Дам оляпман,— бепарво жавоб берди Азимжон.

— Нима?!— Зиёдилло гарчи жияни шу ётишда бошқача жавоб беришга қодир эмаслигини сезган бўлса ҳам, тутақиб кетди!— Ҳе-э шунақа дам олишингниям...

У кўзларини мастона сузиб, ўзига тикилиб турган жиянининг бетига тарсаки қўйиб юборди. Сўнгга йиғлади...

Ахир уни ўзи елкасига опичлаб ўйнатиб юрганига кўп вақт бўлгани йўқ-ку?! Кўм-кўк тепаликларда чиллак ўйнаётган тенгқурлари олдига жиянини етаклаб бориб: «Эр йигит, шер йигит, тоғасига тортган» деб мақтанарди. Бу қандай сир? Қандай муаммо?

Мана энди у туфайли ерга кириб кетай деди. Кимсан Холиқбобо авлодидан ахир у. Жияни бунини тушунмайди, тушунишни истамайди ҳам. Бир пайтлар жиянига кулиб боқадиған кўзларида ғазаб сачради. Эркакнинг ори, шаъни ерга тушмасин экан...

Зиёдилло жиянига гап уқдириб бўлмаслигини сезди. Кўзига ёш олмай, унсиз, эзилиб йиғлади у.

Азимжон хайр-хўшни ҳам насия қилиб жомадонини кўтарганча жўнаб қолди. Онасининг йиғисига ҳам, отасининг тўнғиллаганига ҳам эътибор бермади.

— Умматқул ака, ўғлингизга ёзда ҳам ўқиш бор экан-да?— деди унинг дарвозаси олдида мотоциклнинг балонларини тепиб кўраётган Ота пирсиён.

— Ҳа-а, бор экан, — Умматқул нима деярини билмай унинг гапини тасдиқлади.

— Одамларнинг тоғаси жиянини уйлантириб қўяди,

кам-кўстини тўғрилаб беради. Зиёдиллонинг жиянига меҳри йўғ-ов, бу замонда тоға ҳам дўст бўлмас эканда,— Ота пирсиён гап кавлашга тушди. — Э-э, бунақа тоғаларни бизнинг ўғилча назарига ҳам илмайди.— Ҳи-ҳи... Ҳи-ҳи...Опасиниям ҳурмат қилмаскан-да!— Кечқурун «беҳурмат, бемеҳр» укаси туфайли Умнатқулнинг хотини дакки еди, улар ит-мушук бўлиб олдилар.

Ўғли келавермагач, Умнатқул қишнинг ўрталарида пўстинини кийиб бузоқни бозорга олиб чиқди. Хашак йўқ. Оғилда мол кўп бўлса ҳам бир-бирига ҳоври тегиб тураркан, бир ўзи бўшашиб, устихон бўлди-қўйди.

«Шунингиз кўкламда фалон пул бўларди, икки-уч ойдан кейин мол заҳар бўлиб кетади». Умнатқул арзон нархда бузоқни бериб келгандан сўнг бу гапларни парвойига ҳам келтирмади: «Барибир кетди!»

Шаҳарга жўнади. Ўғлининг ўқиш жойини қидириб топди. Қийиқ боғлаб олган, соқоллари ўсиқ, этиги ва пўстинидан жун ҳиди келиб тирган кишига эшик олдида навбатчилик қилиб турган қизлар ҳайратланиб боқишди...

Умнатқул паркет поли ялтираб турган остонага қадам қўйишни ҳам, қўймаслигини ҳам билмай гарангсираб турганди, кўзлари катта-катта, маъюсгина қиз ундан одоб билан сўради:

— Амаки, ким керак эди?

— Шу-у,— у бирдан тутилиб қолди, —Умнатқулов керак эди.

Ҳалиги қиз «шунақа болани танийсанми» дегандек дуғонасига қаради.

— Биз биринчи курсдамиз, амаки,— деди иккинчи қиз унга,— юқори курсдагиларни яхши танимаймиз. У киши нечанчидалар?

— Ўқишга келганига беш йил бўлди.

— Демак битирувчи эканлар-да?!— қизнинг кўзлари муҳим нарсани кашф этгандек пориллаб кетди. Умнатқулга стул келтириб бераркан, қўшиб қўйди:— Ўтириб туринг, танаффусга озгина вақт қолди.

Умнатқул стулга чўкди. У кенг залдаги улуғвор плакатларга ҳайратланиб қараб ўтирар, «бу ерда ўқиган албатта зўр одам бўлиб кетади» деган фикр миясидан барқ уриб ўтар, фермадан олган маошини тишининг қавагида асраб ўғлига яратганига, тахта, бузоқ, сигир каби арзимас нарсаларни ўзича улуғ ишга сарф қилиб юборганига қувонар, чўкиб қолаётган молхонаси, томи шифрланмаган уйи ҳам кўз олдида жонланарди.

«Худо хоҳласа оз қолди,— хаёлан сарҳисоб қилди у,— кенг дунё бу, ўтади. Қирқи ўтди-ку? Бир йилда ҳамма кам-кўстини тўғрилаб, бошини иккита қилиб қўяман, фермадаги ишни ҳам ташлайман ўшанда. Катта лавозимдаги одамнинг отаси мол тезагини тозалаб юрса унинг шаънига тўғри келмайди-да?!»

Қўнғироқ Умнатқулнинг хаёлини пардай тўзғитди. Бирпасдан кейин гуруҳ-гуруҳ йигит-қизлар чиқиб кела бошлашди. Уларнинг ҳаммаси Умнатқулга қизиқсиниб, айримлари иршайиб, бир хиллари одоб билан салом бериб ўтишарди.

Умнатқулнинг кўзи бир оз энгашган ҳолда қизлар билан «қиқир-қиқир» қилиб келаётган ўғлига тушиб, юраги ҳаприқиб кетди:

— Азимжон!

Азимжон таниш овозни эшитиб ялт этиб қаради ва негадир гилосдек қизариб отасининг олдига шахт билан келди, саломлашини ўрнига:

— Нега келдингиз? Юринг буёққа,— деб отасини институт биқинидаги чойхонага етаклади.

Отасини сўрига ўтказиб, «керак бўлса ўзим бораман, асло қидириб келманг»,— деб қаттиқ тайинлади. Отаси узатган пулни чўнтагига тикди-да, остонадан сакраб, тулкидек ғойиб бўлди.

Умнатқул нима бўлганига ақли етмай, қўл-оёғи қайнатилган девзирадек бўшашиб кетди. Нима бўлди? Тушмиди ё ўнг? Ўғлининг «ўзим бораман» деган сўзлари унга бир оз таскин берарди.

Азимжон эса ўртоғининг: «У ким?»—деган сўроғига:

— Ҳамқишлоқ,— деб, истар-истамас жавоб берди.

* * *

Умнатқулга шаҳардан, ўғлидан хат келди. У аввалига суюнди. Азим ўзи бўладиган бола эди-да, йўқлаб, хат ёзибди, хавотир олишмасини деган-да, дея ўйлади. Хатни ўқиш мобайнида авзоини бузилди. Қўли қалтираб ранги бўздек оқарди. Томоғига алам, изтироб латтадек тикиларди. Ўкраб юборди. Югуриб хотинининг олдига кирди. Худди унга айтса дарди енгиллашадигандек, уни эзса ўзи халос бўладигандек ўкирди:

— Ўғлинг уйланибди! Оқпадар икки болали аёлга уйланибди! Эшит! Эшитяпсанми?! Мени хонавайрон қилди-ку, э-эҳ...

Онага бу гап икки томондан: ўғлининг икки болали

аёлга уйланишидек нохуш хабар, эрининг оғзидан «оқпадар» сўзининг чиқиши қўшилиб таъсир қилди. Кўзларидан сизиб чиқаётган ёш бетларидаги ариқчаларга тушиб, бурнининг остига ёйиларди. Бундан кейин унинг вужудини ҳам ҳис этиб бўлмайдигандек, беҳуш йиқилди... Қоқшол қўллари пўстакка шалвираб тушди...

Умнатқул хотинининг юзига сув сепа бошлади, худди шу пайтда «бу хабарни ҳеч ким эшитмасин-да» деган фикр миясида чақмоқдек ярқиради. Наврўз яқинлашмоқда. Осмонни бирдан булут қоплайди-ю, ёмғир ёғаверади, ёғаверади... Икки-уч купдан бери тинмайди. Пахса деворлар ивиб кетган, нимжопроқлари ағанаган. Челақлаб қуйяпти ёмғир, тарповлар остида ҳовузчалар пайдо бўлган...

Ҳамон қуярди...

Умнатқул узун ходани синчга тираб, ерга қўймоқчи бўлганди устига «поп» этиб тушган похол аралаш тупроқ ёқасининг ичига ҳам кириб кетди. Жаҳли чиқди. Молхонада ёлғиз, мушукдек сувга ивиб «калаллик эшак» ётибди... У бир пайтлар бошқаларга ўт таширди, энди эса ўз-ўзини боқинининг қизиги йўқлигини тушунгандек парвосиз. Умнатқул ҳозиргина кўмган устунни тепиб юборди. Гувиллаб тупроқ тушди. Ташқарига чиқди. Қийшиқ дарвоза ёнидаги тошга ўтирди. Ёмғир кўк дўпписини ивитиб, юзларини ювмоқда эди. Абри пайсонлар кезишади кўкда: одам ҳолига кулгандек, йиғлагандек. Лекин у қимрламайди.

Тупроққа топширган хотинини... Гарчи қанчалик хаёлига келтирмасликка тиришмасин, чуқур изтироб билан ўғлини ўйлайди.

Ёмғирнўш ёпинган Ота пирсиён ўтиб қолди:

— Ҳа, Умнатқул ака, моляхона кетибди-да?.. Парво қилманг!

Умнатқул ишдамади. Ота пирсиён ўз йўлига кетди.

Тепалик устида отлиқ кўринди. Шу ҳавода нима қилиб юрибди экан?

Отлиқ тўғри унинг олдига келди. Чўпон Рўзибой-ку?! У онласи билан тоғу тошларда сурўвнинг кетидан юради. Томирида шу қинилоқ одамларининг қони оқиб турганлигини унутмайди. У отдан тушаётди:

— Ассалому алайкум, Умнатқул ака, омонмисиз?— деб сўради.— Шу бугун идорада эшитиб қолдим,— у отнинг сувлигини чиқарди.

Уйга киришди. Эски кўрпа ташланган танчаниннг бир четида калласини ҳам қилиб Рўзибой ўтирди. Умнат-

қул остона остида тиззалаб, фотиҳа ўқий бошладн. Кафт-ларини юзларига суркашди. Рўзибой хўрсинди.

— Дунё шу экан-да, Умнатқул ака! Биров келади, биров кетади,— у Умнатқулга тасалли бериш кераклигини ўйлаб, қўшиб қўйди:—Ҳа-э, дунёнинг даргоҳи кенг экан... Юракни ҳам кенг қиласиз-да энди...

Умнатқул биров қўлидаги пичоқни зўрлаб олиб ўзига ураётгандек чўчиб тушди:

— Унақа деманг, ҳамқишлоқ...

Сукунат. Деразанинг бир томонини шамол тарақлатиб очиб юборди.

Хушбўй нам ҳаво гупиллаб кирди. Бедана сайраши эшитилди: «пит-бил-диқ... пит-бил-диқ...» кейин яна «ва-вақ... ва-вақ...» Ҳаёт ўз йўлида давом этади: ҳеч нима ўзгармагандек, ҳеч нима бўлмагандек....

I

Чақалоқ чинқирганча қўлчаларини олдинга чўзди. Талпинди. Юзи буришиб, ғижимланди. У киприкларига ёпишган аллақандай юмшоқ пардани йириб кўзларини очмоқчи бўлардию бунинг уддасидан чиқолмасди. Шу боис, қоронғи дунёдан қандайдир нур истаётгандек, бутун борлиғи, жажжи юраги билан вужудида бир оз титроқ кўзғалиб талпинарди-ю, холос. Балки у бетчасини онасининг юмшоқ сийнасига босмоқчи бўларди: балки тўйиб-тўйиб эммоқчи бўларди — барча саъй-ҳаракатлари самарасиз кетар, титроғи баттар кучаярди.

Қасмоқ босган бошга қўл тегди. Дағаллигидангина эмас, қандайдир бошқача ички ҳис билан у бу қўл онасиники эмаслигини сизди. Қаттиқ чинқириб юборди. Нимадир уни тебрата бошлади, гўё осмонга учди. Учди, учаверди. Дармони қуриб, карахт бўла бошлади. Талпинишдан тўхтади. Оғзига зўрлаб тиқишган эмизакни милклари билан сўриб, тамшанди. Сут совуқ эди. Эмизак ҳам... муздек. Палахса-палахса муз бўлаклари танглайига чиппа-чиппа ёпишаверди. Ўхчиб, ҳиқиллай бошлади. Нафаси ичига тушганча узоқ муддат жим қолди. Эмизакни тили билан итариб ташлаб баттарроқ чинқирди. У қанчалик қаттиқ чинқирса, шунчалик шиддатли тебранар, яна тикка учиб-учиб айлана бошларди. Бора-бора вужудини қоплаган ҳаяжонли титроқ сўнди. Талпинишдан тўхтади, тинчиди.

II

Кўзини очганида беланчак тепасида юзи салқин, ҳорғин, чўмичдек бурнигина сўппайиб қолган дағал соқолли эркак — отаси, бошини эгганича ғамгин қиёфада ўтирарди. У митти одамнинг уйғонганини кўриб, қўлидаги шишачани оҳиста унинг бурни остига келтирди ва дардманд товушда:

— Оғзингни оч, қани-қани, оғзингни оч-чи! — дея бошлади. Чақалоқ лабларини бир-бирига маҳкам жипс-лаштирди. Шишачани кўриши биланоқ танглайи ва томоғини буюқ уриб кетгандай бўлди. Кўзларини яна юмди.

Чинқирмади. Талпинмади. Ҳеч нарсани истамаётгандек эди.

III

Энди-энди оёқланиб, эран-қарап юра бошлаганида жиккаккина, сергап, оқ сочли кампир — бувиси уларга қўшилди. Унинг чоли яқинида ўлган, ҳувиллаган уйда ёлғиз туришни хоҳламай буёққа кўчиб ўтганди. Уёғини сўрасангиз, ҳовлининг нариги бурчагидан бу бурчагига келди.

Кампир эртаю кеч танча четида мудраб ўтирар ённки ёнбошлаб ётарди. Бола билан деярли иши йўқ, гоҳ-гоҳида зерикканидан бўлса керак:

— Ҳе-ей, хап ўтир, орқангга бигиз тикаман! — деб қўярди.

Унинг сўзларини бошқа биров эшитганида борми, азбаройи худо, ҳайратдан ёқа ушлаб қоларди. Бола-пақир тахмон остида ённки танчанинг нариги бурчагида, эски-туски латта-путталар орасида ҳамиша «хап» ўтирарди-да! Унинг маъюс, ҳазин нигоҳида шўхликнинг ақалли учқунияи йилт этмас, буни баъзан кампирнинг ўзиям таңтиллик қилиб тап оларди:

— Ҳо-ой, мунча одамдан паналайсан? Сигир йилида туғилганинг бежиз эмас-ов!..¹

Кампир ҳам, невара ҳам шу кўйи кушни кеч қилишарди.

Кампирнинг бирдан-бир қиладиган муҳим иши бола-

¹ Сигир йилида туғилганлар узлатишшиликка мойил бўлишармиш.

нинг отаси ишдан қайтганида унинг қулоғини қоқиб қўлига бериш эди:

— Қачонгача юрасан, куйдири-иб! То-оп биттасини, ол-қўй-да!...

Сўнгра кўзёшларини шапқатор қиларди:

— Пешонам шўр экан. Қариганимда сани бу аҳволда кўриб ўтирганимдан ўлганим авло эмасми?! Келин олиб ҳузур-ҳаловат кўрмадим, ўғил катта қилиб бошим ғурбатдан чиқмади. Шў-ўр экан пешонам, шў-ўр экан!..

Кампир йиғлар, еиглари билан кўзёшларини артар, яна йиғлар эди.

Боланинг отаси индамасди. Индамай, ўғлининг бошини силаб ўтирарди. Гоҳида, жуда жаҳли чиққудек бўлса куюниб:

— Етар, онажон! Илтимос, гапирманг менга, илтимос, индаманг менга: ганирманг, индаманг,— дея бошини ҳам қиларди.

Кампир бир сония жимирди. Бироқ ўғлининг тўлиқиб турганлиги дарҳол ёдидан чиқарди. Яна бошларди.

Отаси уйдан чиқиб кетсагини бувиси жимиб қоларди. У шу кетганича кеч, баъзан ярим тунда қайтарди. Ечиниб ҳам ўтирмай, аста кўрпани кўтариб боланинг ёнига кирарди. Ўғлини бағрига босганча тонггача ух тортиб чиқарди. Оғзидан боланинг кўнглини айнитиб юборадиган даражада қўланса ҳид анқирди.

IV

Бола мактаб ёшига етди. Лекин унинг мактабга боришининг иложи йўқ эди. Тили ҳали чиқмаганди. Яхши эшитардию имо-ишоралар билангина гаплашарди.

Кампир жуда қариб-қартайди. Отасининг соч-соқоли оппоқ оқара бошлади. Бир кун кампирнинг олдида у отасидан онам қаерда деб имо-ишоралар билан сўраган бўлди. Бувиси буни пайқади. Ўдағайлай кетди:

— Онанг қаро ернинг тагида!— дея чақчайди.— Ўлган!

Бола титраб кетди. Отаси бувисига бир ўқрайиб қарагандай бўлдию индамади.

У кўннича уйда бўлар, гоҳ-гоҳида, шунида ҳам баҳор пайтлари яланганкка чиқар, чиллак, қувлашмачоқ ўйнашаётган тегиқурларига қўшилмай, улардан узоқроқда, бир чеккада жимгина турарди.

— Соқов, соқов!— дейишарди уни кўришганда.

— Тилинг борми, тилинг борми?— дея масхаралашарди.

Бир гал улар ҳадларидан жуда ошиб кетишди.

— Соқов, етимча!— деб, унга қарата кесак ота бошлашди.— Онаси ташлаб кетган етимча!

Бола анча-мунча нарсага йиғламасди. Ҳаттоки, бу таҳқирлар ҳам кўзларига ёш келтиролмади. Рангу қути ўчганча кўзлари бежо йилтираб уйга қайтди. Отасини ёлғизлатиб, опасининг қаердалигини астойдил сўрай бошлади. Ниятини тушунтиролмай, ҳаммаёғини совуқ тер босди.

Отаси ахири тушунди, қўл силтаб:

— Нима қиласан мунча сўраб?— деди. — Шаҳарга кетган. Бирор кун қайтиб келади ҳали...

Отаси кўзлари йўл кўраётган одам каби узоқ вақт бир нуқтага тикилиб қолди. Унинг кўзларини туб-тубига чўккашча аллақачонлар унутилаёзган ўт туйқусдан бир лаҳза чақнаб кетди:

— Қайтиб келса иккаламиз кутиб оламиз-а?!— деди ҳаяжонга тўлиб-тошганча.— Кечирамиз-а, кечирамиз-а?! Шундайми, а?!

Бола бу гапларнинг асл маънисини тўла-тўқис англаб етмаётган бўлса-да, тасдиқ ишорасида бош ирғади.

V

У йўлга тушди. Гўдаклигида қонмаган истак, хоҳиш, талпиниш билан онамни албатта тонаман, деб хаёл қиларди. Ҳолбуки, опасини ақалли бирор марта ҳам кўрмаган, у бир-биримизни бир кўришдаёқ таниб оламиз, деб ўйларди.

Тушгача пойу пиёда район марказига етди. У йўлни тикка буёққа солганлигининг сабаби бор эди. Илгариям бу ерга отаси билан бир-икки келган, одамларнинг кўплигига оғзипи очганча ағрайиб қараб қолган эди. Йўл бўйида энди қаёққа юрсам экан, дегандай гарангсиб турганди, ўрта ёшлардаги бир киши унинг қўлидан етаклаб тикка автовокзалга элтиб қўйди. Йўл-йўлакай боланинг афтига қарамай, мунақа анқайиб юрма, уйингга кет, бу ернинг боласига ўхшамайсан, қишлоқдан келдингми, қайси қишлоқдан, дея ўз-ўзига сўзланиб борди. Автовокзалга етгач, буёғини ўзи топиб олар деган ишончдами, шошиб турган эканми, ишқилиб, алпонг-талпонг қадам ташлаганча қаёққадир ғойиб бўлди.

Яхши одамларнинг юмуши бошидан ошиб ётади!

Бола автобусга чиқишаётган йўловчиларнинг орти-

дан юрди. Эшик олдида билагига қизил мато боғлаган, қоп-қора, озғин, аллақандай шум кўзли контролёр йигит билет текшираётган эди.

Бола индамай автобусга чиқаётган эди, шумкўзнинг қўли билагидан чангакдек қисди:

— Қаёққа?

Бола индамади.

— Билетинг қани?

Бола унга жовдираб тикилди. Унинг сўзига тушунмаганди.

— Ҳе, муғамбирлик қилишини бунини! — контролёр унинг кўксидан итарди.— Бор, билет олиб кел!..

Контролёрнинг оёқ тираб тихирлик қилиб туриб олиши боланинг кўнглида бу автобус албатта онамининг олдига олиб боради, деган ғалати фикр уйғотди. Унинг автобусга чиқиш истаги кучайди.

Лекин шу маҳал...

— Эй, тилингга тирсак чиққанми?!— деганча контролёр бўғриқиб, уни силтаб юборди.— Бир қарич бўйи билан ўзини қарахликка солиб, мени алдамоқчи-я... Қоч-қоч, автобус кетади!..

Контролёр эшикни қарс этказиб ёпди. Бола тирмашди. Автобус ўрнидан силжиётган эди. У ноилоҳ эшик дастасини қўйиб юбориб, тезлигини борган сайин ошираётган автобус ортидан чопди...

Борлигини, шуурини, қалбини эгаллаган ягона истак, хоҳиш, талпиниш унга қайот бахш этгандек эди...

Бола югуриб бораркан, автобус ҳозир тўхтаб, мени ола кетади, деган ишонч қалбининг бир четида унга умид бахш этиб турарди.

Бола ҳансираб-ҳарсиллаб чопарди...

Туйқусдан...

У автобусни, одамларни унутди. Унга ёлғиз ўзи, ёлғиз ўзи учиб кетаётгандек туюлди. Сўнгра қарахтланди. Истак, хоҳиш, талпиниш қаёққадир маҳв бўлди. Айланиб-айланиб жуда юксакка кўтарилди ва онтарилиб тушди...

Ҳалқуми қизиб кетди. Ич-ичидан қайнаб чиқаётган олов танглайдаги, томоғидаги музларни палахса-палахса кўчириб, эритиб, баносланиб оғзидан фавворадек отила бошлади...

Унинг томоғида, танглайда ҳамон, ҳамон муз ҳарсанглари оташ тафтига дош беролмай сув бўларди.

У илкис ўзини енгил ҳис этдию енгилгина чинқирди:

— Онажо-он!..



ЭНДИ БАРИ БОШҚАЧА

У тахта оралари тоб ташлаганидан қўл сиғар даражада очилиб-очилиб қолган пасқам эшикни итариб ичкарига қадам босиши билан ҳовли ўртасидаги зилолланиб оқаётган билакдек ариқча бўйида чўнқайганча коса-товоқларини қумлаб юваётган аяси шоша-пиша қўлларини чаяр-чаймас, қаршисига пешвоз югурди. Ранги оқаринқираган, ҳаяжонини босиб олмоқчи бўлар, уддасидан чиқолмай, кўзларини пирпиратганча қўл қовуштирарди.

— Ростдан ҳам олиб кетар эканми?!— шундай деб ўғлининг жангари, ёниб-ўйнаб турган кўзларига, бежирим бурнининг икки ёнида билинар-билинмас сепкил тошган кулча юзига қаради, қарашида интиқлик, ўкинч, меҳр бари-бари қоришиқ эди, пешонаси, юзларидаги кексалик иплари — ажинлар тўпланиб, лаблари титраб кетди. Занжирни ҳозирнинг ўзидаёқ олиб кетадигандек енгига тармашди...

— Ҳа-а, кетяпман!...— жавоб берди Занжир аясига қарамасликка тиршиб.

— Қачон?! Қачонлигини айтмадими?!

— Айтди!...— Занжир ўзини совуқроқ тутишга уринди. Бурилиб сўри томон юрди. Аясининг бунча жонни ҳалак югуриб-елишлари ҳайратда қолдирганди уни. Ахир уч-тўрт кун олдин: «Ўқишга киролмай, ҳеч жойда ишламай сандирақлаб юрганинг етар. Аскарликка бориб қутулиб келганинг тузук. Бақо шўрлик ўғлини қанча вақт дўхтирхонага ётқизгани билан барибир олиб

кетди-ку?! Қайтанга ҳеч ким қизини бермай қўлини қайтаргани қолди...»— демовдим и ўзи?! Жоши ичига сиғмай қолганини қаранг... кетар чоғда!

— Патир қилай, бўғирсоқ пиширай, ўтириш-зиёфат қиларсан,— дерди у тинмай, кўзлари ёшланарди.

...Вақт дегани ўтаверар экан-да! Кечагина эмасмиди, акасининг патир, бўғирсоққа тўла қопчинини катта йўл бошигача кўтариб боргани. Катта йўл уч-тўрт чақирим келар, яйдоқ даштда изғирин увлар, ҳувиллаган шамол... этакларини тортқиларди. Бир-биринга қарашга қўймасди, юз-кўзларига игнадек санчиларди... Вақт дегани ана шу шамолдек экан-да!... Кейин узун-узун кечалар бошланди, ҳамма кеча — ялдо кечаси, жудолик, жудолик, оғир жудолик. Бўғирсоқ, патир пиширишдан бошлангандек-а ҳаммаси. Учоқ бошида чалма оловининг кўкимтир тилига боққанча ўйга толасан — давом и бўлмайди бу ўйларнинг, кечалаб-кундузлаб, ҳафталаб-ойлаб, ойлаб-йиллаб чўзилаверади...

— Қўйсангиз-чи...— Занжирнинг қошлари чимирилди, икки қоши ўртасида жаҳлдор, айтганини қилдирадиган кишиларники сингари тугун ҳосил бўлди, тўзиб қолган костюмининг сўрига улоқтирди.— Нима кераги бор патирнинг, бўғирсоқнинг? Лўлиларга ўхшаб қоп кўтариб юрамани...

— Қоп кўтариб юриши бор эканми? Йўлда очиқасан...

— Сухпай беради.

— Сухпайнинг нимаси?

— Қоғозга ўроғлиқ қанд, қотган нон, қолаверса...— Азбаройи жаҳли чиққанидан Занжир ҳар сўзини алоҳида таъкидлади.

— Қоғозга уч-тўртта қанд ўрар, битта-яримта консерва берар—нимаям бўларди.

— Аскарликда ҳамма нарсаса ўрганиш керак.

— Дарров ўрганиш қийин, болам. Аянгининг нонларини қанча-қанча соғинасану ҳали...

Аян ҳам худди Армияга бориб-келгану ҳаммасини ўз бошидан кечиргандек, билганидан қолмай гапирди.

Занжир уй ортидаги боғча-ҳовлига ўтди. Деворга қадалиб ўсган олчага ҳазин нигоҳ ташлади. Икки баҳорда олча шохидан қўшни ҳовлидаги қиз — Гулнора-ни, унинг офтобрўя супада ўтирганча қошига ўсма тортишларини кузатолмайди. Девор томонга илкис ўгирилиб, Занжирни тасодифан кўриб қолгандек бир оз ҳайрона, бир оз шодона майин табассумларини-чи?!

Занжир энтикди. Томоғи ачишди. Уни олча шохига чиқишга нимадир даъват этар, чорлар, нимадир оёғига кишан солганди. Андиша ғолиб келди. Битта-ярм-тасининг кўзи тушиб: «Олчаларингиз кеч кузда пишаркан-да?!»— дея устидан кулишмасин. Олчага термулиб туриш эса... одамни қоинқирмаса ҳам, ҳеч ким кўрмайди, билмайди — термули-и-и-и тураверасан, яхши, қандай яхши! Боғда қанча дарахт... Баъзисининг илдизига қулоч етмас... Занжирга яққол кўрингани олча!.. Суюм-ли қизга боғлиқ ҳамма нарсанинг суюмли бўлиши, бошқача кўриниши эса ҳаёлига келмасди. Унинг кўзлари ҳозир негадир ўз-ўзидан ёнга тўлар, англаб бўлмас ҳисдан вужуди илоҳий ҳузур-ҳаловат туяр, у кўзларини ярим юмган ҳолда сассиз нигроқ билан бундан лаззатланарди...

— Занжир ака, армияга кетяпсизми?

Томда Гулноранинг укаси Зоир каптар учирар, тиниқ осмонда уларнинг чарх уриб ўйнашаётганини завқланиб томоша қиларди.

— Ҳа-а, Зоир, кетяпман...

— Менга камарингизни берасиз-а?..

— Албатта.

— Значокларни-чи?

— Значокларни ҳам.

— Танкли значоингизни ҳамми?

— Танкли значокларни ҳам.

Зоир хурсанд бўлганидан ҳовлида юрган аясигами, опасигами бидилларди: «Занжир акам камарини менга берар эканлар... Значокларини берар эканлар... Занжир акам-чи...»

— Занжир ака, келинг, каптар учирамиз,— таклиф қилди у, мақтаниб бўлгач.

Занжир жилмайди. Томда каптар учириб юрган кеча билан бугун орасида катта фарқ бордек эди. У истаса сўрида, истаси похол ғарамида, истаса томда ухлар, серюлдуз осмонга узоқ-узоқ тикилар, ўзига сиймай кетар, бу қувончданми, қайғуданми эканлиги унга ноаён эди. Зериккудек бўлса, каптар учирарди... Кафтларини бир-бирига қаттиқ-қаттиқ урганича қийқирарди, каптарларнинг осмону фалакда чарх уриб ўйнаганию ўзининг қийқиришларидан зерикмасди. Ҳамма билан тил топишар, иноқлашар, зумда уришар, уришиб-уришиб апоқ-чапоқ бўлиб кетарди, фақат... Ўз акаси... Жума билангина...

Улар тўрт киши—дадаси, опаси, Жума ва ўзи. Жума-

нинг онаси бошқа, лекин Занжир буни билмайди, билсаям хаёлига келтирмайди. Жума тракторчи. Ҳар йили колхознинг олд мукофотини олади. Район газетасида бир йилда уч-тўрт бор сурати чиқиб, «кенг поёнсиз дала-ларда жавлон уриши» таъриф-тавсиф этилади... Маж-лисларда ҳам мушкул аҳволга тушишига қарамай сўз беришади...

«Сўз — илғор тракторчи Жума Ворисовга!»

Қарсаклар.

«Сўзни билмайман», — қизариб-бўзариб ўрнидан ту-ради Жума.

«Қанча ерни шудгор қилдингиз? Мажбурият... му-собақа... Қимларнинг катта ёрдами тегди?..» — мажлис-ни олиб бораётган бирор гапдон мададга ошиқади.

«Шу-у... анча ерни шудгор қилдим... тракторнинг кўп ёрдами тегди...»

Кулгу. Қарсаклар.

«Раҳбарлардан?..»

«Раҳбарлар трактор ҳайдашмайди-ку?» — Жума ҳай-рон бўлиб қарайди, гапдон қизариб-бўзаради. Раис полвон одам, кулишни яхши кўради, кўзидан ёш оқ-қунча кула-кула ўрнидан туриб ҳамманинг кўз олдида Жумани кучоқлайди...

Олқишлар. Қарсаклар...

«Раис жўрттага шундай қилди. Жума жа-а ландо-вур-да, — дейишади баъзилар. — Бундай муомала, муно-сабат деган нарсанинг «А»синиям билмайди. Хайрият-ки, пешонасига битта шалдур-шулдур трактор битган...» Болалар катталардан гап олишади. Занжир тўп тегиш-дами, чиллак ўйнашдами сал-пал сусткашлик кўрсат-са: «Аканг Жумага ўхшайсан-да! — дейишарди бола-лар, — ландовурсан!» Занжир ёқалашар, тўс-тўполон кўтарар, ёлғиз қолганида ичида акасини сўкиб, койир-ди. Жула алам қилиб кетганида ёқама-ёқа бўлиб қо-лишарди, бориб-бориб сал гапга ҳам Жуманинг ёқаси-га тармашадиган бўлди... Шундай пайтларда Жума ур-майди, сўкмайди, чарчоқ кўзларини унга тикканча: «Ука, қўй! Одамлар нима дейишади? Уят бўлади, ука, уят!» — дея такрор-такрор бир сўзни айтади.

«Иккаласи бир-бирига иссиқ-совуқ қилинганга ўх-шайди-я, ё тавба!» — Ҳайратдан аяси ёқа ушлайди, куюнади, йиғлаб ҳам олади — бироқ гап нимадалигини би-л олмайди. Қўшниси Норашига арзу ҳол қилади. У эса эри Ҳайитбойга зерикканида айтиб бериб ўтиради. Ҳа-йитбой эснаб тинглайди, «оббо-ей!» — деб охир-оқибат

кулиб юборади. Шу баҳонада қарабсизки, бир-бировларини ялаб-юлқашган, «жони-им, жаҳоним» сўзларини айтишган, апоқ-чапоқ хуллас!

«Одам деган бундай бўлмабди! Кичик каттани доимо ҳурмат қилиши керак — рисоладаги гап бу!.. Аяси, чойдан қуй, тўлдириброоқ!.. Жума чарчаб, ҳориб келади, қаттиқ гапириб юбориши мумкин... Тўғрими, аяси, аччиқроқ қилиб дамламабсан-да... Хў-ўш, сен кўтар, қаттиқ гапирса кўтар! Бошингни эг... «Хўп, ака!»— де! Сенга меҳрибон бўлади-да кегин! Шу гапларим тузукми, тузукми?! Бўлди, аяси, бошқа ичмайман! Энди мен турдим...»

Занжир бошини кўкрагига ботириб маслаҳатни ўзига сингдираётгандек бўлиб ўтиради. Бу ўтириши бекор. Тез унутади.

Ҳовли саҳнида Жума билан ёқалашинини бошлади дегунча Ҳайитбойнинг етти яшар ўғли Бозор деворга миниб олади, томоша қилади — кулади, хиринглайди, тилини чиқаради... «Томоша» тугагач, дадасининг олди-га чопади:

«Дада-чи, дада, кўп сиряли пилмнинг давомини кўрсатишдан!»— у кўрсаткич бармоғи билан девордан нарғини кўрсатади.

— Қизигакаими?— Ҳайитбой тиржаяди.

— Занжир зўракан!

— Йўғ-э?!

— Кичкина бўлса ҳам акасини қўрқитди!

Ўғлининг толқирлангидан Ҳайитбой мамнун: «Ўзига ўхшаган!»

Ҳайитбой уларникига тез-тез чиқиб туради. Танчанинг бурчагида ўтириб, иссиқ-иссиқ чой ичиб Занжир ва Жумани кураш олдиртиради. Жуманинг кучи Занжирни йиқитишга етса ҳам, баъзан кўтараман деб жўрттага унинг остига тушиб қолар. Занжирнинг ўзи кўтармоқчи бўлиб йиқилиб қолса, шу заҳотиёқ акасига ташланади. Жиққамушт бўлишарди.

«Ҳа-а, Занжир! Яшша!— завқ оларди Ҳайитбой — кўзлари кулиб чақнаб: пешонасидаги чизиклар суюлчидан ёйилиб кетарди.— Орқасига ур! Ана шундай! Э-э, кан-катта бўб калтак еб ўтирибсанми, а-а! Қара, ур, сол, қўрқитиб ол!»

Меҳмонхонадами, чойхонадами чордона қуриб Занжирнинг дадасига таибёҳ берарди: «Болаларингиз тартибсиз, ака Ворисбек! Кеча чиқсам уйла ҳеч ким йўқ, жиққамушт бўб ётишибди-да! Қани ажратолсам, қани

ажратолсам — семириб, кучайиб кетишибди. Билмадим, қўшни, сиз қандоқ тарбия этипсиз, билмадим... Бир кунмас-бир кун кўзингизни пана қилишиб бир-бирини бўғиб қўяр, нолаю афғонингиз ҳеч қаерга бормас, етмас унда, ака Ворисбе-ек!..»

Ворисбек ака қизариб-бўзариб ерга қарайди. Эртасигаёқ Ҳайитбой улариникига чиқади, танчанинг бурчагига ўтириб: «Паҳлавонлар, майдонга!» — деб хитоб қилади. Топқир ўғлига: «Ворис амакингнинг киностудиясида янги филм ишланяпти!» — дейди.

...Занжир кетадиган бўлиб ҳам бугдой ўримидаги акасига хабар беришни ҳаёлига келтирмайди. Аяси ялиниб-ёлвориб, қанд-курс бериб кимнингдир боласини юборган экан... Жума келди. Кўзлари ҳорғин, ухламаганидан юзлари сарғайиб-салқиган, Занжир унинг қўлини истамайгина олди.

— Кетяпсанми?...

— Биларкансан-ку...

Бошқа гап-сўз бўлмади.

«Ўтириш-зиёфат»ни кетишдан бир кун олдин қилди. Одам кўп келди. Суюн шоир косагул бўлди. «Жигарбандим Занжи-ир! Мен сени укам деганман, сен мени акам!.. Тутинган бўлсак-да туғишгандекмиз, жигарим Занжи-ир! Бухгалтерлигимдан ман шоирлигимни устун қўяман — Байрон лордлигини устун қўйса-да, гарчи... лорд бўлмасак-да, гарчи!.. Шу учун энг яхши шеърларимга сени қўшаман, шоирнинг ҳамма шеъри яхши шеър, ҳамма шеърларимга сени қўшаман — номининг, қалбининг, азиз ҳисларинг, жигарбандим Занжи-ир!»

«Қандай яхши! Қандай ажойиб одам-а?!» — Занжирнинг кўнгли тўлиб, юзлари гоҳ совиб, гоҳ ёниб элликта-элликта ичиб ўтирарди. Остонада чойнак ённки товоқ кўтарган Жума пайдо бўлиши билан ўтирганлар чугурлашиб қолишарди: «Жумавой, ўтир. Юзта ич одам бўлиб...»

«Раҳмат, ака, биз хизматда!»

«Ўтир, ўтир. Чойни хотинларнинг ўзлари ҳам кириштиради-да...»

«Ё ичмайсанми?..»

«Қасамдан юзта урганмисан?»

«Ичмасанг, чекмасанг, хотинларга-ку вообще вақтинг бўлмайди...»

Хохолашди. Жума чиқинши билан Занжирга кўз қиқиртади: «Ўзи шунақа». Занжир қизарибқирайди.

— Ичамизми? — Соли чироқ стаканларни тўлагади.

— Нимага?— Кўчим савол берди.

— Дўстлигимизга!

Кейин ўринларидан туришиб, Занжирни ўпа кетишди. «Занжиржон, ўлай! Сандан ўлай, Занжиржон! Дунёдаги энг яхши одам ким? Занжир! Яна кимлар? Кўчим... Яна Кўчимми? Яна Соли... Занжи-и-ир!..»

«Қариндош-уруғлар», «дўстлар» маст-аласт, баъзиларнинг оғзидан сўлаги оққанча ухлаб қолишган, кўзи очиқлари шовқин солишар, бир-бировларига нималарнидир ғудрашарди. Хона бадбўй. Жума чарчаган. Ҳорган. Туриб кетмоқчи бўлиб андишага борарди: «Бизни ташлаб кетди деб юришмасин. Занжирга айтишса...»

Ўзини тутиб ўтирди. Суюн шоир ичиб-ичиб: «Марказингда тепланг бор, жопажоним қишлоғим»— деган «шеъри»ни ўқиб берди. Алжиб қолди сўнг, Жумага чақчайди:

«Са-ан Жума-а, армияга бормай чатоқ иш қилган Жумаса-ан,—бармоғини Жуманинг кўксига нуқиди.— Тўғри-и, ма-ан ҳам бормади-им. Ма-ан шоирлиги-им учун бормадим. Сан-чи? А-а?! Ташла тракторчилигини! Ташла-ю, ке-ет! Бошқа-а иш топаса-ан!.. Топаса-ан! Ҳе-еч бўлмаган-да санга шеър ёзишни ўргатама-ан!.. Ўрганаса-а-ан!.. Ўргатама-а-ан!..»

Жумага ҳар сафар қақиріқ қоғози келганида ранс ҳарбий комиссариатга бориб қолдириб келарди: «Кетсанг колхоз чўқади, Жума. Мундо-оғ ўйласам, колхознинг ярим ғалласини ўзинг ўриб, шудгорини ҳам ўзинг қилар экансан. Райком секретарининг такасалтанг ўғли борсин, тарбияланиб келар балки. Сени давлат учун олиб қоляпман. Қақиріқ қоғози келганда касалхонага ётиб олганинг йўқ-ку?! Бошингни тик тутиб юравер. Майорга: «Ўртоқ майор! Шундоқ-шундоқ, Жумани ҳақиқий фронтдан кўчиришнинг кераги йўқ!»— дедим. Қалай айтибман! Дурустми?! Нодурустми?! Дуруст де, дуруст...»

Жума чойнакни кўтариб уйдан чиқди. Тонг отиб қолаёзганди. Тоза ҳаводан энтикиб нафас олди...

Эртасига Занжирни кузатгани область марказига-ча Ворис ака (ота бўлгач, бормаса...) Суюн шоир — у машинаси билан олиб бормоқчи, сўнг тутинган ака ҳам (Занжирнинг икки дўсти) ваъда бериб қўйниган: «Борамиз!» деб, Занжир ҳам ваъда бериб қўйган: «Борасизлар!» деб... борадигану қолганлар, ничууну Жума билан шу ерда хайрлашадиган бўлишди. (Жума бормоқчи эди-ю, машинада жой йўқ...)

Паловни ейишди.

Қариндош-уруғ, хеш-табор йиғилиб келишди. Занжир одамлар орасига назар солиб Суюнни қидирарди... Келмабди... Кимдир биров: «Суюн шоир мошинини аккумулятори ўтириб қолган, ўзим ҳам кечаги зормандадан кейин бошимни кўтаролмай ётибман»,— дебди деган гапни қилди.

Занжирнинг мияси қизиб аяси узатган нонни тишлади. Машина бўлмагач, «дўстлар» қаерга ҳам боришарди?..

Жума қопчиқни кўтарди. Аяси шашқатор ёш тўкарди: «Эҳтиёт бўл, болам! Саркашлигингни ташла. Яхши бор, ёмон бор — бири кўтарса, бири кўтармайди, болагинам — улғайиб ташвиши каттарган болагинам!..»

...Қишлоқ аҳли — даладагиси даладан, сойдагиси сойдаи етиб келишиб, Занжир билан хайрлашишди.

— Яхши бор, Занжир!

— Бардам бўл!

— Қишлоғимизни унутма!

— Хат ёз!

— Ўрусчани ўрган, асқотади...

— Начайингигини гапидан чиқма...

— Партияга ўт!.. Осон у ерда, дарров қабул қилишади.

— Ой бориб, омон кел...

Занжирнинг кўзлари намланиб турарди...

Даласи, Жума, Занжир тош йўлга қараб кетишди...

Занжирга ҳў-ўв пастдаги, ҳовуз бўйидаги толлар шўрликларга ўхшаб кўринишди. Уларнинг паришон-паришон новдалари ўз чавандозидан айрилган тулпор ёллари каби шалвираб қолган...

Бечора арғумоқлар эдилар улар...

Ҳовуз бўйига етишганда Занжир кекса бир толнинг гадур-будур тапасини оҳиста силаб-сийпаб, ортига ўгирилди. Қўшнилариининг дарвозаси ёнида турган қиз оёғининг учи билан ер чизиб, рўмолининг бир четидан тишлаганча уларни хайрихоҳ нигоҳ билан кузатиб турарди. «У нималарни хаёл қилипти экан?» — Юраги ҳаприқиб ўйлади Занжир... бир зум нигоҳини у ердан олмай тураркан... Кейин қиз қўлидаги рўмолча ҳавода силкингандек бўлди... Занжир бўрилиб кетди... Назарида Гулнора ортидан ҳамон қараб тургандек, рўмолчасини силкитаётгандек.

...Область марказида эрта саҳар билан келинлар, дейишди. Ноилоҳ қолишгач, Жуманинг синфдоши, ин-

ститут талабаси Рўзвойнинг квартирасида тонг оқартирмоқчи бўлишди...

Ош қилишди. Рўзвой магнитофон қўйиб берди! «Мени-и кутги-и-ил...»

— Энди бир ойча дарсларга чала қатнайман,— деди Рўзвой.

— Нега?

— Ҳамқишлоқларни аскарликка кузатиш керак-да... Баъзилари беш-олти кунлаб қолиб кетишади. Майишат бўлади. Ҳар кун ош, ароқ...

— Чойдан қуй, Рўзвой ука,— Ворисбек ака унинг гапини бўлди.— Аскарлар Хизрдек нарса, уларнинг савоби кўп тегади. Биз ҳам аскар бўлганмиз. Қани, чойдан қуй-чи? Бир-икки, бир-икки... гурс-гурс қадам босасан, хаёлинигдан сени кузатганларнинг қиёфаси ўтаверади, ўтаверади... Қалай, дурустми? Кўрдингми, ерни гурсиллатиб юрганларнинг нечтасининг хаёлидан ўтасан. Ҳар кун биттадан кузатсанг ҳаш-паш дегунча рота-полк... Багальон... Э-ҳе... Чойдан қуй!..

Занжир парво қилмаган нарсаси — қариндошларсиз, қишлоқсиз яшаш ҳақида ўйлаб юраги сирқираб кетди. Ҳамма ухлаб қолганда ҳам кўзлари очиқ — шифтга қараб ётаверди... Кўз ўнгидида сим-сиёҳ тубсизлик. Дадаси қариётганини ўйлади. Қайда у — «Ҳе-ей, шуям кетмон уриш бўлдим, белингни майиштирма» — дейдиган ўктам товушли, барваста қоматли дадаси?..

Бир текис нафас олиб Жума ухларди. «Чарчаган».

Занжир уйқуга кетаркан, хаёлидан аясининг тўзғин сочларини ўтди...

...Борчани олча гуллари қоплаган... Девордан «тошган» гулли шохлар. Бир оз шодона, бир оз ҳайрона боқаётган Гулнора... Рангин кулгуси олчага, деворларга, томга, сомон йўлига, юлдузларга, Қуёшга—бари-барига гўзаллик бахш этгандек. Ёниги улар илгарилари ҳам шунчалик гўзалу Занжир пайқас қилмаган эдими? Хомуш толлар... Улар суворисидан айрилганлар... дув-дув ёш тўқдилар... Занжир қўл силтади:

— Хайр, аргумоқларим! Мен қайтаман...

Толлар барибир хомуш: «Қайдам-ей, Занжир!»

— Гулнора, хайр! Ман қайтаман...

Гулнора жилмаяди: «Сан қайтасан, Занжир!»

Рўмолчасини силкитиб туради... Узо-оқ-узо-оқ...

Кимдир елкасидан секин туртди. Шошиб кўзини оч-

ди.

— Тур, Занжир,— аллақачон кийиниб олган Жума-

Занжирнинг ёшли чехраси баттар ғамгинлашди:
«Жуманинг иши!»

* * *

Унга ҳамма нарса: осмон, ер, дарахтлар, қушлар, одамлар бирданига бегонадек; бир дамда ҳамма нарса: осмон, ер, дарахтлар, қушлар, одамлар қон-қонига, ўзлигига сингиб кетаётгандек туюлар, маъюслашар, кўнгли сув ичгандек ёришарди...

Ўзига нима бўлаётганини айтишга ожиз эди. Қалби-га қудратли, босиқ ва шиддатли тўлқин басма-бас қўйилар, юзлари совуб, жисми бу тўлқин оғушида дақиқа-ма-дақиқа тобланарди. Ҳозирги туйғуларини туйиш учун ўн саккиз йилни кўз очиб юмгунча босиб қўйганини билмасди... Бу туйғулар бошини силаб келган аясининг бошини у силаши керак бўлганлигини айтар, қишлоғи, дадаси, аяси, ҳамқишлоқлари, Жума, рўмолча силкитиб турган Гулнора ҳақида ўйлашга ундарди. Ниманидир топаётганди...

Уни икки, балки уч йилга кузатиб қўйишгани сингари кўзёш ва алам билан ўзини — тупроқ кўчаларда «от сурган», оёқ яланг, бош яланг, ўйинқароқ болалигини узоқ, бироқ қайтмас йўлга кузатиб қўймоқда эди... Бу йўлнинг бетиним чайқалаётган майсазорларидан, уфқларга сингишган адирларию тиниқ осмонидан кўз узолмай турар, улар мангулик қўйишга Қуёш сингари ботаётганидан ўзини қаерга қўйишни билмасди.

Ниманидир йўқотаётганди...

нинг овози меҳрибон ва алланечук сеник эди.— Кеч қолмайлик.

Занжир апил-тапил кийин бoшладн. Негадир ҳаяжонланарди....

* * *

— Бор, бор энди!.. Хат ёз...— Жума Занжирни қўй-вораркан, ҳозиргина хайрлашган дадаси яна бағрига тортди, унинг овози, бужуди титрарди, билинар-билинмас кўк томир кўндалангига кесиб ўтган ажинларидан соқоли орасига думалаб тушаётган ёшларни Занжир кўрмасди.

Елкалар, кифтлар, итариб-суриб боришарди, ғалаювур, ҳар хил овозлар перронни босиб кетганди.

— Онангни унутма!

— Увольненийга чиқсанг магазинларни қара, бўлса тўртта баллон посилка қиласан...

— Пулингни маҳкам тут.

— Тилингни эҳтиёт қил!

— Ёмон болалар билан юрма...

— Итингдан хавотир олма, яхшилаб қараймиз..!

— Поезддан яхши жойни эгалла...

— Қопчиғингдагини ўртоқларинг билан баҳам кўр...

— Ёмонликни яхшилик билан енг...

— Бирортаси ёнинг-пинг деса сол жағига...

— Гражданликда повур бўлганман де...

— Писар бўлиб ол...

— Ҳалол бўл...

— Командирнинг тилини топ. Одам уям...

Елкалар, кифтлар, қўллар Занжирни қадам босишга қўймай кўтарганча ичкарига итариб киритиб юборишди... Вагонга чиққанларнинг кўпчилиги сингари у ҳам ўзини ойнага урди...

Дадаси, Жума қўл силкиб туришарди. Занжирнинг ичидан нимадир узилиб тушгандек бўлди. Чўнтагидан дастрўмолини чиқарганда гижимланган иккита ўн сўмлик пастга, бир йигитнинг тиззаси устига тушди.

— Оғайни, пулингиз тушди.

— Меппими?!— Занжир унинг қўлидагини оларини ҳам, олмаслигини ҳам билмай ҳайрон қаради—пуллари ички чўнтагида турибди-ку?!

— Сизники, сизники... Рўмолча олаётганингизда кўрдим, чўнтагингиздан тушди...

— Ҳа-а, ҳа...

ЗУЛМАТ

Менинг биргина дўстим бор. Юз кўришмасам ҳам бўлаверадиган таниш-билишларим эса кўп. Бироқ, ҳар куни улар билан кўришаман, дўстимни эса ойда-йилда — қишлоққа борганимда ёхуд у шаҳарга келганида учратаман. Бошқа вақтлардаям у ҳақда кўп ўйлайман. Бунинг пеш қилмасам-да, баъзи тунларда ана шу яккаю ягона дўстимдан ҳам ажралиб қолсам-а, деган даҳшатли ҳаёлдан устимга совуқ сув қуйилгандек жунжикиб-сесканиб тушаман. Агар, худо кўрсатмасин, бу ҳол юз бергудай бўлса менинг қир тепасидаги қуриб-қовжираган танҳо дарахтдай сўппайиб қолишимга ҳеч қандай шубҳа-гумон йўқ. Дарахт-ку шамолларни ошно тутати, зулмоний-зулмат кечаларда юлдузлар билан сирлашади — мен... шамолларниям, юлдузларниям... нима десам экан, тилини тушунмайман. Йўқ, дейман қоқшол касали тутган кимсадек қалтираб ўзимга-ўзим, бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳар куни кўришиб юрган одамларим фикрларимга, гап-сўзларимга мутлақо қизиқишмайди — нима дейишимни азалдан билиб олишгандек, оғиз жуфтласам хўмрайишади. Дўстим эса ундай эмас, ҳурмат-эҳтиром сақлаган ҳолда тинглайди. Бас, шундай экан, бежо ҳаёллар қандай келиб қолганлигини ўйлаб ўтирмай, уларни миямдан хонадаги чивиндай қувиб чиқармоғим керак.

Гап шундаки, дўстим билан болаликдан бирга ўсганимиз. У чамаси, бирга ўсганимиздан кўра мени дорилфунунда ўқиганим, катта шаҳарнинг катта корхона-

сида бухгалтер бўлиб ишлаётганим учун кўпроқ ҳурмат қилади. Таини-билишларим эса бундан ҳеч ажабланишмайди, аксинча, касбу коримга қандайдир назар билан қарашаётганини сезиб юраман...

...У билан узун куч, тоғдан шомгача боғу роғларда, шаффоф тоғлар қўйида, адирларда, тунроқ кўчаларда теңтираганимиз теңтираган эди. Бир-биримизни «жўра» деб атардик. Кўзларимни ҳарчанд юмиб, паширос тутунига кўмилиб ўй сўрмайни, дўстим ҳақида ана шу теңтирашларимиздан бешқа тузукроқ ничоққа илингулик воқеани эслолмайман.

Қишлоғимиз эътида боғ бўларди. Шохларининг ярмидан кўни қуриб-қовжираган каттакон қаидак ўрик остида эрмакка данак чақиб ётардик. У гурунг берарди...

Дўстим гурунглариининг ҳаммасида қишлоғимиздаги Мирзо Бадал деган полвон бўларди: «Мирзо Бадал бир кун...» «Мирзо Бадал ундоқ қипти, Мирзо Бадал муидоқ қипти...» Хотирам заифлигини айтдим шекилли, лекин Мирзо полвоннинг бутун хатти-ҳаракатлари, юриштиришлари онгимда муҳрланиб қолган. Негадир унинг исмига «Бадал» сўзини қўшиб айтишарди. Шошқалоқлиги, ғалати-ғалати ҳаракатлари боисидандир?

Корхонамизда ҳангомачию латифагўйларни жуда қадрлашади. Улар ўзлари тўқиган олди-қочдиларни ҳам Насриддин Афанди помига вобаста қилиб айтишади. Аввал бу латифаларни қизиқиб тингладим, кейин-кейин ёмон кўриб қолдим, қулогим том битгандек тишимнинг оқиниям кўрсатмай ўтиравераман. Назаримда, улар мен ҳақимда гапиришаётгандек туюлади, очинқ-ойдин айтолмай Насриддин Афанди помини қалқон қилиб олишган. Барибир билиб тураман.

Бизга ўхшаганлар ишга кеч келса бошида ёнгоқ чақилади, Аҳмад кечикса, эшикдан кириши биланоқ:

— Янгисидан борми?— деб сўрашади.

Аҳмаднинг латифалари енгил оёқ хотиндай бир зумда хонама-хона кезиб чиқади. У гарчанд аёллар олдида бепарда олди-қочдиларини айтмаса ҳам, хонимларнинг ҳамниша динг қулоқчалари девор ортидан бўлсаям буларни илғаб олади. Мен ҳам Мирзо Бадал ҳақида у—бу нарса айтиб берай дейман-у, хотирам сандиғидан ҳеч вақо тополмайман. Дўстимнинг гурунглари Аҳмаднинг ҳавойи, енгил-елпи ҳангомаларидан ўлса ўлиги орғилигини равшанлаштирмоқ учун ўйлайману ўйлайман, холос. У келса, ёинки бориб қолсам, ҳаммасини

сўраб-суриштириб, ҳатто дафтарчамга ёзиб оламан, дея чандон кўнглимга тугиб қўйганман...

Бир кунни хонамиздаги яккаю ягона телефон ўрнидан сапчиб кетгудай қаттиқ жиринглади. Тўрда ўтирган салобатли бошбухимиз трубкани кўтарди.

— Алло-о!—бошбухимизнинг овозиям гавдасига мос, жудаям салобатли, ёўлдираган, йўғон—нақ киндикнинг ўзидан бўлмасаям, сал-пал юқорироғидан чиқаётгандек.

Саккиз кишимиз—саккиз жуфт кўз ер остидан бошбухнинг афтига тикилди. Бундай пайтда, афт қапчалик такаббур ва ўзига бино қўйган бўлмасин, ундаги ҳар бир чизиқ, ифода эътибордан четда қолиши қийин. Ҳали-ҳозирча эса томошагсҳда ўзгариш сезилганича йўқ...

Бадриддин — хушбичим мўйловиннинг ҳар бир тукидан ишқ-муҳаббат тўкилиб турган сапамараста йигит. У телефон шубҳасиз ўзига қилинганига ишончи комил ҳолда ўрнидан туришга чоғланди.

Бошбухнинг:

— Мирзо-о Бадриддин, сизга-а!— деган сал осойишта чиқиши лозим бўлган товуши бу ишончни тасдиқласа, бас, қиз қўлидан ушлаётгандек трубкани авайлаб кафтига оладю йигирманчи, балки, эллигинчи маъшуқаси билан мулоқотга киришиб кетади.

Баҳорда очилган гулдек хушбўй таратиб ўтирган Раънохонга ҳам икки-уч кундан буён пешма-пеш телефон бўляпти. Раънохон йигирма бешдан ошган, ҳали бокира, хаёлангина эркак кучоғига ташна — қўнғироқ қилишларини интиқ кутаётгани йилтираётган кўзларидан аён. Телефон аппарати билан ҳамоҳанг, ҳамнафас сапчиб ўрнидан туриб кетди-ю, бошбухнинг «алло-о!»сидан сўнг:

— Раънохону-ум!..— дея томоқ-қирмагани учун ўнғайсизланганча жойига ўтирди.

Телефон дастагида тақдирлари, наинки, ўзларининг, башарият тақдирини ҳал қилинаётгандек, қолганлар ҳам безовта нигоҳларини бошбухдан олишмасди.

Менгина хотиржам эдим. Ким ҳам мени йўқларди дейсиз? Алҳол, бошбухнинг юзида ажабсиниш ифодаси зуҳур этди:

— Ҳа-а, шу ердалар,— дея мен томон ўгирилди.— Сизга экан!

— Менга-а?— ҳаммадан кўра, ҳатто бир хезланиб птадирини бўлиб қолишган Бадриддину Раънохондан ҳам кўра кўпроқ ўзим ҳайратга тушиб, ўримдан турдим. Ҳамон ишонқирамай бошбух столи томон оҳиста

қадам босдим, Бадриддин ёки Раънохон бўлганида қушдай учиб келарди, деган фикр ялт этди миямда.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, трубкадан дўстимнинг овози келарди. Ҳаяжоннинг зўридан қалт-қалт титрардим, барибир, титроғимни хонадагиларга билдирмадим. Бутун кучу қувватимни, азму продамни ўзимни босиқ тутишга сарфладим. Саккиз жуфт кўз каминага мўлтайиб, йилтираб, чақчайиб, олайиб, симрайиб, зингил солиб... қадалганди-да!

Телефон дастагида гарчанд башарият тақдирням, менинг тақдирим ҳам ҳал қилинаётган бўлса-да, негадир, биткўз, чағир кўз, шокоса кўз, укки... кўзларнинг қизиқиши чандон ортиб борарди.

Гапни қисқа қилдим. Кечқурун фалон ерда учрашамиз дедим, ресторанга яқинроқ жойни назарда тутиб. Трубкани жойига қўйиб бошбухга раҳмат айтдим. Жойимга индамай бориб ўтирдим.

— Ким экан?—салобатли товушда сўраб қолди бир лаҳзадан сўнг бошбух. Бунақа одати йўқ эди, менга телефон қилишгани ғалати туюлган бўлса керак.

— Ҳа-я, ким билан гаплашдингиз?—овоз чиқди хонанинг аллақайси бурчагидан.

— Қўнғироқ қилаверишиб сизниям ҳолу жонингизга қўйишмайди,— пичинг қилди яна бири.

— Уйингизда телефон борми?— шунчаки қизиқсинди бирови.

«Дўстим эди, десаммикан? Йўқ! Қандай, қанақа дўстингиз, билсак бўладими, сир эмасми?» деб, хавотирланиб қолишади, яхшиси...

— Танишм экан,— дедим оҳиста, ўзим билан ўзим гаплашаётгандек ва ҳамма эшитганига тўла ишонч билан.

Дўстимнинг келгани яхши бўлди, деб ўйладим ишни тугатаётиб, Мирзо Бадал ҳақидаги гурунгларини энди астойдил билиб оламан. Хотирамда сақлайман. Эҳ, ишларимнинг олга силжишига бу гурунглар қанчалик катта ёрдам бера олишини дўстим билмайди-да!

Келишилган жойга жўнадим. У билан кучоқлашиб кўришдик. Анча озибди. Кўзлари ич-ичига ботиб кетган.

— Қачон келдинг?

— Кеча,— толгин товушда жавоб қайтарди у.

Ресторанга кирдик. Менга чиқим қилгани қўймади, пулини олдиндан тўлади.

Ҳол-аҳвол сўрадим. Тинчлик экан.

Негадир иккаламизнинг ҳам хаёлимиз паришон эди.

— Жўражон,— дедим ниҳоят, сал қизигач,— Мирзо Бадални ҳалиям кўрасанми?

— Кеча кўргандим,— дўстимнинг юзидаги хомуш кайфият ифодаси қуюқлашди.

— Қалай, гурунгбоп воқеа бўлди?— оғзимнинг таноби қочиб сўрадим.— Тўғри келиб қолганини қара-я, талай вақтлардан буён у ҳақдаги гурунгларни эшитсам, деб юрардим...

Дўстим менга ғалати қараш қилганига эътибор бермай:

— Гапир, қани, гапир!— дея уни қистай бошладим.

— Кеча кечқурун поезддан тушиб тўғри меҳмонхонага келдим,— деди у бошини ҳам қилганча.— Жой йўқ экан. Туйнук олдида турган Мирзо Бадалнинг қорувли елкаларига кўзим тушиб қолди. Жой йўқ дея тўрсайиб ўтирган гунгурсдай меҳмонхоначи хотинга у қўлтиқтаёққа суялган рамақижон мажруҳ одамни кўрсатиб, қўлини кўксига қўйганча:

«Ҳеч бўлмаса инвалидга жой беринг, опажон!» деб ялинарди.

«Мен сизга опа эмасман. Бошингизни туйнукдан олинг!» деб бақирди аёл.

Мирзо Бадал бўлса: «Хўп, хўп! Сингилжон, инвалидга...» дея илтимос қилаётганди, «боринг-э, сингил эмиш! Инвалидингизни шаҳарма-шаҳар судраб юрмай уйда қолдиринг эди. Жой йўқ! Бошингизни туйнукдан олинг дедим сизга... Қанақа одам бу...» қичқириб берди ҳалиги аёл. «Э-э,— хитоб қилди Мирзо Бадал.— Бу инвалидни менинг қариндошим деб ўйлаяпсизми? Ундай эмас, биринчи марта кўриб туришим, раҳмим кел-япти... қаранг ахир...» «Бас!—дея қичқирди аёл.—Бунақа раҳмдиларнинг кўпни кўрганмиз. Уф-ф... Яна бошини туйнука тиқади-я...» Мирзо Бадалнинг кўзи менга тушгани йўқ ҳали. Қошлари дамодам кўтарилиб тушаётганини, лаблари пирпираётганини, бурун парраклари кенгайиб-тораяётганини ён томонидан кўриб турардим...

— Стоп!— дўстимни тўхтатдим. Гурунг мен ўйлагандан ҳам аъло эди. Эсимдан чиқиб кетмаслигига имоним комил.— Юзта-юзта отайлик, давом этасан...

Ичдик...

...— Шу пайт,— давом этди дўстим.— Меҳмонхонага башанг кийингач ёшгина йигит кириб келди. Халиги гунгурсдай хотинга кўриниш бериб, паспортини унга

Мирзо Бадалнинг елкаси оша узатиб юборди. Йигитга жой топила қолди. Аёлнинг таниш-билишларидан бўлса керак-да, бунақалар кўп-ку... Бирдан олатасир бўлиб кетди, шовқин-сурон кўтарилди. Мирзо Бадал хотин билан ўзининг ўртасидаги ойнани бир мушт уриб чил-чил синдирди. У болохонадор қилиб сўкарди. «Мен кўчадаям ётавераман!— дерди.— Мана бу инвалид одамга жой бер!.. Аनावи олифтага топилган жой бунга топилмайдими?...» Милиционер келди. Одамлар негадир айбнинг ҳаммасини Мирзо Бадалга тўнкашар, ранги пага бўлиб кетган хотин бобиллагайча оғзига келганини қайтармасди...

— Мирзо Бадални милиционер олиб кетдими?— Бу воқеани эртага айтиб берсам бирданга обрўим қанчалик ошиб кетишини ўйлаб ҳузурланарканман сўрадим.

— Олиб кетишди.

— У-чи?

— Ким?

— Мирзо Бадал...

— Юлқиниб милиционерларнинг қўлидан чиқиб кетишга уринарди. Сўкинарди.

— Милиционерларнинг қўлидан чиқиб кетишга уринармиди?— Мирзо Бадалнинг буқага ўхшаб юлқинаётганини кўз олдимга келтирдиму ўзимни тутолмай кулиб юбордим.— Ва-ҳа-ҳа... Юлқинарди де... Қилғиликни қилиб қўйиб сўкинармидиям? Их-ҳ-хи-хи... Об-бо! Бу гурунг жа-а зўр бўлди аммо-лекин... Эртага айтиб берсам, ҳамманинг ичаги узилгудек қотиб қолади. Ва-ҳа-ҳа... Об-бо, аҳмоғ-эй!..

— Бас қил!— бу бақирик зўр-базўр ўзимни тўхта-тишга мажбур қилди. Қулгунинг зўридан ёшланган кўзларимни арта туриб, дўстимнинг юзига ҳам қарамай охирги айтган сўзимин беихтиёр яна такрорладим:

— Об-бо, аҳмоғ-эй!..

— Падарингга лаънат!— бу ҳақоратни кимга айтяпти деб илкис дўстимга қарадиму унинг қийшайиб кетган лаблари, ўт бўлиб ёнаётган кўзлари қаҳрига дош беролмай юрагим орқага тортганча бошқа томонга ўгирилдим. Шу қўйи қимирлашга ҳам ҳошим келмай тошдек қотиб қолдим. Унинг қадам шарпалари ресторани тарк этгунча гўё ўликка айландим. Кейин аста-секин ўзимга кела бошладим. Томоғим қақраб кетганди. Сув қўйиб ичдим. Дўстимдан ажралганимни ҳис этдим. Бонсиниям ғира-шира англагандай бўлдим. Айрилиқ мен ўйлаганчалик даҳшатли эмаслигини, аллақачонлар қир тепасида-

ги ёлғиз дарахтдай сўппайиб қолганимни пайқай бошладим. Гарчанд, тунлари дарахтдай шамоллару юлдузлар билан тиллаша олмасам-да, бу ҳам мен ўйлаганчалик даҳшатли туюлмади...

Бордию тақдир ҳиммат кўрсатиб йигирма йил ортда қолган МЕНи айна лаҳзаларда қошимга чорлаганида у МЕН ўзи макон этган танадаги беҳудуд зулматдан юраги ёрилиб қайта ҳижрат қилиши турган гап эди...

Лекин, МЕН сал-пал нур тушиб турган пучмоққа жойлашиб олсаям ҳолимни хароб қилишига шубҳа-гумон йўқ...

Бундай ҳодисалар ора-сира бўлса-да, юз берган. Бироқ, хавотирланишимга ўрин йўқ. Йигирма йил бурун МЕН боғу роғлар, шаффоф тоғлару кўм-кўк адирлар кўйида дафн этилган. Ҳар тонг, ҳар шом қабр бошига чиқиб олиб, нималарнидир бўзлаб-бўзлаб куйлайди...

НУҒОЙ МУАЛЛИМ

Ўрта ёшлардаги, рангу рўйи, сочлари сап-сарик, кўзлари кўм-кўк Нўғой муаллим қишлоққа уруш бошланмай келган, шу ерда туғилиб-ўсгандай эллашиб кетганди. Баланд бўйли, йирик гавдали одамлар содда, очиқ кўнгил бўлади, дейишгани, балки ростдир. Унинг гавдаси шарофатиданми, қардошлиги важҳиданми, ишқилиб, қишлоқ аҳли кўрганда қўйгани жой тополмасди.

Тўй-маросимларнинг маслаҳат ошисига аввал ким чақирилади — Нўғой муаллим; уйнинг тўри ҳамиша кимга мунтазир — Нўғой муаллимга!

Пастдаги булоқдан сув олиб чиқаётган аёлга сал-пал бўйи чўзилиб, овози дўриллаброқ қолган болакай ёрдам бериб бўпти. Эркакларнинг ғазаблари ошиб-тошиб кетганини кўрасиз. Қонлари жўшади. Ур калтак-сур калтак. Номаҳрам болага челақ тутқазиб қўйган заифанинг шўри қурийди: булоқдан олиб чиққан суви бурнидан булоқ бўлади. Кулишния, йиғлашния билмайди киши.

Нўғой муаллим...

Аёлларнинг ўзлари ҳеч тортиниб-нетиб ўтирмай уни ёрдамга чақиришаверади. Бундай пайтда эркаклар дугайиш ўрнига жилмайишади. Андак хижолат ҳам чеккан бўлишади:

— Қўявермайсизми, муаллим...— дейишади тутила-тутила.

— Нега қўярканман?— дейди Нўғой муаллим ҳам шартта.— Кўрмайсизларми, челақлар оғир.

— Э-ҳа!..— ким бўлсаям, беихтиёр бош қашиб қола-

ди. Ноилож илжаяди. Бироқ, челақни олишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Муаллимни қанчалик иззат қилишмасин, буни ор билишади занғарлар.

Кексалар арзаларини атай Нўғой муаллимга ёздиришадик, буниинг қўлини юқори идораларда ҳам катта-кичик бари танийди деб. Уям йўқ демасди, ҳуснихат билан, аввал ҳукумат катталарининг тани жони омонлигини тилаб, уларни шарафлаб, муддаога аста-секин ўтиб, ҳафсала қилиб, қотириб арза битарди.

Шу кезларда унинг атрофида бошқа икки нўғой гиргиттон бўлиб қолишди. Бу иккаласиям яқиндагина келишган, ҳали ишгаям жойлашишмаганди.

Ўзбекининг бағри кенг. Бир кунмас-бир кун бу иккала навқирон нўғой дилларига туккан барча эзгу орзу-армонларига етишларига шубҳа-гумон йўқ.

Нўғой муаллим...

Бир кун қандайдир юмуш билан районга бораётганди. Ортидан икки ёш нўғой эргашилди. Йўлга тушиш олдидан муаллим истиҳола қилиб ўтирмай:

— Мен иш билан боряпман,— деди.

Уларнинг авзонда ўзгариш сезилмади. Ё ўзларини тушунмаганга олишди ёнги ҳақиқатдан ҳам овсарроқ эканлар.

— Мен иш билан боряпман, — такрорлашга мажбур бўлди муаллим ва у ёғини ҳам очиқ-ойдин айтиб қўяқолди.— Сизлар нима қиласизлар?

— Томоша!— иккаласиям келишиб олгандек баббаравар жавоб беришди.

Муаллим индамади.

Йўлга тушди.

Ҳозир у сал қуруқроқ, дўнгроқ жойни чамалаб олиб, сўнгра қадам ташларди. Қўча ҳалдан лой, йўл юриш ботқоқдан кечиндан ҳам машаққатлироқ туюларди. Ортидагилар эса унинг изидан қолмай, одим отишарди.

«Топган вақтларини!— ўйлади муаллим.— Ҳозир томошага бало борми...»

Норзойнинг ёнғи остида, ариқ бўйида гап талашиб турган икки солиқчию Исроил бобога кўзи тушиб, хаёли бўлинди.

Исроил бобо эшак устида эди.

— Бобой, эшак минини-ку биласиз, ҳукуматнинг солиғини тўлаш эса хаёлингизга ҳам келмайди-а!— деди улардан бири — гинт юзли солиқчи, ҳукумат маҳридаги мулкни Исроил бобо зўравонлик билан эгаллаб миниб олгандай, эшакка ола қараб.

Чол нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлар-жуфтла-мас, иккинчи солиқчи — боши ҳандалакдек бурни пачоқ, биткўз киши гапни илиб кетди:

— Саллангизнинг ўзиям беш-олти метр чиқар-ов! Ҳукумат солиғи тўланмай турганда саллалак мато харид қилганларини бобойнинг!..

— Янгигина эканми?— сўз қўшди униси.

— Ҳа-да, ҳали тоғорага ҳам тушмаган!

Бор гап шу.

Исроил бобони уришганиям, сўкишганиям йўқ — фақат, омади гапни айтишди, холос.

Чол буига дош бериши мумкин эди.

Дош берарди ҳам. У бундан ҳам оғирроқ таҳқирларга илжайиб кетган вақти кўп бўлган, одамлар бундан ҳам ортиқроқ дашиномларга бўйинини этганча миқ этмай туришганиниям кўп кўрган. Шу экан-да — нимаям қиларди?

Эшаги...

Эшакнинг оёғи турган жойида мункиб кетдими ёки жонивор юришга жазм қилиб сўнгра тойилдими, билиб бўлмади.

Исроил бобо солиқчиларнинг оёғи остига учиб тушди. Лойга беланди.

Солиқчилар бенхтиёр ўзларини четга олишди-да, «бай-бай, бай-бай» деб, бош тебратишди, лой-пой сачрамадимикин, дегандай бир қур усти бошларини ҳам кўздан кечиришди.

Нўғой муаллим шоша-пиша ёрдамга ошиқди. Орадаги саккиз-тўққиз одим масофани ўч-тўрт қадамда босиб ўтди.

Муаллим Исроил бобони қўлтиғидан суяб ётган жойидан тургазди. Бир илож қилиб эшагига миндириб қўйди. Чол қургур эшакнинг бехос мункиб кетганиданми, солиқчиларнинг лоқайдлигиданми, муаллимнинг жон ҳалпида кўмакка ошиққаниданми — ишқилиб, буёғи бизга қоронғи, мутаассирланди. Ўзини босиб олишга ҳарчанд уринмасин, бунинг удласидан чиқолмади. Эшагига ўтириб олгач, қувониш ўрнига ўкраб-ўкраб юборди.

— Ие, ие-е!— оғзини очиб қолди биринчи солиқчи.

— Бўлди, бўлди!..— деди иккинчи солиқчи.

— Ёйиғ билан қутулмоқчилар-ку?!— биринчи солиқчи чирт этказиб тупурди.

— Буям бир ҳийла-да!— дарров ўзини ўнглаб олди иккинчи солиқчи.

Нўғой муаллим ҳеч кимга бир оғиз ҳам сўз қотмай,

индамай кетди. Йўлда давом этаркан, ўзига-ўзи гапирар-
ётгандек:

— Э-э, илгариги хонликлар замони ҳам тузук эди-
да!..— деб юборди.

Нега бундай деди, а-а?!

Ўзиям ҳайрон эди. Кейинчалик ҳам ҳайрон қолиб
юрди.

Хонлик замонларини у кўрмаган-ку?!

Хонлик замонларини у билмайди-ку?!

Қитоблардан у замонлар инсоният тарихидаги алаҳ-
сиш давридай таассурот қолдирарди-ку?!

Нўғой муаллим айтарини айтдию дарров ортига ўги-
рилди. Ҳар иккала навқирон нўғойнинг кўзларида алла-
қандай совуқ ўт йилтирарди. Юзларида аллақандай ўта
мудҳиш, сескантирувчи ифодалар барқ урарди.

Нўғой муаллимнинг қўти учиб кетди. «Ана энди ўз-
лари томоша кўрсатишадиган бўлди-ку», дея ўйлаб, ўзи-
ни босишга, гапини айлантиришга, вазиятни юмшатмоққа
уринди. Илгари хонлик замонларида ҳам солиқчилар
бўлмаган эмас, бўлган, деди ич-ичидан тошиб келаётган
титроғини тўхтатолмай, лекин улар булардай беҳаё бўл-
маган; илгариги хонлик замонларида ҳам Исроил бобо-
га ўхшаган бечоралар эзилган, аммо ҳозиргидай эзил-
маган, деди. Ўзи илганган тўрни баттар чалкаштириб
юборганини сизди. Бўлар иш бўлганди — индамай кет-
ди.

Юра-юра ортига бурилганди, иккала навқирон қар-
дошини кўрмади.

Кетиб қолишибди.

Нўғой муаллимнинг кўнгли хираланди. Борар йўл-
дан қайтиб, энди ўзи ортидан келаётганларнинг изига
тушди.

Улардан бирининг уйига йўл олди. Унинг бутун вужу-
ди титрар; ялинаман, керак бўлса иккаласининг ҳам
оёғи остига ўзимни ташлайман, деб ўйларди. Солиқчи-
лариям, Исроил бобониям гўрига гишт қаларди. Бош-
га битган бало бўлиб қаёқдан ҳам учраб қолишди.
Индамай кетаверганида биров бошидан қайноқ сув қу-
ярмиди?

Не хаёллар билан у нўғойникига етиб келди. Йўқ.

Бунисиникига йўналди. Йўқ.

Иккаласиникига то ярим тунгача бўзчининг мокися-
дек қатнади. Йўқ, йўқ, йўқ!

Аъзойи бадаши қақшаб уйига қайтди. Остонадан ич-

кари ҳатлаш унга насиб этмади. Йўлдаёқ қўлига кишан уриб, олиб кетишди.

«Қаёқларда юрибсиз, кутавериб зиқ бўлиб кетдик-ку!»— дейишди тўнгиллаб.

Эрталабгача мижжа қоқмай мелисахонада ўтирди.

У пайтларда Чироқчида гуноҳкорнинг айбини бўйнига қўйиб бадар кеткизадиган прокурорнинг ўзи йўқ эди. Умуман, у пайтларда гуноҳ қилиш Чироқчида бировнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Ниманики тақдим этишса ташналик билан қабул қилишар, ниманики кўрсатишса ишонишарди.

Нўғой муаллимни Шаҳрисабзга олиб борадиган бўлишди. Йўл-йўлакай у адирлардан, тоғлардан кўз узмай борди. Тоғлар ҳам, йўллар ҳам қандайдир жуда-жуда бегона туюлар, бундан у торикарди. Ўзини шунчалик ожиз-нотовон сезардики, кўнгли тўлиб бехос ўкраб юборган Исроил бобо унинг ўрнида бўлганида бу қадар гариблик ҳис этмаган бўларди.

«Прокурорга қаттиқроқ ялинаман,— деб ўйлади у.— Оёғининг остига ўзимни ташлайман. Тухмат қилишди дейман... Бу номақбул гапларни мен айтганим йўқ, дейман...»

Тасодиф!

Шаҳрисабзнинг прокурори ҳам нўғой экан.

У ҳам ўрта ёшларда, унинг ҳам чеҳраси сариққа мойил, кўзлари кўкиш — гапиришидан, кўринишидан нўғойлиги яққол билиниб турар, фақат бу ерларга муаллимдан беш-олти йиллар аввал келиб қолган экан.

Нўғой прокурор...

Муаллимнинг жонига фақат шу аро кириш мумкин эди, холос.

Иккаласи танҳо қолишди.

Прокурор нимадандир хижолат чекаётгандек, бир қўлини ортига қилиб, иккинчи қўли билан қўлоғининг ортини қаший-қаший, калласини энгаштирганча уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа бориб-келиб турди. Ахийри ёрилди:

— Кардош, гап мундай...

— Қандай?— недандир бир оз дадилланган муаллимнинг қўлоғи динг бўлди.

— Айтганларингизни бўйинингизга олмай тураверасиз... Шундагина... иложи топилади...

Муаллимнинг юрагини эгаллаган гариб туйғу қайгадир маҳв бўлиб, ўрнини мардонаворлик эгаллади. Дарига, унинг ҳам ёнини оладиган, унга ҳам ичи ачийдиган,

уни ҳам дейдиган одамлар бор экан-ку, қўтир дунёда! Э, яратганинг иноятига шукрки, энди ҳеч кимга эланмай, рост гапини бемалол айтаверса бўлади. Мабодо, солиқчилар, икки навқирон нўғой бўлганида ҳақиқатдан ҳам айтганидан тониб, туриб оларди — сотқину хоинлар учун рост сўзнинг сариқ чақалик қадри йўқ; бироқ, ўша айтган гапи аҳамият касб этганди, энди ўша гап учун бутун бир умрни алмашса арзирди: прокурор муаллимнинг кимлигини кўриб-билиб турибди; кўриб-билиб турганидан; топ, деяпти.

Муаллимнинг кўкси аллақайдан келган бахтиёрликдан сарбаланд бўлди; ўзини жуда улкан, қадри улуғ Инсон ҳис этди, кўзлари ёшга тўлганча:

— Айтганларимдан тонмайман,— дея пичирлади.

Прокурор буни эшитди, серрайиб қолди.

— Ўзингиз биласиз,— деди сўнгра, жилмайишга уришиб, бироқ жилмая олмади, лаблари бир томонга зўр-базўр жийрилди, холос.

Муаллим бир сўз айтди:

— Топмайма-ан!..

Шу маҳал сира кутилмаган ҳол содир бўлди.

Прокурор унинг қаршисига келиб қўлларидан тутди, ялинчоқ товушда ўтинди:

— Ўзингни хароб қилма, қардош! Бўйнингга олмасанг бас — у ёғини менга қўйиб бер, қутулиб кетасан!..

Нўғой муаллим осойишта товушда такрорлади:

— Топмайма-ан!..

Прокурорнинг елкалари шалвираб тушди.

Нўғой муаллим ўн икки йилни олиб кетди.

Шу кетганича қайтмади.

ЭРТАК

Осмонга бўй чўзган чинор.

Унинг остидаги супа.

Эшнӣёз чол.

Чинор йўл бўйида эканлигига қарамай, улканлигидан мактаб ҳовлиснинг деярли ярмига олачалпоқ соя ташлаб туради.

Кўкламу куз, ҳатто иссиқ ёз кунлари ҳам чол одатини қанда қилмайди. Саҳар чоғи уйғониб мол-ҳолларга қарайди-да, чой ичиб мактаб томон жўнайди. Йўлда учраган одам борки, салом беради, сўрайди:

— Ишгами, Эшнӣёз ота?..

— Ишга-а!

...Чол мактаб ҳовлисини бошдан-оёқ айланиб чиқади. Қоғоз парчалари, хас-чўшларини йиғиштириб олади. Теграси иҳоталанган майдончадаги гулларга сув қуяди. Иши тез тугайди. Қоровулхонадан шолча олиб чиқиб супага ёзади. Чордона қуриб ўтиради. Бирин-кетин муаллимлар келишади, салом бериб, сўрашади:

— Ҳаммадан аввал келиб олган экансиз-да?!

Эшнӣёз чол хижолатомуз жилмаяди:

— Йўғ-э... Қуёш чиқиб қолган эди...

У негадир бесараижом. Ниманидир, кимларнидир нитиқ кутаётгандек.

Хуштак чалишиб, бир-бирларини туртишиб, бир-бирларини қувлашиб, қочиб боплар кела бошлашади. Улар кетма-кет салом беришади. Эшнӣёз чол беихтиёр

Ўридан туриб кетади, кўзлари чарақлайди, қўлини кўксига қўяди:

— Ваалайкум... Ваалайкум... Баракалла, баракалла...

Ўзини етти қават осмон устидагидек ҳис этади,

Қий-чув тинади.

Дарс бошланади.

Эшннёз чол ёнбошлайди.

Тилининг остига бир чимдим нос ташлагач, томирлари бўшашади. Утган-кетганга манзират қилади: «Қани-и, носдан битта отсинла-ар!»

Агар чўнтагига носкади солиб юрмайдиган носкашлардан бўлса, илжайиб келаверади.

Шу баҳона бир-икки оғиз уёқ-буёқдан гаплашиб олишади:

«Мортепада пичан қалай?»

«Белга уриб ётибди чалги кутиб!»

«Тузук-тузук! Подани суғоргани ҳалиям Ҳасан ҳовузга олиб боришяптими?» Ва ҳоказо, ва ҳоказо... Бошқа ниманиям айтади?

Суҳбатдош ҳам носни тупурадию туриб кетади, ташвишу юмушлар бошдан ошиб ётганида бу гапларнинг бир чақалик фойдаси йўқ...

Чол зерикади. Начора, ўтириши керак. Иши шу — мактабга қоровуллик.

Фаррош хотинлар уёқ-буёққа супурги уришади. Сўнг-ра, қўлбола ёғоч ўриндиқда қатор тизилишиб ўтирганча ғийбат бошлашади. Эшннёз чол уйга кетаверсаям бўлади-ю, кетмайди. Ғийбатга ўзиниям қўшиб юборишларидан қўрқади.

Дам чордона қуриб ўтиради, дам ёнбошлайди...

Ёмғир-қор ёғиб, шамол эсан тўс-тўполон кунларда супа бўшайди. Чинор ҳам алланечук мунгайиб қолади.

Чинор..:

Йўқ, аслида бундай:

Эшннёз чол.

Чинор.

Супа.

У танаффус бўлишини бесабр кутади. Қўнғироқ чалиндини, бас, болалар чолнинг олдига ёпирилиб келишади. Бир-бирларига гал бермай чўвиллашади:

— Бобожо-он, битта эртақ айтиб беринг!..

— Биттагина...

— Э, қўйинглар-э! — Эшннёз чол қиёфасига жиддий тус бермоқчи бўлади-ю, эпполмайди, илжайиб юборади. Юзига қон тепади. Болалар тиқилинч қилишавер-

гач:— Қўймадинглар-да!— дея жисмига таралган аллақандай ҳузурданми, бошқа нарсаданми — кўзларини бир оз юмганча ўйланиб қолади.

— Жо-он бобожон!

— Айтгингиз келиб турибди-ку?..

Қора-қура, мунчоқ кўзли, қора кўзли, мовий кўзли болалару қизалоқларнинг мўлтайиб туришлари унинг кўнглини юмшатади. Дадилланиб, челақни тўнтаради, ўтиради, икки кафтини иккала тиззасининг кўзига тираб... Таянганли сукутдан кейин бошлайди:

— Шу-у Германияда кетяпми-из, қўлда-а бешотар! Бир пошист ўтди олдимиздан — ҳаҳҳ, дедим! Пешонасидан ўқ тегди пошистнинг — йиқилди, чўзилди, тўлғонди, жон берди! Ортидан яна бири келяпкан экан. Уям уҳ дедю кетди...

— Кейин-чи, кейин?!

— Шошманглар. Гапнинг бердисини эшитинглар-да!..

Болалар жим бўлишади. Қийшанглаб-қийпанглаётганларини туртишиб, дўқ уришиб тинглашга мажбур қилишади. Яна сукунат. Эшнӣёз чолнинг кўзлари яна ўша-ўша ғалати ифодаларга тўлган. Ҳикояси... Ҳикояси ҳам ўша-ўша:

...«— Шу Германияда кетяпмиз. Қўлда-а бешотар!..»

Эшнӣёз чолнинг урушда кўрган-билгани шу. Қаҳрамонлигию хотираси шу. Ешларга, кексаларга айтиб юрадиган ҳикояси. Бошқа гап гапирмайди уруш ҳақида. Бир гал уйқусирабми, хаёл чалғитибми бошқа нарсаларни ҳам айтиб юборган-у, оқибат, юраги қинидан чиқиб кетаёзган!

Ҳазилакам гап эмас-да!

Эшнӣёз чолнинг юрагига балли ҳалиям! Хайрият, ўшанда ҳеч ким билмай, эшитмай қолган. Чол шу-шу тилини тишининг остига маҳкам босган — бошқа ҳеч қаерда, ҳеч қачон айтиб юборганмас.

...Эшнӣёз чол бир пиёла қайноқ чой илинжида қоровулхонага кирди. Оловнинг тафтидан икки бети қипқизариб картнинг ўртасида Ҳамида фаррош жун титиб ўтирарди. Бир томонида урчуқ, иккинчи томонида пўс-так парчаларидай сочилган титувсиз жун. Хонага ёпирилиб кирган совуқ боис, озорланиб эшик томон қарадию чолни кўриб бирдан ҳовлиқди:

— Эшикни ёпинг, эшикни! Қатларда юрасиз-а?!

Директор сўради сизни. Дарров учрашсинлар деди...

Эшнӣёз чолнинг ранги ўзгарди. Фаррошга норози

қиёфада, курк товукқа ўхшаб қоқоғлайвермасанг-чи, дегандек қарадио изига қайтақолди.

— Эшикни, эшикни!..— Ҳамиданинг бақириси қулоғига кирмади.

Директор кабинети. Эшнӣз чол эшик қабзасини хавотир аралаш ушлади. Ўзига тортаркан, кўнглига минг турли ўю фикр келиб-кетди. Остонага қадам босаётиб турга нигоҳ ташлади. Директор нималарнидир қитирлатиб ёзар, ёзишдан тўхтаган заҳоти бир қошини кериб шифтга боққанча ўйланар ва яна ёзишга киришиб кетарди. Эшнӣз чол унинг илмига қойил қолди. Қошини кериб шифтга термулган билан ҳар кимнинг ҳам қалласига қоғозга туширса арзигулик фикр келавермайди-да!

Чол томоқ қирди.

— Келинг!— директор креслога ястаниб ғалати илжайди.

— Қалай энди?!

— Тузук...

— Миҳдек бўлиши керак!— директор кўзларини чақнатиб бош бармоғини кўрсатди.— Бугун шонли армиямиз ташкил топган кун-а? Хабарингиз борми?

— Ҳа.

— Яшшанг!— директор мақсадга кўчди:— Энди-и сиз ҳам аҳил коллективизмнинг аъзоси, узвий қисмисиз, дейлик! Ёш авлодга ота-боболарнинг жасоратлари ҳақида бирор нарса айтиб бериш керак, дейлик! Урушда бўлгансиз. Немис-фашист босқинчиларидан бир нечасини яксон этгансиз. Танклару пушқалардан ҳам бир-иккитасини йўқ қилгансиз. Герой қидириб юрмайлик. Ўқувчилар даврасида ана шулар айтиб берилади энди. Эсдан чиққан жойларига қўшиб-чатилса ҳам майли... Биров ёлгон айтдинг, деб ёқангиздан тутмас...

Директор ишшайди. Чол қизариб бўзарди-ю, индамади. Нимаям дерди? Уғлимас, ошнасимас, муаллимас — директор-а! Йўл-йўриқ кўрсатади кўпчиликка, ойликниям шу беради — катта одам!

Чол ер остидан қанчаллик зингил солиб тикилмасин, у ҳазиллашяптими, жиддий айтяптими — фарқлолмади.

У ўқувчилар тўлланиши лозим бўлган синфнинг печкасига кўмир қалади. Ўт ёқди. Иситди. Катта танаффусда болаларни олиб келишди. «Геройни кўрамиз!» деган ҳаёлда бўлса керак, чувиллашган ўқувчилар олдинги парталарга ёпишишди, бир-бирларини суриб чиқаришди, кучлилари бемалол жойлашишди...

Тўс-тўполон сал тинди. Директор қаламининг орқа-

си билан столга бир-икки урди. Хонага сув қуйгандек жимлик чўкди.

— Хурматли ўқувчилар...— Директор армия тўғри-сида, уруш ҳақида гапирди. Ҳозирги кун билан боғлади. Сўнгра тантанали суратда:— Мана-а, бугун шу муносабат билан ўтказилаётган учрашувимизга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, мактабимизнинг заҳматкаш қоровули Эшнӣёз Тошнӣёзовни таклиф этганмиз! Марҳамат, сўз сизга, ўртоқ Тошнӣёзов!— дея эълон қилди. Болалар бирваракайига «ие!» деб юборишди. Эшнӣёз чол ўрнидан турди. Ҳаяжон босди уни. Синфни тозаям иситган экан-да—терлаб кетди! Қаршисида, чап томонида, ўнг томонида пичирлашиб-қиқирлашаётган қорақура, мовий кўзли, мунчоқ кўзли, паст-баланд болалар!

Йўталди. Қўлларини қаерга қўйишини билмай дам кўксига чалиштирди, дам салаңглатиб осилтирди. Бир оз титроқ товушда:

...— Шу-у, Гермони́яда кетяпмиз-из, қўлда-а бешотар,— деди.

Гурр кулги кўтарилди. Дераза ойналари зириллаб, шифт кўчиб тушаёзди.

Эшнӣёз чол адо бўлди. Оёғидан мадор қочиб, кўз олди қоронғилашди: «Нега кулишади? Ҳар сафар қўнғироқ чалиниши биланоқ «биттагина айтиб беринг!» деб, ялиниб-ёлборишиб олдига югуриб боришмасмиди?!»

Нажот кутгандек директорга мўлтайиб қаради. Унинг қовоғидан қор ёғиб турарди. Директор бояги қалам билан столга бир-икки марта урди. Болалар жим бўлишди. Эшнӣёз чол:— Бир пошист ўтди олдимиздан, «ҳаҳҳ» дедим. Пешонасидан ўқ тегди пошистнинг. Йиқилди, чўзилди, жон берди! Ортидан яна бири келяпкан экан, уям «уҳ» дедию кетди!— дея, сўнгги жумлаларни чайнаб, қийнала-қийнала тугатди.

Синфни бошга кўтаргудек қаҳқаҳа бошланди.

Эшнӣёз чол қаршисидаги, чап томонидаги, ўнг томонидаги болалару қизалоқларга ҳайрон боқди.

Директорга жовдираб нигоҳ ташлади:

— Ўтирайми?

Директор афтини бужмайтирди:

— Тамомми?! Дарров-а?!

Ноилож ўзи ўрнидан қўзғалди.

Эшнӣёз чол ўтирмади.

«Ўртоқ Тошнӣёзов фалон-фалон фронтларда шундай-шундай қаҳрамонликлар кўрсатган!»— Директор бичиб-тўқийверди, бичиб-тўқийверди....

Гап билан танклар яксон этилди!

Ғалаба қозонилди!

Ҳаммаси бўлди!

Учрашув тугади.

Болалар ўзларини эшикка уришди.

Эшнӣёз чол ўша ҳолатда тураверди.

— Бешинчи «а»га йўлаб бўлмайди — музхона! —

Директор папкасини қўлтиғига қистираркан унга қарамай ўлдиради.

Чол тушунди.

Енгил тортди.

Ташқарига йўналди.

Кўмирхонадан кўмир тўла чолак ва куракчани олди.

Муаллимлар хонасининг рўпарасида Қароматилловнинг ерга урсанг кўкка сапчийдиган невараси ўқийдиган синф; унинг дастидан арзу дод қилмаган муаллим йўқ. Шу болани кўрса Эшнӣёз чолнинг юраги ортига тортиб кетади. Вунинг онасига ўғлимга, деб ноп ҳам синдириб қўювди-да... Ноп синдирган билан насиб этмаса...

Чол лаънатлайди.

Сўкади.

Бироқ у машъум тун кўпқарида маррага интилган от янглиғ ўтиб кетган. Дупур-дупури чолнинг қулоқлари остида, туёқлари кўксиди...

Машъум тун. Дарё узоқ-узоқлардан ҳам қирғоқдаги аскарларнинг кўркам гавдаларини бир чизиқдагидек равшанлаштириб кўрсатиб турарди. От янглиғ ўтди...

Ботиқ излар чолнинг кўксиди...

Қароматилло кейин оғиз солди...

Анча кейин...

Эшнӣёз чолнинг ўзи қўявермагач...

Бу бола саккизинчида!..

Э, бўлди! Соли чўлоқнинг кенжаси ўқийдиган синфда!..

Бориб эшикни очди. Болалар дув қарашди: Эшнӣёз чол ўнғайсизланди. Муаллимга — Абдувалининг укасига қаради. У бош ирғаб, машғулотини давом эттираверди...

Чол дераза ёнига борди. Чўнқайиб чўян печканинг кулини тозалай бошлади. Қулоғига муаллимнинг сўзлари кириб турди.

«...Бу-у Абдувалининг укаси хў-ўп каллали экан-да. Одамлар унинг мунчалик илм йиққанини билишмайди-ёв! Тўю маъракаларда жойи десим пойғаҳда!..

...Ўзиям хокисор-да жуда! Буғолтир Карим бу бил-
ганнынг ярминиям билмас! Гапи йирик лекин!.. Ҳурмату
иззатиниям жойига қўйишади. Доимо тўр бўлмаса-да,
пойгаҳга ҳам тушиб кетмайди...»

Челакни кўтарганча чиқиб кетди.

Куракчани печка устида унутиб қолдирди.

Бу ташқарига чиққанида хаёлига келди.

Қайтиб кирмади.

Челакни ерга қўйиб белбоғи қатидан носқовоғини
олди ва кафтига тўлатиб нос тўкди...

Хаёл элитди... Кўз ўнгига ранго-ранг ҳалқачалар
жимирлаша бошлади. Пешонасидан совуқ тер чиқди.

Директор хонасидан чиқиб у томон кела бошлади.
Чол каловланди.

— Бу-у...— директор чолнинг оқариб кетган юзига,
юпқалашаётган лабларига бир қур қараб қўйиб аччиқ
гапини ичига ютди, барибир, шундаям, индамай кета-
веришни ўзига эп кўрмади:— Ўзи икки фашист ўлгач
нима бўлувди? Шу бўлган гапми? Урушга борганлар-
нинг ўзлариям тўқнишса кераг-ов! Наҳот иккисиниям
ўзингиз отдингиз?! Тушингиздами, ўнгингиздами? Гап-
ниям эплолмайсиз!— Директор шундай дея жаҳл би-
лап эшикдан чиқиб кетди.

Шомда уйига келди. Кампири сандал бурчагида бе-
лини тўнга ўраб, илқиллаб ётарди.

Тўнгиллади:

— Ётаверар экан-да!..

Кампирнинг кўзлари ялтиради:

— Жўрттага ётиппанми?! Зора, омонатини тезроқ
ола қолса-а...

Чолнинг юраги торикди. Уйга сиғмади, ҳовлига чиқ-
ди. Совуқ. Тўлини ой сенаётган нурлар ҳам муздек туюл-
ди. Сомонхонага кириб тоғорага емиш солди, сигирга
келтирди. Сигирнинг охуридаги нўшхўрдин эшакка таш-
лади... Ҳовлида анча андармон бўлиб юриб уйга кир-
ганда, кампир уйқуга кетганди. Аҳён-аҳёнда ихраб, гўл-
дираб, илқиллаб қўярди. Эшиниёз чол сандалнинг кўрпа-
сини кўтариб косов билан чўнни қўзғади. Тўрга ўзига
жой ташлади. Қорни таталаётганига қарамай кўрпа-
га бурканиб олди.

Уйқуси келмади.

Хаёли кампирга оғди. Айтган гапига афсус чекди.

Учрашувни, директорни кўнгли ғашланиб эслади.

«Бормайман энди мактабга ҳам!— пичирлади қаҳри
келиб.— Энагар директорнинг ҳақи бир кўзига кўрсат-

масам!.. Комиссия келсин, жавобгарлик йўқ деб очиқ айтаман!..»

Чол субҳи содиқда уйғонди. Қор қалин ёғибди. Қуруқ таппи келтириб, ўчоққа қалади. Чойгумни косовга илиб устига қўйди. Ўт ёқди. Молларга қараб келгунча чойгум қайнаб, таппидан қўр тушганди. Қўрни сандалга солди. Дастурхон ёзди. Чой дамлади. Шопиёлада кампирга илимқ сув келтирди, олдига дастшўй қўйди...

Жимгина нонушта қила бошлашди.

— Ишга бормадингиз?— сал ранги кирган кампир унга саволомуз қаради.

— Бормаيمان энди!

Кампирнинг чеҳраси очилди:

— Маана энди ақлингиз кирибди! Қачондан бери айтиб келаман сизга! Пенсамиз етади. Улимлигимиз тахт.

Чол унга эътибор бермай маҳсисини кийиб чиқиб кетди.

Абдувалининг укаси том кураётган экан. Эшннёз чолга кўзи тушиб саломлашди, сўради:

— Мактабгами, ота?

— Йўқ, мактабгамас.

— Отдих экан-да бўлмаса?

— Йўқ...

Абдувалининг укаси елка қисиб, қор курашда давом этди.

— Ҳо-ой муаллим!— Эшннёз чол анча ердан қайтиб келиб, уни чақирди.— Қўнғироққа кўпми ҳали?

Абдувалининг укаси соатига қаради:

— Ўн беш минут бор!

...Эшннёз чолнинг юраги ҳапқирди. «Болалар дилдираб ўтиришгандир?! Корсон фаррош Ҳамида ўла қолса ҳам кўмирга қўл урмайди! Ҳализамон қўнғироқ чалинса болалар гурр этиб кўмирхона олдига келишади. Келишармикан? Кеча кулишаётганди. Бугун келишармикан?! Келинса...

Қидиришса...

Топишолмайди.

«Эшннёз бобо араз қилибдилар», деб ўйлашади.

Ўйлашармикан?»

У қорда чуқур-чуқур излар қолдириб мактаб томон жўнади...

Директорни учратмади.

Чол қоровулхонага бош суқмоқчи бўлиб, эшикни

қия очган эди, оёқларини эркакчасига чалиштириб ур-
чук йигириб ўтирган Ҳамда:

— Эшикни! Эшикни!— деб жонҳолатда қичқириб
юборди.

Эшннёз чол ташқарида туриб эшикни ёниб қўя қол-
ди.

Қўнғироқ чалинди.

Юраги гурсиллаб урганича кўмирхона олдига борди.

Қора-қура, мовий кўзли, мунчоқ кўзли, қора кўзли
болалар тўдаланиб келишди. Улар совуқдан дилдира-
шар, лекин чувиллашарди:

— Бобожо-он, биттагина айтиб беринг!

— Жо-он, бобожон...

Эшннёз чолнинг лабларида хиёл табассум ўйнади.
Болаларни кўп зориқтирмай бошлади:

...— Шу-у Гермонида кетяпми-из, қўлда-а бешота-
ар! Бир пошист ўтди олдимиздан. Ҳаҳҳ дедим. Пенюна-
сидан ўқ тегди пошистнинг — йиқилди, чўзилди, жон
берди! Ортидан яна бири келяпкан экан, уҳ дедию уям
ке-етди!

— Кейин-чи, кейин?— Болалар жипсроқ келишди.

— Кейин, кейин...— Эшннёз чол нимадир айтишга
жазм қилган бўлди-ю, юзи оқариб, ўзгариб кетди, кўз-
ларида теран ва оғир изтироб акс этди. Тилига кало-
лат келганча:— Кейин... кейин...— деб турдию ўзини
зўрга тутиб, давом этди:

— Шу-у Гермонида кетяпмиз, қўлда-а бешотар!..

Бу Эшннёз чолнинг урушда кўрган-билгани, хотира-
си. Қаҳрамонлиги, ёшларга бир, тенгдошларига бир,
ўғлонлару қизалоқларга такрор-такрор, баъзан ўз-ўзи-
дан айтиб юборадиган ҳикояси...

Бунинг давомини ҳеч ким эшитмаган, эшитмас ҳам.

Билмаган,

билмас ҳам.

Эшннёз чол бир марта уйқусираб айтиб юборган-у...
шамдек қотган!

Кампирга қарашгаям ботинмаган!

Унинг юзини эрталабдан ер остидан синчиклаб ку-
затган: «Эшитмадимикан!»

Эшитмаганига нишонч ҳосил қилган бўлса-да, торн-
қиб, ухлалмай юрган — айтиб юбормай деб!..

... — Шу-у Гермонида кетяпмиз, қўлда бешот-ар!..

Ҳозирча шу. Давомини чол лаънатлайди.

Сўкади.

Машъум туп.

Дарё ёқасидаги аскарларнинг кўркем гавдалари қилт
ётмайди...

Оддий аскар Эшнӣёз Тошнӣёзовнинг ўғли сержант
Нусрат Эшнӣёзовни елиб бораётган от янглиғ тун би-
лан бирга узатишмоқда...

Оддий аскар Эшнӣёз Тошнӣёзов кўксига туннинг ме-
тин туёқлари ботиқ-ботиқ излар қолдирмоқда...

Ботиқ излар ҳамон кўксига...

Ўшанда у яккаю ягона ўғли — Нусратни ўз қўлла-
ри билан қабрга қўйганди. Агар... айтиб юборса... не
илинжу умиддаги кампири қай ҳолга тушади? Майли,
қанча афсонаю эртаклар керак бўлса тўқниди, тўқий-
веради, бироқ...

Одам боласи токи ўз бошидан кечирмас экан, ҳар
қандай изтироб, огриқлар ҳам унга эртақ бўлиб туюла-
веради...

Шундай экан, чолнинг тўқигани бежиз эмас... Ундан
кейин...

Қора-қура, мовий кўзли, мунчоқ кўзли, қора кўзли
болаларга, ўғлонлару қизалоқларга иккита фашистнинг
ер тишлагани ҳақидаги ҳикояю иккита фашистни ер
тишлатган баҳодирнинг тантанаси мароқли!..

Бу, эҳтимол, чолнинг ўзига ҳам катта таскиндир.

Биз билмаймиз... Афсоналар ва улар замиридаги из-
тиробни, огриқни ҳис этмаганимиз каби асли ҳақиқатдан
ҳам беҳабар қолаверамиз....

Осмонга бўй чўзган чинор.

Супа.

Кўзлари олис-олисларга қадалган чол...

Қолгани осонгина давом этаверади, бичиб-тўқилла-
веради... Бироқ, қанчалар бичиб-тўқилмасин ҳақиқатдан
қочиб бўлмайди — бу энди эртақ эмас...

МУНДАРИЖА

Энамнинг овози	5
Ялангтепа осмони	29
Баланд тоғлар	35
Шаҳарлик амакимининг хикояси	44
Менинг митти юлдузгинам	62
Жаидачининг қутчаси	69
Адоқсиз йўллар	74
Тандирчининг армони	84
Юрилмаган йўл	91
Малла она	102
Сен айтган одам	108
Қарим ота	114
Хиёнат гори	120
Кенг дунё	126
Соқов	137
Энди бари бошқача	142
Зулмат	153
Нўғой муаллим	160
Эртақ	166

Для детей среднего школьного возраста

Р а с с к а з ы

ШАИМ БУТАЕВ

ТЕПЕРЬ ВСЕ ПО-ДРУГОМУ,

Рассказы

Тақризчи Маҳмуд Саггоров
 Рассом Т. Саъдуллаев
 Расмлар муҳаррири А. Шоалимов
 Техник муҳаррир М. Мирзожабов
 Корректор Ш. Соатова

ПБ № 0303

Босмахонага беринди 12.06.89. Босинга руҳсат эгилди 30.01.90. Р—06155. Формати 84×108²/₃₂. Босмахона қогози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 9,24. Шартли кр. огт. 0,66. Нэпр л. 8,42. Шарт-нома № 13—89. Буюртма № 155. Тиражи 40000. Баҳоси 30 т.

«Юлдузча» нашриёти, Тошкент, 83 РСН, Менин кўчаси, 41.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети «Матбуст» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Ўйинқул шаҳри, 702500, Самарқанд кўчаси, 44.